Етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ!

Бобур ва дунё

Маънавий-маърифий, илмий, тарихий, бадиий журнал

№1(22) 2022 йил. Апрель

Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш – бу игна билан қудуқ қазишга баробар.

Мен ўзим шу соҳадан чиққаним учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган олима аёлларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
шу йил 7 мартда бўлиб ўтган
Халқаро хотин-қизлар кунига
бағишланган тантанали
маросимдаги нутқидан.


МУНДАРИЖА

4. Ҳазрат Бобур изидан

Зокиржон МАШРАБОВ.
Улуғлар меросини ўрганиш ва навбатдаги эътироф

10. Эҳтиром

Ситора ТОЖИДДИНОВА.
Гулдан нозик, тоғлардан кучли



13. Янги тадқиқот

Дилафрўз МУҲАММАДИЕВА.
“Бобурнома”нинг туркий тиллардаги таржималарида паремияларнинг акс этиши

22. Премьера

Жумабой РАҲИМОВ.
Истеъдоднинг туғилиши



23. Тарих ва табиат

Азиз ШАРИПОВ.
“Бобурнома”да Амударё ва унинг ирмоқлари хусусида

30. Улуғ аждодларимиз

Нигора КЎРАГАНОВА.
Умри от устида ўтган саркарда

32. Адабиётшунослик

Муяссар ИБРОҲИМОВА.
Яссавий ҳикматларида дунё образи



36. Сийрат

Санобар ТЎЛАГАНОВА.
Шахсият ва ижод

43. Адабий талқин

Моҳира ОТАБОЕВА.
“Нонсенс”даги “сенс”



54. Кўнгил сарҳадларида

Башорат ОТАЖОНОВА.
Сафсаргул бандига сингиб кетди гул

57. Ҳикоя

Абдулҳамид ЧЎЛПОН.
Ойдин кечаларда...

59. Ёшлар минбари

Сардорбек СИРОЖИДДИН ўғли.
Заҳириддин Муҳаммад Бобур – ибратли шахс



60. Муштарий мактуби

С. БОБОМУРОДОВА.
Куёвтош ва келинтош афсонаси



62. Бобомерос ҳунарлар

Озод СУЛТОНОВ.
Бодияларга муҳрланган санъат




68. Наврўз шукуҳи

Саъдина БОБОМУРОДОВА.
Бунчалар гўзалсан, гулбаҳор – ҳаёт!

70. Мусаввир нигоҳи

Гулнора РАҲМОН
Туйғуларнинг рангин жарангги



73. Халқаро ҳамкорлик

Шафиқа ЁРҚИН.
Бобур оиласида фарзанд тарбияси

78. Бобурхонлик

Хати бинафша, хади лола, зулфи райҳондур,

79. Латиф лутфлар

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ.
“Марднинг гапи битта бўлади”



Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан буюк аждодларимиз меросини ўрганиш, бебаҳо маънавий хазиналарни излаб топиб, юртимизга олиб келиш ишлари давом эттирилмоқда

Айни пайтларда мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ҳаракат – буюк аждодларимизнинг номларини янада улуғлаш, беқиёс маънавият хазиналаридан баҳраманд бўлиш ва номларини абадийлаштириш борасидаги савобли ишлар замирида ёш авлодни ўз Ватанига фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш, аждодларидан фахрланиш ҳиссини кучайтиришдек олий мақсадлар мужассам. Ана шу эзгу ишга Бобур номли халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси мана 30 йилдирки, ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиб келмоқда.

УЛУҒЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ВА НАВБАТДАГИ ЭЪТИРОФ

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, табиатшунос олим.

Чунончи, кўҳна тарихимизни мукаммал ўрганиш, тиклаш, маънавиятимизни янада юксалтириш, заминимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган бой илмий-маданий меросларини излаб топиб, Ватанга олиб келиш ва илмий истеъмолга киритиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, эришилган натижаларнинг залворли бўлишида халқаро илмий экспедициялар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Экспедициянинг биринчи сафари 1992 йил май ойида амалга оширилган бўлиб, шу кунгача 50 дан ортиқ хорижий давлатларга 30 маротаба халқаро сафарлар уюштирилди. Африка қитъасидан Ҳинди-Хитой ярим ороли, Европа-Америка давлатларигача 375 минг км.дан ортиқ масофа автомашинада босиб ўтилди.

Бу илмий сафарларнинг натижасида Ватанимизда туғилиб, кейинчалик тақдир тақозоси билан ўзга юртларда яшаб, ижод қилган буюк алломаларимизнинг абадий оромгоҳлари зиёрат қилинди, уларнинг ҳолати ўрганилиб, ободонлаштириш юзасидан лойиҳалар тайёрланди ва уларни қайтадан қуриш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, Бобур ва бобурийлар тарихини қайтадан чуқур ўрганиш баробарида хорижда яшаган, дунё илму фани, адабиёти, тарихи, санъати, маданиятига ўзларининг бой адабий мероси билан ҳисса қўшган ва тақдир тақозоси билан ўша жойларда мангу макон топган буюкларимизнинг қабрлари излаб топилди. Шунингдек, илмий экспедиция сафарлари давомида кўҳна тарихимизга оид ҳамда буюк аждодларимиз қолдирган ноёб асарларнинг асл ва фотонусхалари мамлакатимизга олиб келинди ва илмий истеъмолга киритилди.

Ўтган даврда илмий экспедициямиз томонидан олиб борилган изланишлар натижасида 1000 дан зиёд ноёб китоб ва нодир қўлёзма асарлари юртимизга олиб келиниб,

фонд қошидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида мужассамлаштирилди ва илмий истеъмолга киритилмоқда. Улар асосида 30 дан ортиқ илмий-бадиий китоблар чоп этилди. Кейинги ўн йил давомида буюк аждодларимизнинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган асарларини топиш, уларни Ватанга қайтариш ва таржима қилиб, китоб ҳолида ўқувчиларга тақдим қилиш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

Фонд ташкил этилганидан буён биргина қомусий асар — “Бобурнома”нинг ўзи уч марта қайтадан нашр эттирилди. Бугунги ёшларга янада тушунарли бўлиши учун “Бобурнома”нинг табдили яратилиб, кирилл ва лотин алифболарида чоп этилди.

Бобурнинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари дунё тарихчилиги ва адабиётшунослигида иккинчи “Бобурнома” ҳисобланади. Ана шу йирик мемуар асар ҳам форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

Россия Фанлар академиясининг Туркология институти билан Бобур номли халқаро жамоат фондининг илмий ҳамкорлигида 2016 йилда салмоғи энциклопедиядан кам бўлмаган “Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография” китоби нашрдан чиқарилган эди. Бугунга келиб, Бобур мирзонинг тарихий ва ижодий меросини илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш, тизимга солиш, изоҳлар билан таъминлаш ва тарғиб этиш мақсадида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар. Энциклопедик, илмий ва илмий-оммабоп материаллар тўплами” номли 4 жилддан иборат ушбу нодир асар Россия Фанлар академиясининг Туркология институти профессор олимаси Анна Дыбо бошчилигида 2019 йили биринчи (А-Б-В қисмлари) жилди нашрдан чиқди. Қолган учта жилди 2022-2023 йиллар давомида нашрдан чиқиши режалаштирилган.

Кўпчиликка маълумки, мамлакатимизда илк бор жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, ўзбек халқининг улуғ фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига бағишланган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” икки маротаба нашр қилиниб, жаҳон шарқшунос олимлари ва зиёлилари томонидан улкан илмий ютуқ ва оламшумул воқеа сифатида қабул қилинди. 64 босма табоқли бу энциклопедияни яратишда ўзбек бобуршунос олимлари қаторида Япония, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон ва Европадан ҳам олимлар фаол иштирок этишди.

Ҳозирда “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг учинчи тўлдирилган нашрини ҳамда инглиз ва рус тилларидаги нусхаларини нашрдан чиқариш мақсадида қатор ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Энциклопедиянинг учинчи нашрини тайёрлаш юмушлари ўзига яраша кўп меҳнат талаб қилади. Аввалги нашрларда йўл қўйилган камчиликларни баҳолиқудрат бартараф этиш, янги нашр учун мақолаларни тўплаш, уларнинг таржимаси, таҳрир ва таҳлил ишлари, олим ва мутахассисларни жалб қилиш ва бошқа кўплаб ишларни бир меъёрда ташкил этиш зарур. Шу мақсадда қомуснинг аввалги нашрлари тажрибасидан келиб чиқиб, уни нашрга тайёрлаш ишчи гуруҳи тузилиб, бир гуруҳ таржимонлар, мутахассислар фонд қошида ишламоқдалар. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг учинчи тўлдирилган нашри ҳамда унинг инглиз ва рус тилларидаги нусхаларини 2021-2022 йилларда нашрдан чиқариш бўйича Андижон давлат университетининг бир гуруҳ таржимон ва мутахассислари билан ҳамкорликда қатор илмий-амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда энциклопедиянинг инглиз тилидаги нашрига филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов, ўзбек тилидаги тўлдирилган янги 3-нашрига филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев, унинг рус тилидаги нусхасига филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмоновлар масъул муҳаррирлик қилишаётганини ҳам таъкидлаш лозим.

Эътироф этиш жоизки, ҳазрати Бобур мирзо асарлари тўплами

тарихимизда, яъни ҳали шу бугунги вақтгача бир бутун шаклда чоп этилмаган бўлиб, илк тажриба сифатида фонд ташаббуси ва ҳомийлигидаги Бобур мирзо “Куллиёт”ининг янги нашри ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек томонидан нашрга тайёрланмоқда. Бобур мирзо “Куллиёт”и, яъни тўлиқ асарлар тўплами олти жилд ҳолида нашр этилиши маданий-маърифий



ҳаётимиздаги улкан янгилик бўлади.

Ўтган вақт ичидаги бу катта ютуқлар Ўзбекистоннинг дунё бобуршунослиги марказига айланишига хизмат қилди, десак муболаға бўлмас. Энг эътиборлиси, ҳазрати Бобур ҳаёти ва ижоди халқимизга маънан янада яқинлашди. У ҳақда кўп ва кенг билиш имконияти яратилди.

30 йилдан буён февраль ойида Андижонда халқаро миқёсдаги илмий анжуман ўтказилиши жуда гўзал анъанага айланди. Бу эса ўз навбатида дунё бобуршуносларини Бобур мирзо туғилган юртга янада яқинлаштириш баробарида кенг жамоатчиликни ҳам олиб борилаётган изланишлар, қўлга киритилган ютуқлар билан мунтазам таништириб боришга хизмат қилмоқда. Ва ҳар йили бобуршунослик бўйича изланишлар олиб бораётган янги ёш олимлар кашф этилмоқда.

Бу йилги анжуман 14 февраль куни Андижон шаҳридаги Бобур номли халқаро жамоат фондининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Анжуманда фонд васийлик ва бошқарув кенгаши аъзолари, вилоят ҳокимлиги ҳамда Республика маънавият ва маърифат маркази вакиллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, хорижлик бобуршунос олимлар, Фарғона, Наманган ва Андижон давлат университетлари ректорлари ҳамда ОАВ вакиллари гибрид: онлайн ва офлайн тарзда иштирок этдилар. Шунингдек, республикамизнинг таниқли бобуршунос олимлари билан бир қаторда Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон, Миср, Туркия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон каби давлатлардан етук бобуршунос-шарқшунослар ҳам анжуман ишида онлайн тарзда қатнашдилар. Швеция давлатидан бобуршунос олима Шафиқахоним Ёрқин, Туркия давлатининг Кожаэли университети профессори Муневверхоним Текжан, АҚШ давлатидан Азизулла Ароларнинг Андижонга шахсан ташрифи ҳам ташкиллаштирилди.

Анжуманда Бобур мирзонинг тўла асарлар тўплами – “Куллиёт” нашри, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг ўзбек тилидаги учинчи нашрини тайёрлаш ишлари ва унинг рус тилига таржимаси каби масалалар хусусида таниқли олимларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, Кожаэли университети (Туркия) профессори Муневвер Текжан, швециялик бобуршунос олима Шафиқа Ёрқин, Ҳиндистон маданий марказининг Ўзбекистондаги директори, профессор Чандер Шекхар, фондимизнинг Озарбайжон бўлими раҳбари, Озарбайжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти профессори, филология фанлари доктори, профессор Алмаз Улви Биннетова, Боку давлат университети профессори Рамиз Аскер, Озарбайжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти доценти Бахтиёр Муҳаммедов, фоднинг Қозоғистон бўлими раҳбари, Ал-Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университетининг шарқшунослик факультети профессори Ислом Жеменей, фоднинг Қирғизистон бўлими раҳбари, тарихнавис адиб,

Қирғизистон ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмалари аъзоси, АДУ фахрий профессори Бегижон Аҳмедов, фоннинг Покистон бўлими раҳбари, Бобур форуми директори Муҳаммад Рамзан, фоннинг Швеция бўлими раҳбари, профессор Абдулҳаким Шаръий Журжоний, Айни Шамс университети профессори Магда Салах Махлуф каби дунё таниган олимлар анжуманда онлайн тарзда қатнашиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини қатнашчилар эътиборига ҳавола этишди.

Анжуман давомида ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Омонулло Бўриев ва Темурийлар тарихи Давлат музейи бўлим мудири Азизжон Шариповлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган, бевосита "Бобурнома" ва Темурийлар даврининг бошқа бирламчи тарихий манбалари маълумотларига таяниб тузилган, олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим дастурларида Бобур даврини ўрганувчи тадқиқотчилар, ўқувчилар учун зарур қўлланма бўлиб хизмат қиладиган "Заҳириддин Бобур давлати" тарихий харитаси илк маротаба илмий жамоатчиликка тақдим қилинди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Ибрагим Мавлоновнинг "Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда иқтисодий бошқариш тизими" номли монографиясининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, профессор Шуҳрат Сирожиддиновнинг анжуман қатнашчиларига табриги ҳамда "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси"нинг инглиз тилидаги таржима нашрини тайёрлаш ишлари ҳақида"ги фикрлари ушбу институтнинг "Таржима амалиёти ва назарияси" кафедраси мудири, филология фанлари доктори, доцент Зиёдахон Тешабоева томонидан иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Эътироф этиш керакки, бу йилги анжуман ҳам дунё бобуршуносларининг ўзаро фикр алмашиши ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий дунёқараши кенгайиши учун беқиёс хизмат қилди.

Экспедициямизнинг навбатдаги илмий сафари эса 1898 йилги Андижон қўзғалонининг етакчиси Муҳаммад Али Дукчи Эшон шахси ва унинг фаолиятини ҳаққоний ёритиш, ҳамюртимиз жадидчи, публицист ва олим Фозилбек Отабек ўғли фаолиятини ўрганиш билан боғлиқ бўлди. Тарихимизнинг Дукчи Эшон билан боғлиқ жиҳатларига ойдинлик киритиш мақсадида мингтепалик авлиё, миллий озодлик ҳаракатининг



ташкилотчиси бўлган Муҳаммадали Эшон Собир Халфа ўғли – Дукчи Эшон тақдири ва у билан боғлиқ янги тарихий маълумотларни йиғиш ва ўрганиш учун фонд томонидан икки маротаба илмий сафар уюштирилди.

Биринчи илмий экспедиция 2019 йилнинг 14-16 ноябрь кунлари амалга оширилди ва унинг бош мақсади Қирғизистон ва Тожикистондаги Эшон авлодларининг манзилларини аниқлашдан иборат эди. Фонд раиси ўринбосари Рустам Мамасолиев, журналист Обиджон Маҳмудов ва ҳайдовчи С.Азимовлардан иборат экспедициянинг дастлабки изланишлари яхши натижа берди.

Жорий йилнинг 13-18 январь кунлари фонд раиси раҳбарлигидаги экспедиция жамоаси – адабиётшу-

нос олим, филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ваҳоб Раҳмон, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, тарихчи-ўлкашунос, публицист Обиджон Маҳмудов ва ҳайдовчи Аҳмаджон Исабоевлар Тожикистон давлатининг пойтахти Душанбе шаҳрига Ўратепа орқали ўтиб, сўнг Помир тоғлари орасидаги Тавилдара ҳудудига тоғ йўллари орқали катта машаққатлар эвазига етиб боришди.

Гарчи қаҳратон қишнинг қоқ чилласи бўлса-да, узоқ йўл босиб, ҳамюртимиз Муҳаммадали Дукчи Эшон бобомизнинг у ердаги авлодлари – чевара ва эваралари билан учрашишга муяссар бўлинди. Сўнгра Карим Эшоннинг иккинчи ўғли Маҳмудулло эшон билан Тавилдарадаги Лайрониболо қишлоғида умргузаронлик қилган Дукчи Эшон бобо авлодлари яшаб келаётган уйга етиб борилди. У ерда Карим Эшоннинг турмуш ўртоғи, 94 ёшни қаршилаган Моҳинав ая ва унинг тўнғич ўғли Абдусалом Махсум ҳамда бошқа жигарбандлари билан суҳбатлашилди.

Дукчи Эшон 1898 йилги ғазоватдан сўнг, яшириниб, 6-7 йил ўтгач, онаси Асалбиби ойим юрти бўлган Қошғордан Помир тоғлари оша Жилғатол орқали Тавилдара қишлоғига келиб яшагани ва 1933 йилнинг 25 ноябрида 78 ёшида вафот этгани Андижон давлат университетининг ректори С.Зайнобиддинов билан бўлган суҳбатда ҳам айтилган эди.

Энг муҳими, шу маҳаллада жойлашган "Мавлоний" қабристонида бўлиб, Муҳаммадали Дукчи Эшон ва унинг ёнига дафн этилган набираси Карим Эшон қабрлари зиёрат қилиниб, ул зотлар ҳаққига қуръон тиловат қилинди, бу онлар видео тасвирларга муҳрланди. Шу ўринда бир ҳақиқат аён бўлди: Чор Россияси босқинчилари томонидан Дукчи Эшон ҳазратларининг "Андижон қўзғалони"дан кейин ҳибсга олиниб, унинг 3-4 та маслакдошлари билан дорга осилганлиги тўғрисида айтиб келинадиган гаплар ёлғон бўлиб чиқди. Эшон ўрнига унинг андижонлик дўсти, озодлик йўлида ўз жонини фидо қилгани маълум бўлди.

Муҳаммадали Эшон мана шу Тавилдара туманининг Лайрониболо қишлоғига келиб, ўзига ҳужра қуриб, уйланиб, ҳаёт кечирганини, чевара ва эваралари, бошқа яқинлари ҳамда маҳалла аҳли гапириб беришди, тарихий ҳақиқатни тасдиқладилар.

Бу чинакам тарихий воқеа бўлиб, 125 йил деганда ватан озодлиги ва ҳуррияти йўлида курашган улуғ боболаримиздан бири Дукчи Эшон ҳақидаги тарихий хақиқат ва адолат юзага чиқди. Ул зот ҳақида бугунга қадар етиб келган турли ҳадиклар билан суғорилган чала ҳақиқатлар, юзаки маълумотлар, шунингдек, Тошкент музейларида дорга осилган Дукчи Эшон тасвирланган суратлар эндиликда уйдирма ва тўқима эканлиги исботланди, дея бемалол айта олсак бўлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, публицист Обиджон Маҳмудовнинг халқаро анжуманда ўқиган маърузаси фондининг навбатдаги халқаро илмий экспедицияси сафари хусусида бўлиб, "Дукчи Эшон: тарих ва ҳақиқат" деб номланган. Ушбу маъруза анжуман иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

Ва яна таниқли адиб Қамчибек Кенжанинг фонд ҳомийлигида чоп этилган "Бобурийлардан бири" китобининг янги тўлдирилган 3-нашри анжуман қатнашчиларига ўзига хос туҳфа бўлди.

Умуман олганда, фонд нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсда ҳам ўзининг алоҳида ўрнига эга. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Покистонга режалаштирилган олий даражадаги ташриф доирасида Исломобод шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги дўстлик тимсоли – буюк саркарда ва мутафаккир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманда қатнашиш мақсадида камина илмий сафарда бўлиб қайтди. Покистонлик бобуршунос

ва Бобур мирзо ихлосмандларини фонд фаолияти билан яқиндан таништирдим. Сўнгги йилларда фонд томонидан чоп этилган китоблардан покистонлик дўстларимизга тақдим этилди.

Шунингдек, сафар давомида фонднинг жамоатчилик асосидаги Покистон (Исломобод) бўлими раҳбари, Бобур форуми директори жаноб Муҳаммад Рамзан билан бўлиб ўтган учрашувда форум томонидан Бобур мирзо ҳаёти ва фаолиятини тарғиб-ташвиқ қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишиб, ўзаро фикр алмашиб, ҳар иккала томонлар ўртасидаги келгуси режалар муҳокама этилди. Яна шуни айтиш жоизки, сафар натижасида фонд тасарруфидаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи сўнгги йилларда Покистонда чоп этилган бир қанча илмий ва бадиий адабиётлар билан бойиди. Ушбу қўлга киритилган китоблар Бобур мирзо мухлисларини яна бир бора қувонтириши шубҳасиз.

Барчага аёнки, Покистон ва Ўзбекистон ўзаро илмий, маданий жиҳатдан яқин алоқаларни келгусида ҳам давом эттиради. Покистон – сеҳрли диёр. Бу сеҳрли диёрни биз учун очиб берган ҳиндшунос, урдушунос олимларимизни доимо ҳурмат билан тилга оламиз. Улар қаторида, айниқса, марҳум профессор Ансориддин Иброҳимовнинг салмоқли хизматларини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Бобур шахсиятига бўлган эҳтиром ва унинг шеърияти шайдоси бўлган Ансориддин Иброҳимов Ўзбекистонда бобуршунослик фанининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимдир.

Ансориддин Иброҳимов таржимонлик соҳасида ҳам фаолият олиб борган моҳир таржимон ҳам эди. Кўплаб ҳинд ва покистонлик ёзувчиларнинг ҳикояларини таржима қилган. Жумладан, Кришан Чандарнинг "Хотирамдаги чинорлар" (1986), "Дадар кўпригидаги болалар" (1999), Премчанднинг "Шатранж ишқибозлари" (1990), "Хитўпадеша ёки ибратли ҳикоятлар" (1997), шунингдек, Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" асарини урду тилига таржима қилган ва мазкур асар 1996 йил Покистоннинг Лаҳор шаҳрида саҳналаштирилиб, кенг омма эътиборига ҳавола этилган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Покистонга ташрифи чоғида Покистон Бош вазири Имронхон жанобларига профессор Ансориддин Иброҳимов томонидан яратилган "Урдуча, ўзбекча муштарак сўзлар луғати"ни туҳфа қилди. Эътиборга лойиқ жиҳати ушбу нашрга давлатимиз раҳбари томонидан сўзбоши ёзилган бўлиб, унда муаллифнинг кўп йиллик изланишларига юксак баҳо берилган.

Маълумки, фондимиз томонидан Бобур номидаги халқаро мукофот таъсис этилган. Бу мукофот Бобур мирзо бобомизнинг ҳаёти ва ижоди, унинг моддий ва маънавий меросини, бобурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, юксак савияда бажарилган илмий тадқиқотлар, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги асарлар учун ҳар беш йилда бир марта берилади. Ҳозирга қадар кўплаб мамлакатимиз ва чет эллардаги машҳур илм-фан ва маданият арбоблари ушбу мукофот билан тақдирланганлар. Шу хабарни сиз азиз муштарийларга маълум қилмоқчимизки, Бобур халқаро жамоат фондининг куни кеча бўлиб ўтган Раёсат йиғилиши қарорига мувофиқ филология фанлари доктори, профессор, марҳум Ансориддин Пўлатович Иброҳимов бобуршунослик фани ривожига қўшган катта ҳиссаси учун Бобур халқаро мукофоти билан тақдирланди.

Зеро, буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Авлодлар хотирасида шараф билан ёдланмоқни донишмандлар инсоннинг иккинчи умри дейдилар", деган гапини ҳаммамиз яхши биламиз.

"Hurriyat" газетасининг 2022 йил, 30 март сонидан олинди.



Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълага мен кулдурмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

ГУЛДАН НОЗИК, ТОҒЛАРДАН КУЧЛИ

Ситора ТОЖИДДИНОВА



Аёл ҳилқатига гўзал таърифлар туганмасдай. Гарчи, феъли ҳам, ўзи ҳам баҳорга менгзалса-да, баъзан тушуниксиз туюлса-да... Агар у бўлмаганида буюклар, ботирлар туғилмас эди, шоирлар яралмас эди, муҳаббат қасрлари қурилмас эди... Ҳатто, подшоҳ Бобур ҳам аёл таърифи олдида шоирона ташбеҳларнинг камёблигини эътироф этади. Айниқса, фасли Баҳор, кўклам шукуҳи кеза бошлагач, халқаро хотин-қизлар байрами баҳонасида бу нозик хилқатга янада эҳтиром кўрсатилади.

Шу йил 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг онажонлар, опа-сингиллар, жамики аёлларимизга йўллаган табрикларини ўқиб, эшитиб қалби тўлқинланиб кетмаган киши бўлмаса керак. Турли соҳаларда аёлларга берилаётган имтиёзлар, эъзозлар таҳсинга лойиқ. Айниқса, илм йўлидаги хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор жуда қувончли. Зотан, маърифатли жамият қуриш учун, энг аввало, оналар бутун тафаккурли бўлишлари керак.

Аслида, қиз, фарзанд туғилганидаёқ ота-онасига нодир туҳфа бўлади. Яъни, ҳадисларда айтилганидек, ҳатто биргина оқила қиз ўстирганга жаннат ваъдаси бор. Турмушга чиққач эса улар эрларига омонатдорлик лавозимини берганки, омонатга хиёнат қилмаганлар чин мўъминлардандир. Оқила аёл умрини яшаб ўтиш чиндан катта мукофот. Айниқса, унинг ҳам адаб, ҳам касб-кор, илму маърифатда беназир бўлиши эса жамият ривожи йўлида олтин кўприкдир.

Беихтиёр машҳур ривоят ёдга тушади. Бир фақир киши донишманд ҳузурига борибди:

– Менинг ўғил ва қиз фарзандим бор. Аммо уларнинг ҳар иккисини илмли қилиб вояга етказишга қурбим етмайди. Қай бирини ўқитай?

Донишманд унга қиз фарзандини ўқитиш ҳақида маслаҳат берибди. Сабабки, агар ўғлига таълим берса, фақат бир кишини илмли қилган, қизини ўқитса, бутун авлодига таҳсил берган бўлар экан...

Дарҳақиқат, истаймизми, йўқми, дебоча зиё – онадан. Оқ сутию алласига қўшиб, илоҳий сўз сеҳрини ўргатган ҳам шул зот. Тили сўзга дўна бошлаган фарзандига борлиқни танитган ҳам ул. Болаларча туганмас саволларига бир-бир жавоб берадиган ҳам. Агар она маърифатли бўлса, сўзнинг қудратию уволини мурғак вужуд ҳис қила бошлайди, борлиқнинг қонуниятларини осон ўзлаштиради, илк саволларининг илмий жавобларини топа билади. Агар она саводсиз бўлса-чи? Бола туғилгандаёқ бўшлиқда қолади. Пойдевори бўш бинонинг қад рости эса даргумондир. Шу боис ҳам даҳолар оналари хусусда суриштирсангиз, албатта, илму фасоҳа-

ти юксак аёллар бўлиб чиқади. Бу қонуниятни яхши билган халқимиз азалдан хотин-қизларнинг таълим олишига эътиборли бўлган.

Аёлларнинг оналик мақомию рафиқалик адаби, фарзандлик меҳри ҳақида кўп ва хўп гапирилган. Шу ўринда бу соҳир қалб эгаларининг тарихимиз сўқмоқлари аро жамиятда тутган ўрни ҳақида баҳоли қудрат фикр юритсак. Аввалбошдан айтиш жоиз, узоқ мозийда хотин-қизлар орасида ҳам динни чуқур билган, фиқҳ илмида мукаммал, ҳадисшунос, шариат қонун-қоидаларидан пухта хабардор момоларимиз номлари кўплаб учрайди.

Манбаларга назар солсак, XII асрда тўлиқ исми Алоуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Косоний бўлган, "Малик ал-уламо" (олимлар подшоҳи) дея шарафланган буюк фиқҳшунос яшаган. Ҳар қандай фиқҳий масалаларнинг тугал ечимини топа олган олим турли илмий баҳсларга таклиф этилган. Ана шундай мунозаралардан бири Рум диёрида бўлади. Аллома Шаъроний тахаллусли кишининг анчайин хом фикрига чуқур исботи билан эътироз билдиради. Аммо ўз қарашини бир ёқламалик билан ҳимоялашда давом этаётган ўша кишидан табиатан қизиққон бўлган олимнинг ғазаби келиб, қўлидаги қамчи билан музокарадошини тартибга чақиришга уринади. Қамчи аралашган илмий баҳсдан Рум подшоҳига арз қилинади. Аммо гарчи бироз тезлиги бўлса-да, чуқур илмли бу алломадан воз кечиб бўлмасди. Шунда доно вазирнинг маслаҳати билан подшоҳ Алоуддин Косонийни Ҳалаб юртига элчи қилиб юборади. Шу-шу, олим умрининг охирига қадар ўша шаҳарда яшаб қолади.

Хўш, бу воқеани айнан келтиришдан мурод не дерсиз? Гап шундаки, чала, хом-хатала фикрларга аёвсиз, муросасиз муносабатда бўлган аллома билан суҳбатдош – ёр бўлиш учун камида унинг ўзичалик ақлу заковат керак. Яъни, бу ўринда алломанинг аёли зеҳнияти ҳақда тасаввур пайдо бўлади.

Алоуддин Косонийнинг рафиқаси – Фотима бинти Алоуддин ас-Самарқандий фиқҳ илмида беназир бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, аёл фиқҳ ва ҳадис илмида, ҳуснихатда турмуш ўртоғидан қолишмаган экан.

Косоний ўз даврининг улуғ мударрисси Алоуддин Самарқандийга шогирд тушиб, унинг китобларидан бирига шарҳ ёзади ва уни устозига туҳфа қилади. Китоб олимга манзур келиб, обрўли совчилар воситасида қизини шу шогирдига никоҳлаб беради. Оила қурилганидан сўнг Алоуддин Косоний, Алоуддий ас-Самарқандий ва Фотима бинти Алоуддин ас-Самарқандий биргаликда фатво беришган экан. Демакки, бу аёлнинг илмига ҳурмат билан ёндашилганки, унинг маслаҳати, фикри отаси ва турмуш ўртоғи томонидан инобатга олинган.

Кейинчалик биз юқорида тилга олиб ўтган воқеа юз бергач, Фотима бинти Алоуддин ас-Самарқандий турмуш ўртоғи билан бир умр Ҳалабда яшаб қолади. Табиатан ноҳақликка муросасиз ва қизиққон эри умр бўйи унинг кўнглига қарагани ва баҳсли мавзуларда маслаҳатлашгани манбаларда зикр қилинади.

Келинг, бир лавҳа келтирайлик. Ҳикоя қилинишича, кунлардан бир куни ватанини соғинган Косоний юртга қайтишга ҳозирлик кўра бошлайди. Ҳатто ҳукмдор Нуриддин аз-Зангийнинг қолишини сўраб, қилган илтимосини ҳам рад этади. Шунда подшоҳ олимнинг рафиқасига хат юбориб, турмуш ўртоғини Ҳалабда яшашга кўндириб беришини сўрайди. Буни қарангки, рафиқасининг илтимосини инобатга олиб, аллома бутун умр ўша шаҳарда қолади. Бу икки фиқҳшунос аллома бугунги кунда Ҳалабдаги "Эр-хотин қабри" номи билан машҳур бўлган қабристонга дафн қилинган.

Шунингдек, Фотима бинти Алоуддин ас-Самарқандий илми, салоҳияти билан ўз даврининг "Малик ал уламо"сига муносиб ёр бўла олгани таҳсинга сазовордир. Биз одатда даҳоларнинг онаси ёки шунчаки рафиқаси бўлгани учун аёлларга ҳурмат кўрсатамиз, гўё. Мана шу ҳурматнинг ёнига улуғ аллома муносиб аллома бўлгани учун деган эҳтиромни ҳам бемалол қўллаш мумкин.

Аёллар борасида бироз "зиқнароқ" тарихимиз қатларини қайирсак, аллома хотин-қизлар ҳақида маълумотлар учратамиз.

Аёл – бунёдкор. Биргина Темурий маликаларни келтиришнинг ўзи кифоя. Сароймулкхонимдан тортиб, Зебуннисобегимгача ва ундан кейинги даврларда ҳам аёлларнинг турли иншоотлар, мадрасаю мақбаралар, боғлар барпо этишгани маълум. Кўплаб ривоятларга сабаб бўлган Сароймулкхоним мадрасаси эса бу борада алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки у Амир Темурдан ижозат сўраб, ўз маблағи ҳисобидан, яъни Қозонхон совға қилган бир жуфт олмос кўзли балдоғининг пулига мадраса қурдиради. Хоссатан қурилиш жараёнлари ва кейинчалик у ерда таҳсил олган толиби илмларга маликанинг турфа ҳомийлиги ҳақида халқ орасида кўп ривоятлар тарқалган. Ушбу мадраса замонасининг жуда маҳобатли ва машҳур таълим даргоҳларидан бири бўлган.

Аёл – тарихчи. Бу борада Гулбаданбегим энг муносиб вакилдир. "Ҳақгўй отанинг – ростгўй қизи" дея таъриф бериладиган бу аёл "Ҳумоюннома"си билан тарих зарварақларидан алоҳида

ўрин эгаллади. Сабабки, отаси давридан бошлаб, ўзи яшаган замонгача рўй берган воқеалар, кўрган-кечирганларини маҳорат билан тасвирлади, шу орқали мозийнинг кўплаб нуқталари ойдинлашди.

Аёл – давлат арбоби. Машҳур саёҳатчи Ибн Баттута ўз китобида Амир Темур саройида бўлгани ва кўрган-кечирганлари ҳақида ёзаркан, Сароймулкхонимни алоҳида таърифлайди. Энг қизиғи, олиб келинган туҳфалар орасида қизил кимхоб Соҳибқиронга манзур бўлгани ва бу ҳақда рафиқаси билан фикрлашгани тасвирланади. Эрнинг вазири – хотин, дейди халқимиз. Гарчанд расман бўлмаса-да, зукко ва донишманд рафиқалар подшоҳлар учун ҳамиша давлат ишларида маслаҳатчи бўлишган.

Аёл – жангчи. Аслида баҳодирлик юртимиз аёлларининг қонида бўлса ажаб эмас. "Алпомиш" достонида Барчинойнинг алплар билан олишиб, ҳаммасининг курагини ерга теккизгани, афсонавий Тўмариснинг Ватан ҳимояси учун жангга киргани бунинг ёрқин далилидир. Қолаверса, Қурбонжон Додхоҳнинг от устида жангга киргани, Ватан, халқ озодлиги учун курашгани аёл фитратидаги яна бир тилсимни очади. Ҳатто, ўз дилбанди – ўғлини дорга осишаётганини кўриб ҳам олий мақсадидан воз кечмаган бу саркарда аёл жасорати, тоғдан кучли бардошига бемисл далилдир...

* * *

Яқинда ҳиндистонлик бобуршунос олим билан суҳбатлашганимда тадқиқотчи бобурий маликалар ҳақида гапира туриб, "Улар шоира, олима, хушхулқ ва баҳодир аёллар бўлган" деди. Энг охирги таъриф диққатимни тортди ва бу ҳақда кенгроқ маълумот сўрадим. Айтишича, темурийлар давлатидаги анъанага биноан бобурий маликалар худди бугунги мактаблардаги каби муайян соатларда зарур сабоқларни олишган. Мисол учун, тарих, фиқҳ, адабиёт илмидан. Эътиборлиси, булар сирасига жанг санъати-да кирган.

Аёл – мураббий. Жаҳон Отин Увайсий – нафақат оддий хотин-қизларни, балки хоннинг рафиқаси, кейинчалик Нодирабегим номи билан тариху адабиётдан муносиб жой олган шоиранинг устозидир. Нақл қилишларича, таъби назми юқори бўлган Амирий гўзалликда танҳо рафиқасининг шеъриятидан қўнгли тўлмайди. Ва, Увайсийни унга мураббийликка тайинлайди. Орадан бироз вақт ўтгач, ўзи билан қолишмай мушоира қилаётган жуфтининг фасоҳатига қойил қолиб, Увайсийнинг сабоқларидан мамнун бўлади.

* * *

Бугунги кунда гендер тенглик туфайли ижтимоий ҳаётда аёллар кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб. Шу ўринда, айрим фикрларимни баён этмоқчиман. Гендер тенглиги, дея аллақандай мезонларни кўрсатаётганларга бир аёл сифатида айтгим келади. Бизда илмдан хабардор ҳеч бир киши аёл ҳуқуқини поймол қилмаган, аксинча, унинг имтиёзларини қўллай билган. Аллоҳнинг омонатига хиёнат қилмаган. Ҳануз миллий характеримизга сингиб кетган шу хусусият сабаб ҳам рози-ризолик асосида илмни Чину мочиндан бўлса ҳам излаётган хотин-қизларимизнинг сони кўп. Жамиятнинг нозик хилқат вакилларига оғирлик қилмайдиган жабҳаларида улар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Ҳатто сиёсий ҳаётда ҳам аёлларнинг ўз ўрни бор. Президентимизнинг шу йил 8-март халқаро хотин-қизлар айёми муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда сўзлаган нутқидаги қизларнинг билим олиши, олий таълим муассасаларига қабул қилиниши, олий таълимни давом эттириши ва илм йўлининг бошқа жабҳалари учун алоҳида имтиёзлар беришили ҳақидаги гаплари, айниқса, қувонарлидир.

Энг асосийси, аёл фитратида илмга, касбу корга бўлган кучли хоҳиш ва маҳоратнинг мавжудлигини момоларимиз исботлаб туришибди. Уларнинг ибрат мактаби йўлларимизни ёритгувчи маёқ бўлиши шубҳасиз.



«Бобурнома»нинг туркий тиллардаги таржималарида паремияларнинг акс этиши

Дилафрўз МУҲАММАДИЕВА,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси.

«Бобурнома» жаҳон адабиётининг нодир дурдонаси ҳисобланади. У ўзининг таржималари билан барча халқлар адабиётига бемисл ҳисса қўшган. Асар дунё тилларига таржима қилинишининг тарихий ва тадрижий жараёнларини кўриб чиқиш асносида, таржимонларнинг аслиятни қайта тиклаш жараёнида нақадар машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтганлигини кўриш мумкин. Бунинг натижаси ўлароқ бугунги «Бобурнома»нинг жаҳон юзини кўриши учун етарлича тадқиқотлар амалга оширилган. Ҳозирда «Бобурнома» ва унинг таржимасига тегишли бўлган тарихий ҳужжатлар дунёнинг 23 кутубхонасининг ноёб мулки ҳисобланиши ҳам асар салоҳиятининг нечоғлик юқори эканлигини кўрсатади.



«Бобурнома»нинг таржималари ҳақида яхлит, мукаммал тадқиқот олиб борилмаган. Аммо бир неча тадқиқот ишларида айрим маълумотлар учрайди. Ўзга тилларга қилинган таржималарнинг савиясини аниқлаш, уларни ўзаро қиёслаб ўрганиш орқали асарнинг илмий қимматини белгилаш ўзбек халқининг жаҳондаги бошқа халқлар билан адабий-маданий алоқаларини ўрганиш нуқтайи назаридан ҳам муҳимдир. Зеро, «Бобурнома» дунё шарқшунослари якдиллик билан қайд этганларидек, инсоният маданиятига қўшилган катта улуш ҳисобланади.

«Бобурнома»нинг озарбайжонча таржимаси. «Бобурнома»нинг озарбайжон тилида иккита таржимаси мавжуд бўлиб, Рамиз Аскер томонидан қилинган таржима Бокуда икки марта нашр этилган. Ушбу таржимада (2011) «Бобурнома»нинг туркча (Р.Р.Арат), русча (М.Салье) ва ўзбекча (Порсо Шамсиев) нашрларидан фойдаланилган. Таржиманинг кириш қисмида муаллиф Бобур мирзонинг шахсияти, ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил тўхталади.

Таржимада ҳар бир шахс, ҳар бир жой ёки муҳим тарихий

воқеалар алоҳида сарлавҳалар билан ажратиб берилган. Асар шу қадар кичик таснифларга бўлинганки, баъзи сарлавҳа остидаги воқеалар бир бетгаям бормайди. Масалан, «Султон Маҳмуд мирзонинг Самарқанд тахтига чиқмоғи» (40-б) ёки «Бойсунқур мирзонинг Самарқанд тахтига чиқмоғи» (47-б) бўлимлари ярим бетдан, «Бойсунқур мирзонинг Хисравшоҳ тарафидан ўлдирилмоғи» (85-б) бўлими 7 қатордан иборат. Сарлавҳаларнинг умумий миқдори 153 та.

Таржима ўзбекча ва туркча матнга асосланганлиги учун воқеалар изчил ёритилган, тушиб қолган ёки берилмай ўтиб кетилган ҳолатлар йўқ. Аммо асарнинг сўнгги 936-йил воқеалари 935-йил воқеаларига қўшиб юборилиб, шу билан якунланган. Таржиманинг умумий ҳажми 424 бетни ташкил қилади.

Таржимада мақол ва маталлар матн ичида асл манбадагидек ёзилган, ҳаволада ҳозирги озарбайжончада қанақа маъно англатиши берилган. Масалан: «Deh koca və dərəxtan koca» məsəlini, deyəsən, Axsi üçün söyləmişlər. («Дех кужо ва дарахтон кужо» масалини Ахси учун айтилганга ўхшайди. – таржима бизники – Д.М.) матн тагидаги изоҳда эса Kənd harada, ağaclar harada (қишлоқ қаерда, дарахтлар қаерда, - таржима бизники-Д.М.) деб изоҳ берилган. Мисоллар:

Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтанд ((б.142.) – Həkimlər adın yad edilməsini ikinci ömür saymışlar.(б.199); тенг бўлмагунча тўш бўлмас (б.115.) – dəng olmayan tuş olmaz (б.155); Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини (б.218.) – Kim ölər həlakətə yetsə, ol bilir can qədrini (б.321); Агар сад солмони ва-р яке рўз, Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз (б.99.) – İstər yüz il, istər bir gün qal, Bu könül aydınladan köşkü tərk edəcəksən (133); Не бормоққа ере муқаррар, Не турмоққа юрте муайян (б.160.) – Nə getmək üçün qərar verilmiş bir yer, nə də durmaq üçün müəyyən bir yurd vardı(229).

«Бобурнома»нинг озарбайжонча таржимаси изоҳларга бой, уларнинг асосий қисми сатр остида берилган, диққатга сазовор жойи шундаки, изоҳларда туркча, русча ва ўзбекча нашрлар ўртасидаги фарқлар очиб берилган. Асар сўнггида тушунарсиз сўз ва ибораларга таъриф берилган.

Бу ҳақда таржимоннинг ўзи шундай ёзади: Bu qeydlər və izahlar «Baburnamə»nin türkcə, özbəkcə və rusca nəşrlərində verilən izahlar və bəzi məlumat-soraq mənbələri əsasında tərtib edilmişdir. Biz tərcümə boyu mətnaltı haşiyədə bəzi terminlərin mənası açıqlamış, şəxslər, coğrafi məntəqələr və s. haqqında kiçik bilgilər vermişdik. ...Ona görə də burada bəzi ifadə və terminlərin geniş şəkildə açıqlanmasını münasib gördük.

«Бобурнома»нинг қозоқча таржимаси. «Бобурнома» қозоқ тилига Байузақ Қожабекулы томонидан 1990 йилда «Бабырнама» номи билан таржима қилинади. Бу таржима ўзбекча танқидий матн ва русча таржима асосида қисқартирилган ҳолда босилган. Кейинги 1993 йилда тўлиқ таржима шаклида нашр этилган, аммо исм кўрсаткичлари ва географик номлар харитаси тушириб қолдирилган. Таржиманинг кириш қисмида муаллиф Бобур ва унинг ҳаёти, «Бобурнома»нинг бадиияти ва таркибий қисмлари ҳақида батафсил маълумот беради.

Қозоқча таржимада воқеалар жуда кичик-кичик мавзуларга бўлиниб берилган. «Бобурнома»даги афоризмлар, ғазаллардан парчаларни Оразақын Асқар қозоқчага таржима қилган. Нашрни кузатиш мобайнида паремияларнинг ўгирилишидаги ўзига хосликни аниқладик. Муаллиф мақолларни сўзма-сўз ўгирмайди, ҳозирги қозоқчада мавжуд бўлган эквива-

лентини қўллаш йўлидан боради. Масалан, Ғофил аз инжо ронда ва аз онжо монда (Ғофил бу ердан қувилган, у ердан ажралган) матали (б.64.) шундай ўгирилган: Тоқал ешкі қудайдан муйіз сураймын деп, қулағынан айрылыпты (б. 77.). Ёки, «Инонмағил дўстунгға, сомон тиқар пўстунгға» мақоли (б.76.) «Жау жоқ деме, жар астында» (б.99.) деб таржима қилинган.

Эътибор берсак, иккинчи мақолнинг муқобили айнан Бобур айтмоқчи бўлган фикрни ифодаламаган. Чунки Бобур дўстининг хоинлигини таъкидламоқчи, қозоқчада эса атрофнинг хатарларга тўла эканлигига урғу қаратилган. Ҳолбуки, таржимон аслиятда берилган мақолларнинг таржима тилида мавжуд муқобилларини излаши, уларни саралаши ҳамда муқобили мавжуд бўлмаганларини эса қисқа ва лўнда изоҳлар орқали ифодалаши лозим.

Мисоллар:

Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғурур (б.74) – Өз аяғымен келқп, қолымызға түскелқ тұрған жау еш шығынсыз, жылыстап кеттқ.(95), Корҳоро бавақт бояд жуст, Кори бевақт суст бошад суст (б.74) – Дер кезқнде бқткен қс пайдалысы, Күнқ өткен соң болмайды жай-мәнқсқ (95), Узраш батар аз гуноҳ (б.78) – Оның ақталғаны қылмыстан да жаман (102), Лаззати май маст донад, ҳушёрон чи ҳаз (б.108.) – Мас бқледқ шараптың тәттқ дәмқн, Татпағанды демейдқ ол шат қыламын емес жаман егер.

Кўринадики, таржимон мақолларни таржима қилиш жараёнида ўз тилида мавжуд бўлган эквивалентини қўллаш методидан фойдаланган, бироқ танланган бу метод ўзини у қадар оқламаган. Бунинг оқибатида, «Бобурнома»нинг асл ифода услуби бузилган, тасвирийлик акс этмаган. Бу ҳолатни гап тузилишларининг ўзгартирилганлигида ҳам кўриш мумкин.

«Бобурнома»нинг туркча таржимаси. «Бобурнома» турк тилига Р.Р.Арат томонидан таржима қилинган. «Қутадғу билиг» ҳамда «Ҳибат ул-ҳақойиқ» каби асарлар таржимони бўлган Р.Р.Аратнинг тарих соҳасига оид энг қимматли иши «Бобурнома» таржимаси ва ушбу асарга ёзилган икки юз саҳифага яқин маълумотларидир.

«Бобурнома»нинг туркча таржимасининг тартиби шундай: 1-жилд. Сўз боши (01-021), икки қисмдан иборат тарихий маълумотлар (023-0138), таржимон ўнгсўзи (0139-0143) Вақойиъ. I биринчи бўлим – Фарғона воқеалари (1-128). Илова: Амир Темур шажараси (Мироншоҳ – Султон Маҳмуд – Абу Саид – Умаршайх – Бобуршоҳ тарзида) ва Чингизхон шажараси (Бобурнинг она аждодлари шажараси) ҳар иккала сулоланинг схемаси. Иккала сулола Бобуршоҳ шахсида туташади.

2-жилд. Бобурнинг Топқопу саройи музейидаги миниатюраси. II бўлим. Кобул воқеалари (129-284). III бўлим. Ҳиндистон воқеалари (285-432) IV бўлим. Иловалар: шахс ва жой номлари кўрсаткичи (437-570), Бобур қўллаган истилоҳ ва таъбирларнинг алифбо тартибидаги луғати (571-669), Бобуршоҳ келтирган туркча, форсча ва арабча шеърий парчаларнинг асардаги бет кўрсаткичлари (671-672), Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари (Бобур қадами етган жойлар) харитаси (673-675) .

Р.Р.Арат «Бобурнома»нинг илмий нашрини яратишда асарнинг 1857 йилда Н.Ильминский томонидан эълон қилинган Қозон босмаси (Кир қўлёзмаси) ҳамда 1905 йилда А. Бевериж томонидан эълон қилинган Лондон нашри (Ҳайдаробод қўлёзмаси)дан фойдаланади.

«Бобурнома» туркча таржимасининг диққатга сазовор бўлган жиҳатлардан бири киши исмлари,

жўғрофий номлар кўрсаткичи А.С. Бевериж нашрига кўра яхшиланганлигида кўринади. Турк олимининг таржимада матн кўрсаткичларини тузиш маҳорати кейинчалик матншунос олимларимизнинг бир қанча ишларида қўл келди. Хусусан, асарнинг тўла ўзбекча нашрлари вужудга келишида турк олимлари тажрибасидан фойдаланилди.

Таржимада, шунингдек, мукаммал луғат, қисқа изоҳ ҳамда Бобур шажараси схемаси ўзига хос тарзда акс эттирилди. Аммо олиб борилган қиёсий тадқиқотимиз асарнинг ҳар икки матнда қатор фарқлар борлигини ҳам кўрсатди. Масалан, туркча нашрда киши исмлари, жўғрофий номлар кўрсаткичи, айниқса, Бобур мирзонинг фармонлари тўлалигича келтирилмаган. Матнда кўплаб узилишлар бор. Жумладан, бошқа кўплаб таржималарда бўлгани каби, «Бобурнома»нинг туркча матнида ҳам 914(1509) йил воқеалари тамомланмай қолган. Шундан кейинги 10-11 йиллик воқеалар ҳам йўқ.

Таржимада 233а саҳифадаги «Ушбу кун менинг яхши шаҳбозим йўқолди» жумласи ўрин олмаган. Р.Арат томонидан тайёрланган матнда «Turna ve kekliği fevkelade iyi tutardı – (Шунқорим) турна ва какликни яхши тутарди» тарзида берилса (s.261), «Бобурнома»нинг С.Ҳасанов тайёрлаган матнида «Шаҳбозим турнани ва лаклакни яхши тутар эди» дейилади (б.171.). Каклик ва лаклак (лайлак) бошқа-бошқа қушлар. Биламизки, каклик овланган, бу ҳақда кўпгина манбаларда ёзиб қолдирилган. Лекин лайлакни овлаш ҳақидаги маълумотларни учратмаймиз. Бундан шу нарса маълум бўладики, табдил ва таржимадаги нуқсонлар нафақат мазмунга, мантиқнинг бузилишига, маданият, маданий муносабатлар ҳақида нотўғри хулосага ҳам олиб келади. Аммо бу ўринда туркча таржимада ўзбекча матндаги нуқсон тўғирланганлигини кўриш мумкин.

С. Ҳасанов тайёрлаган матндан «Бобурнома»нинг 935 йил воқеаларини ўқиймиз: «Тонгласа одина куни Муҳаммад бахши ва баъзилар келиб, мулозамат қилдилар. Номози пешинга ёвуқ Жуунундин ўтиб, Хожа Абдулҳаққа мулозамат қилиб, қалъа бориб, амма бегимларни кўрдим» (б.261).

Асарнинг туркча матнида «Номози пешинга ёвуқ» сўзлари учрамайди. Қолаверса, матнда «Hoca Abdülhak'a mülazemet ettikten sonra kaleye gidip halalarımı gördüm» жумласи Hoca Abdülhak a mülazemet ettikten sonra kaleye gidip halalarımı gördüm (s.429). Бу ўринда таржимада давр муҳити ёритилмай қолган, яъни «бегим» сўзи тушиб қолиб, таржимадаги миллий колоритга путур етган. Бу икки миллат орасида лингвокультурологик ўзига хосликлар борлигини кўрсатади.

Р. Р. Арат асардаги ҳар бир сўз ва иборани таржима қилишга ниҳоятда эҳтиёткорона ёндашади. Сўзнинг маъно чегарасидан чиқмаслигини таъминлашга ҳаракат қилади: «...ушбу навоҳида эканда бизнинг черик бориб, Ўғрай ва Даҳонадин ошлиқ келтурдилар» жумлалари «Bu civarda iken askerlerimiz Güri ve Dehane taraflarına gidib erzak getirdiler» тарзида келади. Матннинг ўзбекча нашрида Ўғрай ва Даҳона деб келтирилса, туркча матнда бу сўз «Гури» яъни, Қоҳмирнинг шимолий шарқида жойлашган манзил, «Даҳона» эса Балхнинг жанубида жойлашган жой номи сифатида кўрсатилади. Бу маълумотларни китобхон тушунчасига етказиш, табиийки, таржимоннинг бутун диққат ва билими билан ўлчанади. Ана шунинг учун ҳам бадиий

таржиманинг асосий шартларидан бўлган ҳар бир сўзнинг маъносини тўғри акс эттириш, асл нусханинг нозик индивидуал услуб хусусиятларини бутун мукаммаллиги билан сақлаб қолиш таржима назариясида муҳим ўрин тутади.

Р. Р. Аратнинг матн яратиш ва таржимадаги маҳорати воқеаларнинг бир бутунликда келишида кўринади. У асл нусханинг нозик индивидуал услуб хусусиятларини бутун мукаммаллиги билан сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Масалан, таржимон асардан ўрин олган мақол, матал, афоризмлар ва шеърларини аввал қўлёзмадаги араб алифбосидаги шаклини беради. Сўнгра унинг таржимаси келтирилади:

Кўп озға Тенгридур бергувчи,
Бу даргоҳда йўқтур кишининг куч.

Туркча таржимаси: Çoğu ve azı veren Tanrıdır, bu cihanda insanın kudretı yoktur.

Ҳарчи дар оина жавон бинад,
Пир дар хишти пухта он бинад.

(Ёш киши ойнага қараб нимани кўрса, кекса одам ғиштга қараб ҳам шуни кўра олади).

Туркча таржимаси: Gencin aynada gördüğünü, ihtiyar pişmiş tuğlada görür.

Р. Р. Аратнинг шеърлар матнини тайёрлашдаги тутган ушбу йўли бошқа нашрларда такрорланмайди. Бу усул шеърлар матнини ўз ҳолича ўқиш ва табдил этиш имконини беради.

Асар таржималарининг тадқиқоти шуни англатадики, ҳар қандай вазиятда ҳам таржимон аслиятдан йироқлашмаслиги, асар замиридаги сўз ва фраземалар, реалиялар ёки жой номлари, тарихий шахслар исмларини таржима қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозимлигини кўрсатади. Чунки аслият мансуб бўлган халқ урф-одатлари ва миллий-маданий хусусиятларини, диний, иқтисодий-ижтимоий турмуш тарзини мукаммал ўрганмай туриб, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар тўғрисида етарли тасаввур ҳосил қилиш, шакл ва мазмуннинг уйғунлигидан иборат таржима яратиш жуда қийиндир. Ҳар қандай аслмонанд таржима замини шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини ташкил этадики, унинг мазмунига кўпроқ урғу бериб, шаклга эътиборни сусайтириш асарнинг бадиий ва миллий хусусияти, тарихий ўзига хослигига путур етишига олиб келади.

«Бобурнома» таржималари ичида шунчаки ўзга тилга таржима қилинганлиги билангина аҳамиятли бўлган таржималар талайгина, шу билан бирга асар аслиятига анча яқинлашган, тўлиқ ва эътироф этишга арзирли таржималар ҳам мавжуд. Бундай ишларга инглизча ва туркча таржимани мисол қилиб келтириш мумкин. Йиллар ўтгани сари «Бобурнома»га қизиқиш ҳам кучайиб бормоқда. Бунинг ёрқин мисоли қилиб сўнгги йилларда асарнинг янги-янги тилларга таржималарининг амалга ошаётганини, туркий миллатлар орасида ҳам «Бобурнома»нинг бир неча таржима нусхалари пайдо бўлаётганлигини эътироф этишимиз мумкин.

«Бобурнома»нинг таржималарини ўрганиш жараёнида икки хусусият кўзга ташланди:

Биринчидан, қариндош бўлмаган тилларга қилинган таржималарда матнни тўғри англамаслик ёки сўз маъноларига беэътибор қараш натижасида кўплаб нуқсонлар кўзга ташланади. Юқорида бундай нуқсонларнинг исм билан, жой номлари билан, урф-одат билан боғлиқ турларини келтириб ўтдик.

Иккинчидан, қардош туркий тилларга қилинган таржима нисбатан кам нуқсонли бўлади, чунки миллати, урф-одати, яшаш тарзи ўхшаш бўлган миллатлар бир-бирларининг тилларидаги маъно товланишларини яхши илғайдилар.

Истеъдоднинг туғилиши

(«Заҳириддин Муҳаммад Бобур» номли янги ҳужжатли фильм яратилиш жараёнлари ҳақида)

Жумабой РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети, ижтимоий гуманитар фанлари кафедраси профессори.



Аслида олам кашшофи Парвардигор жонзотлар гултожи инсонни ақл, тафаккур ва иқтидор сифатлари билан зийнатлар экан, уларнинг ҳалол меҳнат, яратувчилик орқали бахт-саодатли ҳаёт кечиришига изн берди. Айниқса, илм ва ижод эгаларига ўзининг амин инсонлари қабилида қарар екан, уларга нафақат оддий инсонийлик, балки эл-юртни бошқарувчи ҳукмдорларга ҳам адолат йўлини кўрсатувчиликдек нуфузли мақомга сазовор қилди. Негаки, инсонлар жамиятда яшар эканлар, ҳеч бири бир хил билим, бир хил онг ва бир хил маънавий-маърифий, шунингдек, юқори касб даражасида фаолият юритиш малака ҳамда кўникма егалари даражасида фаолият юрита олмайдилар. Юқорида зикр этилган ижтимоий табақа, гуруҳлар ва касб эгалари ўз салоҳиятлари, иқтидорлари, билим ва касбий маҳорат ҳолатларига кўра ўрта, шунингдек, юқори ҳамда Худо ато қилган ва назарини солган истеъдодлари орқали ҳаётнинг қонуниятига кўра қуйидан юқори томон даражаланадилар. Бу ҳолат келажакда Мустақил Ўзбекистонни жаҳоний миқёсларга олиб чиқадиган илм, фан ва санъатдан муносиб ўрнини топадиган ёш мутахассисларга ҳам дахлдор. Чунки Ўзбекистонимизнинг келажак истиқболи, тақдири айнан шундай салоҳиятли ёшларимиз қўлидадир. Ана шулардан келиб чиқиб Президентимиз Шавкат Мирзиёев биринчи ва иккинчи уйғониш даврининг даҳо тафаккур эгалари айни бизнинг буюк аждодларимиз бўлганини ҳисобга олиб, уларнинг бугунги давр ворислари ҳам учинчи ренесанс кашшофлари бўлиб,

жаҳон сивилизация байроқдорлари бўлишига умид билдираётганлиги, албатта, бежиз эмас. Бунга тарихий асос бор. Бу каби ёшларимиз шу кунларда илм, фан, спорт, тадбиркорлик, халқаро фан олимпиадалари ҳамда санъатнинг турли соҳаларида дунёнинг манаман деган довруқли ёшлари билан бемалол беллашиб, ҳатто улардан устунликларини ҳам намойиш этаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ана шундай келажаги нурли уфқдан дарак бераётган кино ижод соҳасида машаққатли меҳнат майдонига кириб, йирик тарихий мавзуларга қўл уришдан ҳайиқмай Бобур йўлбарс номига муносиб тарзда буюк аждодларимизнинг мардлик ва жасоратда мислсиз курашларини ўлим маъракаси майдонида Ватан озодлиги, Мустақиллиги учун ғанимлари юрагига ғулу солган баҳодирлик қиёфаларини ўзбек кино санъатида ёритиб беришини касбий мақсади, дея билган ёш режиссёрлардан бири Бобур Йўлдошевдир. Тақдир қисматини қарангки XVI аср биринчи чорагида довруғ таратган Бобур йўлбарс (Заҳириддин Муҳаммад Бобур) билан XXI аср биринчи чорагида санъат майдонига шиддат билан кириб келаётган истеъдодли кино режиссёр Бобур шер тарихий кино яратилиши муносабати билан учрашмоқдаларки, бунда ҳам ўзига хос мўжизавий ҳикмат бор, албатта, фалакнинг гардиши билан ушбу сатрлар муаллифи, яъни тарихчи олим ва ёш режиссёр Бобурбек учрашуви Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий-ҳужжатли драматик киносини олиш тўғрисидаги Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан юз бериб, камина яратиладиган кинофильмга тарихчи маслаҳатчи сифатида тайинланган едим. Бир вақтда буюк аждодимизнинг тарихий-ҳужжатли фильмини олишда менинг "Буюк давлат арбоби, улуғ саркарда ва қомусий олим" илмий-оммабоп асарим ҳам тарихий воқеаларнинг изчил ва тарих ҳақиқати меъзонини таъминлашга хизмат қилиши Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардия Қўмондонлиги ва Жамоат Хавфсизлиги Университети маъмурияти томонидан кўрсатма ҳам берилган эди. Ана шу боисдан биргаликдаги ижодий фаолиятимиз бошланадиган бўлди. Аммо, илк учрашувимизда ёш режиссёр Бобурбек тўғрисида ушбу оғир мавзу – Бобуршоҳдек ҳаёти ўта оғир ва зиддиятли кечган буюк аждодимиз ҳақидаги кинофильмга бош режиссёрлик унинг зиммасига юклатилганлигига гумонсираш ва шубҳа билан қарадим. Бунга асосим етарли эди. Негаки, мен илк бора жаҳонга машҳур ўзбек режиссёри (жойлари жаннатда бўлсин) Шуҳрат Аббосов томонидан Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳақидаги тарихий кинофильм яратиш тадориги кўрилаётган бўлиб, буюк саркарданинг 800 йиллиги таваллудига армуғон қилиниши ҳукумат қарори билан тасдиқланган эди. Шунга қадар менинг "Туроннинг шерюрак баҳодири" илмий-оммабоп асарим нашрдан чиққанлиги учун мазкур кинофильмни яратишда Султон Жалолиддин Мангуберди жасоратини очиб беришда асос қилиб олин-



ди ва шунга кўра муаллиф сифатида мен тарихчи-маслаҳатчи қилиб тайинландим. Аммо, сценарий мавзусини тайёрлаш жараёнида кинофильмнинг тарихий ҳақиқат асосида яратилишини қатъий таъминлаш мақсадида қўйилган талабларга машҳур режиссёр Шуҳрат Аббосов бундай йирик ишни амалга оширишга актёрлар ҳам тайёр эмаслиги, қолаверса, тарихий воқеа ва ҳодисалар рўй берган жуғрофий ҳудудлар – жанг майдонлари манзаралари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш (чет элларда жараённи суратга олиш) муаммолиги, катта маблағ талаб қилиши туфайли буюк аждодимиз Султон Жалолиддин қиёфасини кинофильмга олиб чиқиш тўхтаб қолди ва ижодий гуруҳ тарқалиб кетишга мажбур бўлди. Устига устак тажрибали турк режиссёрлари уруниши ҳам зое кетди. Катта маблағ ўзини оқламади. Буюклар тўғрисида худди шундай воқеа Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан содир бўлган эди. Амир Темур тўғрисида яратилган тарихий филм тарих ҳақиқатини ифода қилишдан узоқлашиб муваффақиясиз чиққанлиги учун таъқиқ муҳри босилган эди. Натижада халқ ўзининг буюк фарзанди Соҳибқирон Амир Темурни кино санъатида кўришдан бенасиб бўлди, халқимиз интиқиб кутган кун орзулигича қолди.

Навбат энди учинчи буюк шахсимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳга келиб тақалаётган эди. Катта ва тажрибали кино санъат арбоблари уддасидан чиқа олмаган ва юраги дов бермаган мавзуни, яъни жаҳоний, ҳарбий, сиёсат ва қомусий олимлик бобида машҳур арбобимизни кино санъати оламига олиб чиқишдек оғир юкни елкасига олишга жидду жаҳд қилиш навбати ёш режиссёр Бобурбек Йўлдошевга етиб келди.

Мақола муаллифи камина Бобуршоҳ тўғрисида яратиладиган фильм асар муаллифи ва тарихчи маслаҳатчи сифатида Бобурбекка шубҳаларимни билдириш учун амалий ишга киришмасдан аввалроқ бир неча саволлар бердим. Яъни, буюк аждодларимизни кино санъатига олиб чиқмоқчи бўлган санъат арбобларининг ишлари боши берк кўчага кирганини эслатдим. Олган жавобим еса: “Майдонга чиққан мард манглайини қашламас” тарзида бўлди. Мен яна бўш келмадим:

“Назария қуруқдир, дўстим,
Лекин яшнар ҳаёт дарахти”.

Ёхуд Навоий бобомиз “Хамса”га қўл уришдан аввал оғир маъсулиятни ҳис қилган ҳолда:

Осон эмас бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ”, деган эканлар.

“Тушундим устоз, шунинг учун сизнинг тарихий илмингиз, қолаверса буюкларимиз, шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги эътироф этилган тарихий, илмий-оммабоп ва кинобоп қилиб яратилган асарингиз ушбу ишимизни муваффақиятли якунлашда таянч бўлади. Биз шу йўлда ижодий, илмий кучларимиздан унумли фойдалансак, иншааллоҳ, бошлаган ишларимиз ижобий якун топиб, аждодимиз Бобуршоҳнинг тарихий сиймосини кино санъати оламига, албатта, олиб чиқишга муваффақ бўламиз”.

Мен унинг бу сўзларидан ўзига бўлган ишонч ва қатъиятни сезгандек бўлдим. Аммо, ҳали оғир, ғоят масъулиятли амалий ишлар биздан анча узоқ масофада залворли тарзда бўй кўрсатиб турарди.

Шу тарзда ишлар бошланиб, ижодий гуруҳ дастлаб ишни Бобуршоҳ таваллуд топган она юрти Андижонни зиёрат қилишдан бошладик. Ҳам Бобур руҳини шод қилиш, қолаверса, Бобур халқаро фонди

раиси Зокиржон ака Машрабов томонидан жаҳон кезиб, манбалар хазинасини ташкил этган Бобур ва жаҳон маданияти тарихи музейидаги ноёб ҳужжатлар билан танишишга муяссар бўлинди. Бир вақтда Бобур фаолиятини ўрганиш, тадқиқ этиш марказини Ўзбекистонга кўчирган забардаст Бобуршунос инсон дуосини олиб, жадал ижодий ва амалий ишга киришилди. Ана шу жараёнда ишонч ҳосил бўлдики, ёш режиссёр Бобурбекда мақсадни аниқ қўя билиш, шу бошланган ишни муваффақиятли якунлаш учун қатъият ва ишонч билан ҳаракат қилиши, воқеа ва ҳодисаларга баҳо бериш, таҳлил этишда моҳият ва мазмун, сабаб ва оқибат, жараёндаги рўй берадиган ҳодисаларни мантиқийлик тафаккуридан ўтказиб ишга ижобий таъсир этадиган хулосаларга келиш қобилияти мавжудлигини сездим. Ушбу донишсифат саъйи-ҳаракатларини кўриб билгач, ишонч ҳосил қилдимки, буюк аждодимиз Бобуршоҳ ҳақидаги тарихий фильм муваффақиятли чиқса, не ажаб. Кинофильмни суратга олиш давомида менга берилган тарихий саволлар ёмғири-ку ўз йўлига, ҳатто, доимо менинг қўлимда бўлиши лозим дея илтимос қилиб олган китобим режиссёр Бобурбек томонидан тарихий кечмиш воқеаларни қайта-қайта ахтариб ўқиш жараёнида саҳифалари эскириб кетди. Суратга олиш жараёнида у Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлардаги меҳмонхоналарда ярим тунда ҳам ухлашни ҳаёлига келтирмасдан мутолаа қилгани қилган эди. Ўзаро муносабатларда мўмин, қобил инсон Бобурбек суратга олиш давомида ролларни ижро қилувчи актёрлардан тортиб, унда иштирок этувчи ҳар бир инсон ва ходимларга қадар масъулиятни қаттиқ ҳис қилишга, интизомга, қўйилган талабга қатъий риоя этишга мажбур қилар, қаттиққўл режиссёр эканлигини намойиш қилиб, тарихийлик сақланишига, воқеалар ишончли чиқишига бутун вужуди билан ҳаракат қиларди. Тарихийлик сақланиши санъат ҳолислигини таъминлашда асосий мезонлигини доимо эслатиб турарди. Тез-тез менга мурожаат қилиб: “Воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро уйғунлиги юзасидан танқидий фикрингизни очиқ билдириб туринг, токи аввалда тарихий мавзуга қўл урган режиссёр, санъаткорларнинг аччиқ қисматига тушмайлик, устоз, кейин кеч бўлади” дерди. Чунки кичкина дея қаралган камчилик баъзан катта хатоларни келтириб чиқариши тўғрисида Амир Темур, турк қардошларимиз ишлаган султон Жалолиддин Мангуберди киноларида рўй берганлигидан Бобурбек тўғри ва танқидий хулосалар чиқарганлиги ҳар дақиқада сезилиб турарди.

Барибир суратга олиш жараёнидан олдин тарихий воқеанинг бузилишига сабаб бўладиган ҳодиса бизда ҳам содир бўлди. Аммо унинг тез олди олинди, хайрият. Бобуршоҳнинг заҳарланиш жараёни билан боғлиқ воқеа сабабчиси Иброҳим Лўдийнинг онаси Буа гримхонадан ҳинд аёли кўринишида чиқиб келмоқда эди. Ҳолбуки, у ҳинд аёли эмасди. Буа афғон қабиласига мансуб мусулмон аёли эди. Дарҳол гримхонага қайта киритилиб, мусулмонча ҳолатдаги кўринишга келтирилиб ўз вақтида бу камчилик бартараф этилди.

Қарийб ярим йил давом этган Бобуршоҳ тарихий фильмини яратиш анчайин руҳий зўриқишли ўтди. То бу ижодий иш якунлангандан кейин ҳам режиссёр Бобурбек Йўлдошев бу ҳолатидан анча пайт ўзига келиши қийин кечди. Иш бажаришга-ку бажариб бўлинди. Энди бадиий кенгаш қарори қандай бўлиши уни жиддий ўйга толдирарди. Ниҳоят, имтиҳон куни ҳам етиб келди. Кенгаш аъзолари ва унда иштирок этувчи зиёли-ю санъат вакиллари жим-жит юрак ҳовучлаганлари ҳолда намойиш этилаётган кино экранга диққатлари михланган ҳолатда унинг

натижа, якуни ижобат ва хайрли бўлишини астойдил истаётганлиги зал бўйлаб сезилиб турарди. Ниҳоят, намойиш тугаб, сабр-бардош билан ўтирган томошабинлар беихтиёр қарсак чалар экан, шундан кейингина биз бир-биримизни ижодий ютуқ билан табрикладик. Бу Султон Жалолиддин ва Амир Темур ҳақидаги фильмлар яратиш ҳамда уларнинг рад этилганлигидан кейинги учинчи уриниш бўлиб, чекилган захматлар ниҳоят ўзини оқлаб, оқ йўл очганлигининг даракчиси бўлди. Бу ёш режиссёр Бобурбек Йўлдошевнинг ҳаётида ва ижодидаги бурилиш бўлди. Оғир синовдан муваффақиятли ўтилди. Истеъдод чашмаси очилди. Энди бу ёғига қайта ижодга илк пойдевор қўйилган эди. Бобурбекдан бундан кейинги режалари ҳақида сўраганимизда: "Буюк аждодларимизнинг жасорат ва мардликда жаҳонни лол қолдирган кураш йўли – шонли тарихини кино санъати саҳнасига олиб чиқиш асосий мақсадимдир", дея жавоб берди. Халқимиз ўз буюкларининг жанг-у жадалларда адолат қиличини чекар экан, ҳатто ўлимларни ҳам доғда қолдирган шон-шарафга лиммо-лим ҳаёт йўлларини кино экранларида кўришни қачондан бери интиқ бўлиб кутаётгани ҳақиқат. Жаҳон кино санъатида ажнабий юртларнинг қаҳрамонлари қиёфалари қанчалик ошириб-тошириlмасин, уларнинг қаҳрамонликлари Тўмарис, Султон Жалолиддин, Соҳибқирон Амир Темур, Яланг Тўшбий Баҳодир ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларимиз жангномалари олдида уларнинг қаҳрамонликлари кичрайиб, улуғларимиз отининг жиловдорлари бўлиш даражасини ўзларига еп кўрган бўлардилар. Бундай иборалар билан қиёсий тасвирлаш машҳур тарихчи Ибн ал-Асирнинг "Тарихлар тўплами" ва Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асарларида келтириб ўтилиши бежиз эмас.



Бунда қаҳрамон аждодларимиз қиёфасини очадиган тарихий кинофильмларимиз жуда катта рол ўйнайди. Шу йўлда илк муваффақиятни қўлга киритган истеъдодли ёш режиссёримиз Бобурбек Йўлдошевга кейинги режаларининг амалга ошувида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз!

Тарихи бой миллат – улуғ миллатдир,
Унинг ҳар бандаси азиз ҳилқатдир.
Азиз ҳилқатларига суянган Ватан,
Салоҳиятига олам берар тан.
Улус келажакдан бўлса умидвор,
Ўзининг тарихин билмоғи даркор.
Тарих сабоғидан неки олибсан,
Иймон гавҳарини дилга солибсан.

Марказий Осиёнинг энг йирик дарёси Амударё дастлаб “Авесто”да Ваҳви Даитя (Vahvi Daitya) номи билан тилга олинади. Дарёнинг Окуз (Ўкуз) туркий номидан қадимги юнонча Окс, Оксус (Oxus) атамаси ўзлаштирилган.

Жайҳун – Инжил ва Тавротда тилга олинган Гихон (Геон) дарёсининг арабий талаффуз шаклидан олинган бўлиб, қадимги иброний тилда “жўшқин” деган маънони англатади. Араблар Амударёни унинг серсув ва жўшқинлиги ҳусусиятидан келиб чиқиб – “Жайҳун”, унинг ортидаги ерларни эса “Мовароуннаҳр” деб аташган ва дарёни Мовароуннаҳр билан Хуросон ўртасини ажратувчи табиий чегара сифатида қарашган. Темурийлар даври ёзма манбаларида ҳам Амударё асосан, “Жайҳун” ва нисбатан камроқ “Оби Омуя” шаклида учрайди. Бироқ, дарёнинг “Жайҳун” номи “Бобурнома”нинг бирор бир қўлёзма нусхаларида учрамайди, аксинча унинг иккинчи номи – “Аму” шакли кўп бор қўлланилган.

Азиз ШАРИПОВ,
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи «Маънавият ва маърифат» бўлими мудири.

“БОБУРНОМА”ДА АМУДАРЁ ВА УНИНГ ИРМОҚЛАРИ ХУСУСИДА

Баъзи тадқиқотчилар дарёнинг “Аму” аталишини унинг ҳавзасидаги ўрта асрлардаги Амуя (Омуя, Амул) қалъасига (Қадимги Омуянинг ўрни Туркманистоннинг ҳозирги Чоржўй шаҳрига тўғри келади) боғлайдилар. Зеро, бу давр манбаларида дарё асосан Аму, Омуй, Омуя, Оби-Аму, Ому суйи каби шаклларда тилга олинган.

Темурийлар даври манбаларида дарёнинг ҳар иккала номи муомалада бўлган. Чунончи, Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Амударёнинг қадимий номи “Жайҳун” (“Муқаддима” қисмида 13 марта ва асосий матнда 45 марта) ва XV асрдаги аталиши – “Оби Омуя” (13 марта) баравар ёзилаверган. Яъни, топонимнинг қадимий шакли ҳам бемалол муомалада бўлган.

“Бобурнома”да ҳам ушбу дарё – Аму, Аму дарёси, Аму суйи шаклларида маълум бир тарихий воқеликлар баёнида тавсифланади. Тадқиқот давомида “Бобурнома”дан иқтибослар келтириб, фикримизни далиллаймиз. Жумладан, Заҳириддин Бобур 909 (1503) йили Мовароуннаҳрдан Кобул томонга кетаётганида Амударёнинг Айваж гузаридан ўтган: “Аму суйини Уёч (Айваж) гузаридин ўтганда...”

1503 йил ёз ойларида Бобур Фарғона вилоятини тарк этиб, Ху-

росонга йўл олади. Чағониён ҳудудига етганда Хусравшоҳнинг иниси Ҳисор бекларидан бўлмиш Боқи Чағониёний ўзининг кўп сонли қўшини билан Бобур хизматига ўтишни таклиф қилади. Бу муҳим воқеа Термиз яқинида, Амударёнинг ўнг соҳилида рўй берган эди: "Тўққиз юзу ўнинчи йили (1503) Амударё бўйида Боқи Чағониёний менга келиб мулозамат қилди".

Амударё "Бобурнома"да баъзан маълум бир тарихий вилоятнинг ҳудудий чегараларини белгилашда ҳам қўлланилади: "Султон Маҳмуд мирзонинг замонидаёқ Хусравшоҳ навкари беш-олти мингга етганди. Амударёдан Ҳиндукуш тоғигача Бадахшондан бошқа вилоятларнинг ҳаммаси унга тааллуқли эди".

Омуя шаҳри кейинчалик манбаларда Чоржўй деб атала бошланган. Бу ерда Мовароуннаҳрдан Хуросонга ўтувчи йирик кечув (Амир Темур давлатига ташриф буюрган Клавихо бошчилигидаги Кастилия қироли элчилари ҳам 1404 йилнинг 10 декабрида мазкур кечув (Омуя гузари) орқали Хуросон томон ўтишган) – Чоржўй кечиги бор эди: "Бир неча кўкалдош ва содиқ кишилари [темурий Султон Маҳмуд мирзонинг тўнғич ўғли] Султон Масъуд мирзони Самарқандга, Султон Али мирзо қошига элтиш фикри билан Кешга келдилар. У жамоа ҳам қасд пайида бўлди. Кешдин қочиб, Чоржўй кечиги билан ўтиб Султон Ҳусайн мирзо қошига борди".

Амударё ўзининг юқори оқимларида икки йирик дарё – Вахш (Вахш дарёси Помир тоғларидан, Қизилсув ва Муқсу дарёларининг қўшилиш жойидан бошланади. Ҳавзанинг катта қисми Помир-Олой тоғ-тизимида жойлашган. Юқори оқимида Сурхоб (Қизилсув) деб аталади ва ғарбга қараб оқади; чап томондан Обихингоу дарёсини қабул қилиб, Вахш номини олади ва жануби-ғарбий томонга бурилиб Амударёга қуйилади) ва Пянж дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Мазкур дарёлар манбаларда (Шомий ва Яздий "Зафарнома"ларида – Вахш суйи; Абдураззоқ Самарқандий "Матлаи саъдайн" асарида Панжоб, Вахш суви, Оби Вахш шаклларида тилга олинади) – Оби Вахш, Вахшоб ҳамда, Оби Панж, Панжоб номлари билан келади. Бу дарёлар орасида Хатлон (Хутталон) тарихий вилояти жойлашганлиги сабабли у ердан оқиб ўтувчи Вахш дарёсини Бобур бутун бир вилоятнинг асосий дарёси сифатида Хатлон суйи деб (Султон Ҳусайн мирзо ва унинг ўғли Бадиуззамон мирзо ўртасидаги низолар баёнида) тилга олади.

Мирзо Бобурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш борасидаги муҳим саъи-ҳаракатларидан бири Вахш водийсида бўлиб ўтади. Гарчи "Бобурнома"да дарёнинг "Вахш" номи келтирилмаган бўлса-да, бироқ ўша давр бошқа манбасида учрайди. Хусусан, "Тарихи Рашидий"да Вахш дарёси айнан шу номда икки жойда (11а, 153б варақлар) эслатилади – бири Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сидан "Туғлуқ Темурхонни Мовароуннаҳрга иккинчи бор юриши зикри" (яъни 762/1361 йил Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон Амир Ҳусайн устига юриши ва Вахш дарёси бўйидаги жангда уни енганлиги) баёнида келтирган бўлса, ик-

кинчиси – 916 (1510-1511) йил воқеаларида, Бобурни Ҳисорни эгаллаш мақсадида Хамза Султон бошчилигидаги шайбонийларга қарши кураши баёнида эслатилган.

Вахш дарёси асосан тор водий, баъзан чуқур даралардан оқиб ўтади. Дарёнинг мазкур тор дара ҳудудида ўрта асрларда машҳур қалъа – Пули Сангин (Унинг ўрни Тожикистоннинг, Вахш водийсида жойлашган Нурек ГЭС атрофига тўғри келади) ва дарё устига қурилган тошкўприк бор эди. Шунинг учун баъзи манбаларда бу қалъа баъзан Тошкўпрук (Тошкўфрук) деб ҳам келтирилган. Мовароуннахр шайбонийлар қўл остига ўтгач, Шайбонийхон Маҳдий султонга Чағониён ва Ҳамза султонга Ҳисор вилоятини берган (1503) эди. Шайбонийхон вафотидан (1510 йил, декабр) сўнг Мовароуннаҳрни қайта эгаллаш мақсадида Бобур Кобулдан йўлга чиқиб, Ҳисори Шодмон, Қундуз ва Бағлонга ҳокимлик қилаётган Маҳдий султон ва Ҳамза султонларга қарши юриш бошлайди. Шайбонийлар асосий кучларини Ҳисорда тўплаб, Бобур қўшинини Вахш дарёсидан ўтказмасликка ҳаракат қиладилар. Бироқ Бобур ўз лашкарлари билан Вахш бўйига душманлардан анча олдин етиб боради ва 1511 йили Пули Сангиндан ўтиб, унинг юқорисида жойлашган Обдара (Тожикистонда, Илоқ ва Кофарниҳон дарёсининг оралиғида жойлашган тоғолди манзил. Ҳозирги номи Обдараи-даҳона) манзилида шайбонийларга кучли зарба бериб, уларни Дарбанди Оҳанингача қувиб ташлашга муваффақ бўлади. Бобур ғалабаси билан якунланган мазкур жангда шайбоний султонлар – Ҳамза султон, Маҳдий султон ва Мамоқ султон аср олиниб, Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтганда "Шайбонийхон мўғул хонлари ва чиғатой султонлари билан қандай муомала қилган бўлса, [Бобур] Подишоҳ ҳам улар билан худди шундай муомала қилади" яъни қатл қилинади.

Панж дарёсининг чап ирмоғи, Бадахшон ва Тохар вилоятларидаги йирик дарёси бўлмиш Кўкча "Бобурнома"да Кўкча суйи шаклида эслатилган. Бу дарё Ҳиндукуш тоғларининг шимолий ён бағирларидан оқиб келиб ҳозирги Дашти-Қалъа аҳоли маскани атрофларида Панжга қуйилади. Унинг энг катта (ўнг) ирмоғи Вардуж (Артунж) ва Гунт, чап ирмоқлари Кешм, Журм (Журмун суви) дарёлари ҳам темурийлар даври манбаларида келтирилган.

912 (1506-1507) йил воқеалари баёнида Бадахшон беклари мазкур вилоятни бошқариб турган Бобурнинг укаси Носир мирзога қарши бош кўтаргани, Кўкча дарёси билан Яфтал оралиғидаги яланглиқларда жанглар бўлгани, Носир мирзо енгилгани айтилган: "Ушбу йили Носир мирзо ва унинг қўлидагилар муомаласи ва ишларидан Муҳаммад қўрчи, Муборакшоҳ, Зубайр ва Жаҳонгир сингари Бадахшон беклари ранжидилар, ҳатто ёв бўлдилар. Барча иттифоқ бўлиб, лашкар тортиб, Кўкча дарёсининг Яфтал ва Роғ томонидаги текислик орқали отлиқ-яёвни йиғиб, саф тузиб қирлар бўйлаб Ҳамчоннинг яқинига келдилар. Носир мирзо ва қошидаги тажрибасиз йигитлар андиша ва мулоҳаза қилмай, булар билан қирларга келиб уруш қиладилар... Бадахшонликлар Но-

сир мирзони енгиб, бор нарсаларини талон-торож қилдилар. Носир мирзо ...енгилиб, таланиб, Ишкамиш ва Норин билан Келогойга бориб, Қизилсувнинг юқорисидан ўтиб, Обдара йўли билан кириб, Шибарту довонидан ошиб, Кобулга... келди".

Амударёнинг ўрта ҳавзаларида унга учта йирик ўнг ирмоғи (Кофарниҳон, Сурхон, Шеробод) ва битта чап ирмоғи Қундуз дарёси қуйилади.

Кофарниҳон – Ҳисор тоғ тизмаларидан (Дара-и Ниҳом) оқиб келиб Айваж кечуви яқинидан Амударёга қуйилади. Мазкур дарё IX–XIII аср араб манбаларида Ниҳам, Ниҳамруд шаклида учрайди. Гарчи бу дарё "Бобурнома"да эслатилмасада, бироқ унинг ҳавзаларидаги Қабодиён, Ҳисор, Айваж каби аҳоли масканлари келтирилган, ҳусусан: "Қабодиёнга етганда Хусравшоҳнинг иниси – Чағониён, Шаҳри Сафо ва Тирмиз ҳукмдори Боқи Чағониёний Хатиб Қаршийни юбориб, тарафдорлик изҳор қилиб, бизга қўшилмоқчи бўлди. Аму сувининг Уёч кечигидан ўтганда, келиб менга мулозамат қилди".



Сурхон дарёси (Чағонруд) – Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағридан, Тўпалангдарё ва Қоратоғ дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, Термиз шаҳри яқинидан Амударёга қуйилади. Чағониён тарихий вилоятидан ўтганлиги сабабли, темурийлар даври манбаларида Чағониён, Руди Чағониён, Чағонруд, Сағонруд каби номлар билан тилга олинган. Ҳофизи Абрунинг "География" асарида Термиз атрофларида "Руди Чағониён" сувларидан суғоришда фойдаланганлиги таъкидланган.

Сурхондарё ирмоғи Қоратоғ дарёси IX–X аср манбаларида Камруд шаклида учрайди. Сомонийлар даврида яшаган тарихчи Ибн Руста (тўлиқ исми – Абу Али Аҳмад ибн Умар, IX–X аср) Камрудни Сағониён дарёсига қуйилганлигини эслатади. Мазкур дарё "Бобурнома"да ҳам шу номда тилга олинган – Камруд, Камруд руди. Бобур 906 (1500-1501) йил воқеалари баёнида Чағонруднинг юқорисидаги Новандоқ тумани ҳамда Камруд дарасидан ўтганлиги эслатади: "Камруд билан юқорига юриб, Сири тоқ довонидан ошмоқчи бўлдик, Навандок туманига етганда Хусравшоҳнинг навкари тўққиз от ва тўққиз парча – мато келтирди. Камруд дарасига етганимизда, Шерали танқўриқчи қочиб Хусравшоҳ қошига кетди. Тонгласи Қўчбек биздан айрилиб, Ҳисорга кетди. Камруд дарасига кириб юқори томонга қараб кетдик. Тор ва учма йўлларда,

баланд ва тик довонларда кўп от ва туя қолди. Уч-тўрт манзил қўниб, Сири тоқ довонига етдик...". "Султон Масъуд мирзо Ҳисорда турмоқнинг йўлини тополмай, Камруд руди (анҳори) ёқалаб, юқори Сири тоғ йўли билан иниси Бойсунқур мирзо қошига – Самарқандга кетди".

Шеробод дарёси ҳақида XV–XVI аср манбаларида маълумотлар йўқ. Бироқ, Мирзо Бобур Термизнинг шимолидаги, унинг Шеробод дарёси оралиғида жойлашган тоғларни Кўҳтан тоғи деб атайди: "Кўҳтан тоғининг жануб тарафидаги вилоятлар, чунончи, Термиз ва Чагониён, Ҳисор ва Хатлон, Қундуз ва Бадахшон Ҳиндукуш тоғигача Султон Маҳмуд мирзонинг ихтиёрига ўтди".

Афғонистоннинг йирик дарёларидан бири Қундуз Ҳиндукуш тоғ тизмасининг Кўхи Бобо тоғларидан бошланиб, юқори оқимларда Бомиён, ўрта оқимларда Сурҳоб, деб аталади. Дарё Бомиён, Бағлон ва Қундуз вилоятларидан оқиб ўтади. Қундуз шаҳридан ўтганда унга ўнг ирмоқ сифатида Хонобод дарёси келиб қўшилади ва Вахш дарёсининг қуйилиш жойидан жануброқ ерларда Амударёга қуйилади.

Қундуз "Бобурнома"да жуда кўп ўринларида баъзан шу номдаги шаҳар, вилоят ва дарё сифатида келади. Матнда – Қундуз, унинг ирмоғи эса Дўғобаи Қундуз номи билан тилга олинади. Ҳусусан, "Бобурнома"да 909 (1503–1504) йил воқеалари баёнида Кобул вилояти тавсифида Кобулдан шимоли-ғарб томонда жойлашган Бомиён тоғидан бошланадиган дарё сифатида тилга олинган: "Яна Бомиён тоғидур, бу тоғ берк тоғ воқиъ бўлубтур. Ҳирманд ва Синд ва Дуғобаи Қундуз ва Балхоб суйи бу тоғдин чиқар. Дерларким, бир кунда ҳар тўрт дарё суйидин ичса бўлур" (Б.112). Ушбу дарё бошланган жойдаги тоғ довони "Дўғоба" ва "Зимистон" номлари билан аталган. Ҳиндистон билан Балх оралиғида қатнайдиган савдо карвонларининг йўли мазкур дарё водийси бўйлаб ўтган.

Шунингдек, "Бобурнома"да Қизилсув (Сурхоб) (Бу номдаги дарё учта ҳудудда мавжуд: 1) Вахш дарёсининг юқори оқими; 2) Панж дарёсининг ўнг ирмоғи (Бу дарёга Хулбук қалъаси ҳудидан чап ирмоқ сифатида Яхсу дарёси келиб қўшилади ва биргаликда Амударёга қуйилади); 3) Афғонистондаги Қундуз дарёсининг ўрта оқими ҳам шу ном билан аталади) номидаги дарё эслатилади. Бобур Қундуз дарёсининг ўрта оқимидаги номини ("Сурҳоб") туркий шаклини – Қизилсув деб келтиради: "Биз Самту (Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган кент. Унинг ўрни хозирги Бағлон вилоятидаги Пули Хумри атрофига тўғри келади) йўли билан Қизилсув сари тушган пайтда Хусравшоҳга тааллуқли ерлар – Ҳисор ва Қундузда бўлган уч-тўрт минг уйли мўғул улуси кўчлари билан келиб бизга қўшилди"(Мирзо Муҳаммад Ҳайдар мазкур дарёнинг форсча "Сурхоб" (сурх – қизил, об-сув) аталишини қўллайди, Вахш ва Сурхоб дарёларни умумий маънода Ҳисор дарёлари деб келтиради: "Убайдуллахон давлат ишларини тартибга солиш ва адолат ўрнатиш учун [918/1512-1513 йили] қишнинг охирида Ҳисорга йўл олди. Ўзбекларнинг бу юришидан хабар топган мўғул улуси қочишга жой тополмай қолдилар. Чунки улар Бобур Подшоҳга [исён қилиб] йўлни беркитган эдилар. Андижонга, Султон Саидхон ҳузурига боришни ҳам ўринсиз

деб билгандилар. Бироқ, йўллар қалин қор билан қопланган эди. Шу сабабларга кўра улар Сурхоб ва Вахш тоғларини мустаҳкамладилар. Улар ўзларини бир томондан Сурҳоб дарёси, иккинчи томондан тоғлар билан ҳимояланган деб ҳисоблардилар... Бироқ қорлар эриб йўллар очилгач, Убайдуллохон қўшинлари мўғуллар устига чопқин ясадилар ва кўпларини Ҳисор дарёларида халок қилдилар" (таржима ўзимизники – А.Ш.). Қаранг: Тарихи Рашиди. 167 б варақ).

З.М.Бобур баён қилганидек, Душий қасабасига етганда Қизилсувга ўнг ирмоқ сифатида Андароб дарёси келиб қўшилади: "Яъқубга кетиш учун ижозат берганимиздан сўнг Қизилсувдан қуйига, унинг Андароб суви билан қўшилиш жойига яқин ерда тушилди. Эртаси, рабиул-аввал ойининг ўртасида ёлғиз ўзим Андароб сувидан ўтиб, Души ерларида бир улуғ чинор тубида ўтирдим".

Шунингдек, 912 (1506–1507) йил воқеалари баёнида Носир мирзонинг Бадахшондан қувилгач, Қизилсув бўйлаб юриб Кобулга келгани ҳам айтилган. Бобур ҳаётида яна бир муҳим воқеа Қундуз вилоятида бўлган эди. Маълумки, Бобурнинг опаси Ҳонзодабегим Шайбонийхон ҳарамида эди. Шайбонийхон Марвда енгилгач, Шоҳ Исмоил Ҳонзодабегимни катта, илтифотлар ила ўз элчиси билан бирга Қундузга, Бобур ҳузурига элтади. Хонзодабегим ўғли Хуррамшоҳ билан бирга Балхдан тоғ ошиб, Қундуз дарёсидан ўтиб, Бобурга келиб қўшилади: "Шоҳ Исмоил ўзбак (шайбонийлар)ни Марвда мағлуб этганда Хонзодабегим Марвда эди. Менинг ҳурматим туфайли, у ердан узатдилар, Қундузда менга келиб қўшилди".

Амударёнинг қуйи ҳавзалари. Амударёга Термиздан тортиб Хоразмгача бўлган қуйи ҳавзаларида бирорта ҳам ирмоқ қўшилмайди (Баъзи тадқиқотчилар узоқ ўтмишда Зарафшон дарёси ҳам Тойқир ўзани орқали Амударёга, унинг энг ирмоғи сифатида қуйилганлигини эътироф этишади (Қаранг: Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса: (с древнейших времен до начала XX в.) / Отв.ред. Я.Г.Гулямов. – Т.: "Фан" УзССР, 1978. – 296 с.). Шунингдек, ўтмишда, Балҳоб (Банди Амир) дарёси ҳам Амударёнинг чап ирмоғи сифатида Келиф Ўзбойи орқали дарёга қуйилган. Табарийнинг маълумотларига кўра VIII асрнинг 1-ярмида Балх шаҳридан Термизгача сузиб бориш мумкин бўлган ягона сув йўли мавжуд эди. Хусусан, ҳижрий 117 (735) йилда араб лашкарбошчиси Асад ибн Абдуллоҳ Балхда сол ва кемаларни жиҳозлаб Термизга сузиб борганлигини таъкидлайди (Табари. История ат-Табари 1987. – Б. 238). Балхобнинг Келиф Ўзбойи билан Амударёга уланиши мумкин бўлган ўзани ҳақида XIX аср инглиз манбалари ҳам маълумотлар келтирилган (Қаранг: Adamec L. W. Mazari-i-Sharif and North-Central Afghanistan. Graz, 1979. – P. 120).

Хоразм ҳудудига етганда дарё икки тармоққа бўлинади – унинг катта қисми Гурганж (Кўҳна Урганч) шаҳри яқинидан Қорақум чўллари орқали "Оби Гурлан", "Жўйи Гурлан" номи билан Ўзбой водийсидан ўтиб, Гёрла-

ди (бошқа номи Ағрича) деган жойда Хазар (Каспий) денгизига ва қолган қисми дельта ҳосил қилиб Хоразм кўли (Орол денгизи)га қуйилган.

Орол денгизининг ҳолати, Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиши масаласи кўпгина олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, 1947 йилда Ўзбой водийсида тадқиқотлар олиб борган археолог С.П.Толстовнинг фикрича, тарихий даврларда мазкур ҳудудда Амударёнинг мунтазам ўзани бўлмаган, деган хулосага келади. XIII–XVI асрларда "Амударёнинг бурилиши" ҳақидаги ривоятлар тегишли даврда Хоразмнинг суғориш тизимини мўғуллар томонидан вайрон қилиниши натижасида дарёнинг Сариқамиш кўлига тўлиб оқиши ва кейинчалик Амир Темур томонидан Хоразмда олиб борилган ободонлаштириш ишлари туфайли мазкур ўзан таъмирланиб қайта Оролга йўналтирганлиги билан боғлиқ деб ҳисоблайди у. Бундан ташқари, Ўзбой ўзани ўз катталиги билан Амударёнинг асосий тармоғи бўла олмаслиги, ўзаннинг баъзи қисмларида ҳосил бўлган кўллар билан қўшиб ҳисоблаганда, киши ҳаёлотида, гўёки бу ерда ҳақиқий дарё ўтганлигини билдирувчи сохта тасаввур ҳосил қилиши мумкин деган фаразни илгари суради.

Бироқ ёзма манбалар буни аксини ифодалайди (Қадимги юнон тарихчилари Геродот, Ксенофонт, Полибий, Страбон, Птолемей ўз асарларида Амударёни Гиркан (Гургон, яъни Каспий) денгизига қуйилишини ёзган. Жумладан, Геродот дарёнинг бир қисми ботқоқларда (афтидан Орол денгизи атрофларида) йўқолиб қолганлигини, бошқа қисми Каспийга қуйилишини таъкидлайди. Аррианнинг "Искандар Зулқарнайннинг юришлари тарихи" номи асари ҳам бу маълумотлар учрайди). "Зафарнома"нинг ҳар иккала муаллифи Амударёнинг Оролга йўналган ўзани Эски Ўкуз деб атайдилар. Темурийлар даври ёзма манбаларига таянган ҳолда, рус олими В.В.Бартольд ҳам алоҳида тадқиқотлар олиб борган.

Шунингдек, тадқиқотчи А.И. Гладышев ҳам дарёнинг ушбу ўзани 10 минг йил давомида мавжуд бўлганлиги, сув миқдори бўйича Амударёдан анча кам бўлганлигини, тектоник жараёнлар натижасида ўзгариб, бир неча маротаба узилиб, аста секин камайиб борганлигини таъкидлайди ва дарёнинг Каспийга элтувчи асосий сувлари 2-3 минг йил олдин тўхтаган бўлиши мумкин деб хулосалайди: "Қуриб қолган дарё ўзани ўрнидаги поғонасимон текис майдон - террасаларда аввалги шаршаралар фаолияти излари, чиғаноқ ва сув моллюскалари сингари қадимий флоранинг кўплаб органик қолдиқларининг топилиши – буларнинг барчаси бир вақтлар бу жойдан Амударё сувларини Каспий денгизига олиб борувчи тўлақонли дарё оқиб ўтганига ҳеч шубҳа қолдирмайди". Демак, Амударё вақти вақти билан унинг асосий сувлари гоҳ Каспийга, гоҳ Орол денгизига қуйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даври ёзма манбаларини таҳлил қилиш Марказий Осиёнинг темурийлар давридаги гидронимларини ўрганиш борасида кенг кўламли тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.



Умри от устида ўтган саркарда

Бутун дунё аҳли улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни нафақат буюк салтанат қурган саркарда ва шоир сифатида, балки давлатчилик сиёсати, ҳарбий маҳорати, жасоратию инсонийлик фазилатлари сабаб ҳам улуғлайди, тадқиқ этади, ўрганади. Айниқса, биз учун бу қомусий шахс ҳар жабҳада ўрнакдир.

Нигора КЎРАГАНОВА,
Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 101-мактаб ўқитувчиси.

Мирзо Бобурнинг ҳаёт йўлини ўрганмоқчи бўлган одам, энг аввало, “Бобурнома”ни синчковлик билан ўқиши керак, назаримда. Сабабки, улуғ подшоҳ ўз умр харитасини бу асарда ўта ҳаққонийлик билан, ҳеч бир томонга оғишмай, ростлик тарозисини маҳкам ушлаб чизганки, беихтиёр муаллифга таҳсин айтамиз. Зотан, Мирзо Бобурнинг ўзи таъкидлаганидек, унинг умри от устида ўтди. Асарда муаллиф давлатдорлик мақоми бошига тушганидан буён ҳеч қачон икки ҳайитни бир жойда ўтказмаганини ёзади.

От саркарданинг доимий йўлдоши бўлган. “Бобурнома”да жуда кўп ўринда отлар ҳақида гап боради. Жангу жадалларда энг садоқатли шерик, сафарларда йўл азобини бирга тортган заҳматкаш дўст, ҳатто шоҳнинг шоир кўнгли тусаганда гулзору хазонзорларни бирга сайр этган ҳамроҳи ҳам от эди.

Аслида, мумтоз адабиётда куз фасли, хазонрезлик умрнинг ниҳояси, кексалик даври дея таърифланади. Бу фасл одатда

тушкун ва сокин кайфиятда эсланади. Аммо Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоир кўнгли бу фаслдан айрича завқ олган экан. “Бобурнома”нинг 1518-1519 йил воқеалари тафсилотлари давомида Бобурнинг етти кун давомида душанбадан шанбагача Кобул атрофидаги Исталиф, Беҳзодий, Истарғачгача бўлган гўзал манзарали боғларда хазон сайрига чиққани ҳақида маълумот бор. Шундай хазон сайри – куз сайрларида ҳам шоҳ ва шоирннг содиқ йўлдоши оти бўлган бўлса, не ажаб.

Айни баҳор чоғида севимли бинафшазорларини айланаётганида, лолаларнинг турию хилини кузатаётганида ҳам саркарданинг виқорли сурати от устида кўз олдимизда гавдаланади.

Айниқса, чавгон ўйинининг кенг тарқалиши, ҳатто Ҳинд диёрида ҳам бобурийлар томонидан сақланиб қолинишида Мирзо Бобурнинг ҳиссаси катта. Аслида, нафақат Заҳириддин Муҳаммад Бобур, балки барча темурийзодалар учун бу ўйин севимли машғулот бўлган. Нафақат шунчаки вақтни қизиқарли ўтказиш, балки от устида юриш, абжирлик ва ҳарбий маҳоратнинг ошиб боришида чавгоннинг алоҳида ўрни бор. Болалик чоғиданоқ чавгон ўйнаб, давраларда маҳоратини ошириб борган шаҳзодалар келгусида жангу жадалларда шерюракли саркарда сифатида намоён бўлишган.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, темурий, бобурий шахзодалар билан бир қаторда маликалар ҳам чавгон ўйнашган. Нафақат чавгон, балки бошқа ҳарбий санъатлардан ҳам чуқур сабоқ олишган. Бу ҳақда ҳиндистонлик бобуршунос олим Сейд Нақи Аббос жуда қизиқарли фикрларни билдирган. Яъни унинг тадқиқотларига кўра, бобурий маликалар ҳам баҳодир хотин-қизлар бўлиб, улар маҳоратли чавандоз, қиличбоз, паҳлавон бўлишган. Тўғри, албатта, бизда маликалар жангу жадалларда қатнашмаган. Аммо, фавқулотда вазиятларда ўзини, ор-номусию фарзандларини асраши учун ҳам маликалар баҳодирлик, жасурлик руҳида тарбияланган. Демакки, ҳеч иккиланмай, чавгон ўйинини нафақат темурий ва бобурий шаҳзодалар, инчунун Заҳириддин Муҳаммад Бобур, балки шу саройда яшаб, тарбияланаётган маликалар ҳам ўйнашни қойиллатишган, дея айтиш мумкин. Буни улуғ шоҳ ва шоир ўзининг бир ғазалида чиройли тасвирлаб беради:

Чиқса қуёш фалакка, сен отқа чиққанингдек,
Бўлғайму ул сенингдек, ул бири тавсанингдек?
Кўксумни чунки ёрдинг, киргил кўнгулгаким, бор –
Ул ёра эшигингдек, кўз анда равзанингдек.
Гар сийм барги гулни қилса либос ўзига,
Бўлғайму, эй гуландом, кўнглак била танингдек?
Ул ёр ҳасратинда бисёр яхшидур ғайр,
Мен ҳам ямон эмон, лек, яхши эмон анингдек.
Даъвийи ишқ этиб, ғайр, Бобурни айб қилма –
Ким, мен эдим сенингдек, сен бўлғасен менингдек.

Чиндан ҳам, қуёш осмонга чиққанидай от устига чиқаётган аёл образи шоҳ ва шоир бобомизнинг бир томондан йигитнинг йўлдоши – отга меҳри, иккинчи томондан аёл сиймосининг баҳодирона тасвири бўлиб қолади.

ЯССАВИЙ ҲИКМАТЛАРИДА ДУНЁ ОБРАЗИ

Муяссар ИБРОҲИМОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида дунё образининг аҳамияти ва бадиий тасвир маҳорати ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: ҳикмат, жифа, дунё ҳаёти, дарвеш, образ, бадиий санъат, руҳоният.



Маълумки, Хожа Аҳмад Яссавий нафақат яссавия тариқатининг асосчиси, балки туркий тасаввуф адабиётининг етук вакили сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. У Қуръони карим ва пайғамбаримиз ҳадисларига асосланган содда, халқона руҳдаги ҳикматлар яратган. Исломий манбага эга бўлмаган туркийзабон қавмларга туркий тилда шеър айтиш орқали ислом маърифати ва маънавиятини етказган. Профессор Иброҳим Ҳаққул Яссавийнинг адабий мероси ҳақида: "Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и дунёга келиши билан туркий халқлар ўзининг мустақил тариқат китобига, том маъноси ила Маърифат, Ҳақиқат, Руҳоният қомусига соҳиб миллат ўлароқ эътироф этилган" – деб ҳақли эътироф этади. Яссавий ҳикматларининг асосий мазмунини умрнинг моҳияти, нафс тарбияси, руҳий комилликка эришишнинг йўллари, дарвешлик қоидалари,

ахлоқий-тарбиявий хислатлар, дунё ва охират ҳақидаги мушоҳадалар ташкил қилади. Мутасаввиф шоир инсон ботини ва зоҳирини чиркинлик, тубанликлардан софлаш, нафснинг турфа ҳийла-наранглариға учмаслик, бу дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларини деб дину диёнатдан кечмаслик, қалбни ҳавойи истаклардан пок сақлаш кераклигини уқтиради. Айниқса, ҳикматларда "дунёни тепиш", "дунёни талоқ қилиш", "бу дунёга охиратни савдо қилиш" каби истиоравий ифодалари ибодат, зикр, адолат, ҳурфикрлилик, ҳиммат, чин эътиқод сингари қатор маъноларни англатади.

Дунё тебмай рақсу самоъ урған жоҳил,
Ҳақ ёдини бир дам айтмай юрур ғофил.
Дарвишман дер, дунё сари кўнгли мойил,
Дунё учун рақсу самоъ урди дўстлар.

Тасаввуф адабиётида, умуман мумтоз адабиётда дунё қораланиб, кишини мудом ундан тўла-тўкис воз кечишга, юз ўгиришга чорлов мазмуни мавжуд. Бунинг изоҳини айрим луғатларда ҳам кўрамиз. Жумладан, усмонли турк тасаввуфшунос олими Сулаймон Улудоғнинг "Тасаввуф атамалари луғати" китобида дунёга шундай таъриф берилади: "Дунё – биз яшайдиган ер курраси. Инсонни Оллоҳдан узоқлаштирган ва ғафлатга туширадиган ҳамма нарса – мол ва манфаат, обрў, мавқе, хирс, шан ва шуҳрат. Зоҳид ва мутасаввифлар дунёни илонга, заҳарга, жодугар, фохишага ўхшатадилар. Дунё ҳаёти – охират бандасини ушлаб турадиган барча нарсалардир. Зоҳидлар дунёни талоқ қиладилар". Демак, ҳикматларда дунёнинг дин ва охиратнинг душмани саналишига бир сабаб мана шунда:

Аё дўстлар, пок ишқини қўлға олиб,
Бу дунёни душман тутуб юрдум мано,
Яқом тутум ҳазратиға сиғниб келиб,
Ишқ бобида Мансур сифат бўлдум мано.

Яссавийга кўра, дунёдан воз кечиш ошиқликнинг олий матлабидир. Ҳикматларда қалбида ишқдан асар ҳам бўлмаган кимсалар тўрт оёқли ҳайвонга ўхшатилади. Ҳатто "дунё тебмай", яъни қалбдан бу ўткинчи дунёнинг орзу-ҳавасларини чекламасдан, риёкорлик билан қилинган зикр-у ибодатлар ҳам беҳудадир. Бир ҳикматда "чин ошиқлар" – фитрату тийнатида Ҳақ ёди ҳукмрон бўлган ҳақиқий ишқ эгалари тўғрисида мана нима дейилган:

Жондин кечган чин ошиқлар дунё демас,
Нафси ўлук, обу таом ғамин емас,
Бу оламда суду зиён – муни билмас,
Дунё келиб жилва қилса олғони йўқ.

Ҳикматларда ўқувчига дунё турли ўйинлари, ноз-неъмат, зеб-зийнат воситалари билан кишини йўлдан уриши қайта-қайта уқтирилади. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади: «Билингки, албатта, дунё ҳаёти ўйин-кулги ва кўнгилхушлик ҳамда зеб-зийнат, ўзаро фахрланиш, мол-мулкни ва бола-чақани кўпай-

тириш, холос. У худди ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир. Кейинроқ қурийди ва унинг сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетадир. Охиратда эса шиддатли азоб бор. Ва Аллоҳдан мағфират ва розилик бор. Ва дунё ҳаёти алдов матоҳидан бошқа нарса эмас» (Ҳадид:20). Ҳикматларда бу фикрлар қуйидагича бадиий ифода топган:

Жондин кечиб, ялғуз Ҳақни жонға қўштим,
Андин сўнгра дарё бўлуб тўлуб тоштим,
Ло маконни сайр этибон мақом оштим,
Дунё уқбин юз минг талоқ қўйдим мано. [37-бет]

Мумтоз адабиётда дунёнинг келин, гўзал қиз, кампир қиёфаларидаги тасвирларига ҳам кўп дуч келамиз. Бу дунёни талоқ қилиш эса дунё матоҳларидан юз ўгириш маъносида ишлатилади. Яссавий ҳикматларида дунёни "бозор", "дўкон"га қиёсланган янги ифодалари ҳам учрайди.

Баъзи нодон кирди бозор, олди дўкон,
Ҳамроҳ бўлди ул нодонға анда шайтон,
То қуруғлиғ ўлтурдилар шоду хандон,
Ўшал дўкон дунё эрур билдингизму? [341-бет]

Буюк мутасаввиф қанча мол-дунёни қўлга киритсанг ҳам, барибир сенга насиб қилмайди, бир кун қўлдан кетади, Ҳақ ва ҳақиқатни, ўз инсонлик моҳиятингни унутма, дейди ҳикматларда:

"Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,
Ишонмагил молингга, бир кун қўлдин кетаро". [180-бет]

Ҳикматларда талмеҳ санъати воситасида муқаддас китобда ҳам номлари келтирилган Қорун, Фиръавн каби баднафс кимсалар ва номлари афсонага айланган ошиқ-маъшуқларнинг исмларини бир-бир санаб, оламнинг ўткинчи экани таъсирли ёритилган:

Бу дунёга кўнгул қўйған Қорун қани?
Даъво қилған Фиръавн билан Ҳомон қани?
Вомиқ, Узро, Фарҳод, Ширин, Мажнун қани?
Қаҳр айласа, бир лаҳзада яксон қилур. [114-бет]

Яссавий ҳикматлари орқали инсонларни руҳий камолот сари ундар экан, бу йўлдаги асосий ғов бу дунёнинг ўткинчи хою-ҳаваслари эканини бот-бот такрорлайди.

Бу дунёда мулк манинг деб кўксин керган,
Ҳам олдида курси қўюб хайма урған,
Неча йиллар хайлу ҳашам черик йиғган,
Ажал келса, бори вафо қилмас эрмиш,

Ҳикматларда яратганнинг олдида барча бандалари тенг, улар бу оламга келиб тўплаган дунёси билан эмас, бажарган амаллари билан бир-бирларидан фарқланади, деган фикр илгари сурилади. Қуйидаги тўртликда ҳам ана шундай мазмунларга ишора бор:

Ишқ ўтида куйганларни ранги ўчар,
Уқбо сари жадал қилиб мундин кўчар,
Мунда бўлған гириҳларни онда очар,
Расул: Дунё жифа деди, қўйдум мано. [38-бет]

Ҳикматларда қалбида ишқ оташи ёнган, тўғри йўлдан адашмаган кимсалар "ишқ ўтида куйганлар", "ранги ўчган"лар, қиёфасида тасвирланган. Расулуллоҳ ҳадисларида дунёнинг – жифа, яъни ўлимтик нарсага ўхшатгани ҳикматлар мазмунига ниҳоят даражада мос келгани равшанлашади. Ўлимтик нарсалар эса динимизда ҳаром деб буюрилган. Тўртликда ана шунга ҳам ишорани сезиш қийин эмас, албатта.

Кўринадики, Яссавий ҳикматларида қўлланган дунё образи ислом дини асосида юзага келган тасаввуф таълимотининг ғоя ва қарашлари билан узвий боқлиқ. Ҳикматларда дунё образи ўқувчида эстетик завқ уйғотибгина қолмай, инсоният қисмати, кечмиши, дунёнинг яралиши, умрнинг моҳияти ҳақида чуқур мушоҳада юритишга ундаши табиий. Яссавий тўртликларидаги дунё тимсолларини тадқиқ қилиш яссавия тариқати мазмун-моҳиятини, мусулмонлик тартиб-қоидаларини, шунингдек тасаввуф адабиётининг бадиий қимматини ҳам тўла англаш имконини беради.



Санобар ТЎЛАГАНОВА,
адабиётшунос.

Ҳар қандай ижод маҳсули ижодкор шахси билан уйғун келади. Ижодкор ва асар муносабати дарахт билан мевасига ўхшатилади. Бирор мева уни етилтирган дарахтдан бўлакча бўлолмагани каби бадиий асар ҳам муаллифнинг шахсияти даражасидан баландлай олмайди. Ижодкорни янада яқинроқ билиш ва руҳини англаш учун у яшаган давр, ижтимоий-сиёсий шароит каби омилларга эътибор қаратиш лозим. Шундай экан, бадиий ижодда муаллиф шахси, истеъдод ва тафаккур кўлами ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Ижодкор фаолиятининг маҳсули саналган санъат асари нафақат бадиий ҳодиса, балки руҳий, фалсафий, маданий-тарихий ҳамда диний қадриятларни ўзида мужассам этган воқеликдир. Бадиий асар бу – ижодкор бадиий тафаккуридаги борлиқнинг ўзига хос аксидир.



ШАХСИЯТ ВА ИЖОД

Бадиий тафаккур, ўз навбатида, дин, тил, миллат каби фалсафий категориялар билан узвий алоқада бўлади. А.Лосев “Илм, санъат, дин – ҳақиқатни англашнинг уч босқичи”, деб эътироф этганда тўла ҳақли эди. Мана шу учлик ўзаро уйғунлашгандагина қонуниятлар идрок этилади. Учлик кесимида ёзувчининг руҳий кечинмаларига қулоқ тутиш, “ҳолат”ини тушуниш ижодкор-инсоннинг мураккаб табиатини англашимизга кўмак беради. Ижодий “мен” ва инсоний “мен” қиёфасининг муштараклиги илмий-назарий масала сифатида турли даражада ўрганилмоқда. Мазкур масалани бир замон ва маконда яшаб ўтган ёзувчилар ҳаёти мисолида кузатамиз.

Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва Ойбек деярли бир даврда, бир-бирига яқин шароитда яшаб ижод қилган. Табиийки, уларнинг ҳаётий позицияси ва образ тасвиридаги услуби кескин фарқланади. Қодирийдан

кейинги поғонада Чўлпон ўзгача руҳдаги романи билан янги давр насридан дарак берса, Ойбек замон талотўплари орасида йўлини айириб ола билмай тургандай таассурот уйғотади. Айтиш жоизки, ҳар бирининг ўз ҳаёт йўли, тақдири, амали бор, ҳеч қайси бир-бирини такрорламайди.

Чўлпоннинг "Тонг сирлари" тўпламига Қодирий сўзбоши ёзган. "Баъзи бир ўртоқлар Чўлпонни йиғлоқ деб айбситадилар. Балки, ҳақлари ҳам бордир.

Чечаклар ўскуси кўз ёшларимдан,

Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан...

деб ҳасратланиши бизнинг кўз ўнгимизда "йиғлоқ" бир шоирни гавдалантирадир. Бироқ шоир шу тўккан кўз ёшларидан чечаклар ўсдирмоқчи бўлмаса эди, биз ҳам унинг муътаризлари қаториға кирган бўлар эрдик.

Анқов таъначилар шоирни ранжитишда мудовамат қиладирлар... Ўктабр ўзгариши қора тунимизнинг тонгини отдирди эса-да, бу мудҳиш кечнинг баднома кўлагалари ҳамон шоирнинг юрагини титратдилар ва ул ночор йиғлади... Менимча, "Тонг сирлари"да кўрилган кўз ёшларининг сири шудир" .

Ёзувчи шоир кўзларини намлантирган туйғулар сабабини тўғри англайди ва бошқаларни ҳам шунга чақиради. Унинг тўпламга кичик киришсўз ёзишининг ўзиёқ кўп нарсага ишора қилади. Чўлпонга ҳужумларнинг олдини олиш мақсадида ёзилган тақдимсўз кейинчалик муаллифга кўп ташвиш келтирди. Ҳар бир ишга катта масъулият билан ёндашган адиб шоирнинг шеърий нафосати ва поэтик маҳорати, руҳий ҳолатини ҳиссий сезимлари орқали нозик илғай билган. Унинг сўзга талабчан ва қаттиққўл муҳаррирлигини ҳисобга олсак, Чўлпонга нисбатан муносабати ҳам ойдинлашади.

Ҳабибулла Қодирий отаси билан Чўлпон орасидаги адабий, дўстона муносабатлар ҳақида каттагина мақола ёзиб, "Отам ҳақида" китобининг тўлдирилган иккинчи нашрига киритади. Лекин цензура чиқариб ташлайди. Ҳатто қўлёзмасини ҳам қайтаришмайди. Муаллифнинг гувоҳлик беришича, Абдулла Қодирийнинг Чўлпонга эътибори бўлакча бўлган, комил инсонлардан бири, деб ҳурмат қилган. Шоир ҳам, ўз навбатида, унинг фикри билан ҳисоблашган. "Кеча-кундуз" романини тугатгач, ўқиб беришини сўраган. Ўринли маслаҳатларига амал қилиб асарини қайта ишлаган бўлса, эҳтимол. Иккисини ўзаро боғлаб турган ришта фақатгина адабиёт эмас, миллат қайғуси, дину маърифат йўлидаги маслакдошлик ҳам эди.

Лазиз Азиззода шундай ёзади: "Абдулла Қодирий Чўлпоннинг яқин ўртоқларидан бўлиб, улар бир-бирларини яхши таниган ва ёзган асарларини ўзаро муҳокама қилиб туришарди. Жулқунбой Чўлпон ҳақида "Навоийдан кейин чиққан ўзбек шоирлари ичида энг кучли лирик шоир Чўлпондир", деган эди. Жулқунбой фикрда бироз муболағага йўл қўйган, лекин унинг бу фикрида ҳақиқат улуши ҳам йўқ эмас" . Адиб замондошларига баҳо беришда кунда-кунора "муболаға" қилавермаган, иккинчидан, шоирнинг истеъдодига ишонч билан қараган, қолаверса, ижодига тама аралашма-

гани боис уни шахс сифатида ҳурмат қилган. Чўлпон ҳам бир ўринда “Ўзбекнинг онаси иккинчи Абдулла Қодирийни туғмаса керак”, дейди. Азалдан истеъдодлар бир-бирига руҳий-илоҳий жиҳатдан яқин бўлиб, миллат ва дин муаммоси орага кўндаланг келганда ҳамдардлик ҳисси уларни янада бирлаштирган.

Ўтган асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмида шўролар ҳукумати ўзбек адабиётини ғоявий жиҳатдан қўлга олди, санъатни сиёсатнинг қуролига айлантирди. Ижодкорни эркидан айирди, фикрини мафкурага қарам қилди. Бунинг оқибатида йўллар айро тушди. Ғафур Ғулом Қодирийга қарши гувоҳлик бериш чоғида шундай дейди: “1936 йили бир марта Наби Шариповнинг уйига меҳмонга таклиф этилдим. Ўшанда Чўлпон билан Абдулла Қодирий ҳам борган эди. Биздан ташқари, Чўлпоннинг тоғаси – Ўрта Осиёнинг йирик руҳонийси Зоҳириддин Аълам ҳам ташриф буюрдилар”. Диний мавзуга бағишланган суҳбатнинг охири сиёсатга бориб уланган. Паранжи ташлаш ҳақида сўз борган, давлат томонидан чиқарилган заёмлар мусулмонларга тўғри келадими-йўқми сингари шаръий масалалар муҳокама қилинган. Ушбу гувоҳлик Қодирийнинг даврадошлари ва уларни бирлаштириб турувчи жиҳатлар ҳақида маълумот беради. Тергов материалларига эътибор қаратилса, адибга асосан мана шундай шаръий мавзудаги суҳбатлардаги иштироки ва “мутаасиб” мусулмонлиги қўшимча айблов бўлган. Мазкур маълумот миллат тарихидаги “босмачилик”, “паранжи ташлаш” каби уюштирилган ҳаракатларга ёзувчининг муносабатини очиқлайди. Диний ҳукмлар унинг учун ҳаёт-мамот масаласи саналган.

Тергов жараёнида Абдулла Қодирийни чалғитиш учун дин билан боғлиқ қалтис савол ташланган. Адиб маслагидан чекинмаган, эътиқодда собит бўлиб ва вазиятни ҳисобга олиб, саволларга мантиқан жавоб қайтарган:

“– Сизнинг мусулмон динига “ўзига хос” қарашларингиз нималардан иборат?

– Зоҳириддин Аълам каби эски мусулмон руҳонийларга нисбатан мен ислоҳатчиман – янгиланиш тарафдориман. Ислом динида фақат Оллоҳи Каримга – энг олий Ҳақиқатга имон келтиришни тан оламан; бошқа бидъатларни эса тескаричи мусулмон руҳонийлари ўйлаб топган уйдирмалар деб биламан”.

Абдулла Қодирий имонини бутун сақлашга ҳаракат қилган, эътиқодда собит бўлган. Ғафур Ғулом эса танлаган йўлида саросар умр кечирди. Айблов ҳужжатига имзо қўйган шоир ёзувчининг оқланиши ҳақида хабар тарқалганда биринчилардан бўлиб қўлида тўн билан қутлагани Қодирий хонадонига боради. Сийратига назар ташласак, унда бир неча қиёфаларнинг ўзаро кураши ва истеъдодини ёлғонга бой берган шоирнинг безовта руҳини кўргандай бўламиз. Даврнинг елвизак нағмаларига алданган ижодкорнинг топганидан

йўқотгани кўп бўлдими, буни Ўзи билади. Насиба-да...

Абдулҳамид Чўлпон илк шеърларидаёқ миллат дардига малҳам қидирди. Унинг ижодида инсон кўнглининг инжа туйғулари, аламли изтироблари ва алданиш азоблари устуворлигини сезиш қийин эмас. Туғма истеъдод ўлароқ ичкин кечинмаларни бетакрор оҳангларда ифодалашнинг ўзига хос чўлпонона йўлини топа олди. Аммо турли зиддиятлар ва кескин бурилишларга тўла, мураккаб ҳаёт кечирди. Шахсий турмушдаги тартибсизлик, бир жойда муқим қола олмаслик ва кутилмаган оғриқли ҳолатлар, давр изғирини ҳамда ён-атрофдаги маслакдошларининг иккиланишлари унинг руҳиятига жиддий таъсир ўтказган. Чўлпон асарлари биографик контекстда ўрганилса, шоир ҳаётининг ҳали кўп сирлари ойдинлашади.

Чўлпоншунос Дилмурод Қуроновнинг ишларида шоирни тушунишга интилиш, масалага мантиқ кўзи билан қараш, муносабатда холисликка таяниш каби ижобий хислатлар устувор. Жумладан, 1933 йили унинг В.Янга айтган гапларида Тошкентга отасидан қочиб келиши, диний қарашлари билан боғлиқ "ясалган" ўринлар ҳақида олим шундай изоҳ беради: "Табиийки, 30-йилларда шоирнинг келиб чиқишиёқ уни "ёт унсур" санашга етарли асос бўлиши мумкин эди. Айни шу хил вазиятда замонбоп "биография" яратишга интилган бўлса, ҳеч ажабланарли эмас".

1927 йили қурултойдан ғоявий "бадбин" сифатида ҳайдалган шоир ҳаётида қора кунлар бошланди ва умрининг охиригача чўзилди. "Менга берилган нотўғри баҳолар мени руҳан эзади, ижодимни буғади. Шу ҳақда ўйлайман, баъзан инжийман, инжийман-да, ниҳоят ўзимни шундай юпатаман: афтидан, мен фақат танқид қилиниш учун яратилган бир шахс эканман-да дейман". Бу гаплар айтилган вақтда Чўлпон қора рўйхатдан жой олган эди. Турмушдаги қарама-қаршиликларнинг барчаси тўпланиб, шоир қарашларида муайян даражада ўзгаришлар кузатилган, шўро ғоялариға ён беришига сабабчи бўлган. "Сомон парчаси" шеърида "Оқишнинг йўлига солдим кунимни", "Вазминим қолмади бир узук қилча", дея ҳолатига ишора қилади.



Ойбек Қодирий ва Чўлпон адабий анъаналарининг ҳар томонлама давомчиси

эди. "Ойбек Ленинградда ўқиган, САГУни тамомлаган, қобилиятли, покиза олим. У ёш бўла туриб дорулфунунда дарс беради, бунинг устига шоир ҳам" , дер экан устоз адиб. Ўз даврининг эътиборли кишиси бўлган Абдулла Қодирий ҳар кимни ҳам тан олавермаган, аммо ёш шоир фитратидаги софлик уни бефарқ қолдирмаган. Ёзувчи далолат қилгандек, Яратган Ойбек шахсини покиза улуғворлик билан сийлаган эди.

Набижон Боқий "Қатлнома" асарида Ойбек қаламига мансуб "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" рисоласи юзасидан кескин мулоҳазалар билдирган. Қодирий шахсига чин ҳурмати ва адолат туйғуси муаллифни баъзан кескирликка ундаб, муносабатда антипатиясини ошкор қилиб қўяди. Инсон ижтимоий-сиёсий муҳитдан узилиб кета олмайди. Шароитдан келиб чиққан мажбурлик Ойбекни зиддиятлар орасида умр кечиришга маҳкум этди. Жонини гаровга қўйган одам хиёнат остонасининг оғиш бурчагида йўлидан адашиши турган гап. Ойбек сиёсат билан муросага борди, вазият билан сулҳ тузишни маъқул кўрди. Бироқ бўйинтуруққа бошини осонгина солиб қўймаган эди.

1927 йили "Чўлпон бойлар, миллатчи зиёлиларнинг мафкурачисидир, шуларнинг шоиридир", деган айблов қўйилади. Бунга жавобан ҳали сиёсий буҳронлар таъсир қилмаган, тийнатида покизалик мавжуд бўлган 22 ёшли Ойбек ҳеч иккиланмасдан, дадиллик билан "Чўлпон шоирни қандай текшириш керак?" деган мақола ёзиб, ижодкорнинг асарларини мафкура мезонлари билан эмас, балки санъат нуқтаи назаридан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Ўшанда Чўлпонни очиқдан-очиқ "совет халқига ёт шоир", "буржуа зиёлиларининг шоири" деб эълон қилишган. Қодирий Чўлпоннинг шеърий китобига сўзбоши ёзиб, ижодга рағбатлантирган бўлса, Ойбек шоирни жасорат билан ҳимоя қилади.

Ойбек жавоб беради: "Чўлпон пролетар шоири эмас", "пролетар шоири бўлмайди". Негаки, "шоирларнинг қулоқларидан чўзиб юриб, "йўқсуллар шоири бўл" дейиш мумкин эмас". У адабиётнинг специфик хусусиятини эслатиб, шеър ва шоирни теранроқ тушунишга, истеъдодни қадрлашга ундайди. Ойбек мақоласида русларнинг Пушкинга муносабатини эслатиб, "биз ҳам Чўлпондан қўл тортолмаймиз" дейди, Чўлпоннинг адабиётдаги хизматини таъкидлайди: "Чўлпон янги адабиётда янги нарса яратди. Мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадиий завқига яраша ёқимли (бадиий) гўзал шеърларни ўртага чиқарди. Бу кунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўп севади. Ундан кўп гўзалликлар олади".

Шу муносабат боис ўзбек матбуотида катта баҳс бўлиб ўтади. У.Эшонхўжаев "Мунаққиднинг мунаққиди" мақоласида ("Қизил Ўзбекистон", 1927 июнь) Ойбекни рад этиб, Чўлпонни "танназзулпарвар, хаёлпараст"ликда айблайди. Ойбек "Мунаққиднинг мунаққиди" мақоласининг эгасига" деган жавобида аввалги фикрида

собит қолади. Бу Ойбек табиатидаги чин маънодаги закийликни кўрсатувчи факт. Адолатпарварлик ва самимийлик, ҳалоллик ва поклик унинг шахс сифатида камол топишида муҳим омил бўлган.

Ойбек "Қутлуғ қон" романини ёзган кезлари Қодирий ва Чўлпоннинг асарлари тақиқланган, ўзбек насри бор-йўғидан айрилган эди. Шундай бўлса-да, салафларини шунчаки, қуруққина такрорламади, балки ўзига хос йўл топди. У яшаган замоннинг талаби устозлари ижод қилган шароитдан кескин фарқланган, бу асарга мақсад ва мавзуни танлаш ҳамда фикр ифодасида яққол кўринади.

Ўттизинчи йилларда маҳаллий зиёлиларнинг қама-қама ваҳималари Ойбекни бир қадар муросага бориб, мафкура талабларига ён бериб яшашга мажбур этди. Қолаверса, камбағал оиладан чиққан ва янги замоннинг имтиёзларидан баҳраманд бўлган шоир йигит гўзалликни, кўнгил кечинмасини куйлашни бахт деб билди ва бунга ҳаққи ҳам бор эди.

Ойбек устозлари тажрибасидан ижодий мактаб ўрнида фойдаланиш баробарида, уларнинг қисматидан ҳам ўзига хулоса чиқаргани табиий. Ижод жараёнида онгли ёки онгсиз равишда бўлсин, сиёсий тазйиқни ҳар нафасда ҳис этиб тургани аниқ. Шу маънода ўзини чеклашга маҳкум эди. Қодирий ва Чўлпон сўроқлар, қийноқлар охири нима билан тугашини ақлан англаб, қалбан ҳис этган бўлсаларда, тергов жараёнида иродаси етгунча сабр-тоқатини кўрсатишга тиришган. Темир панжаралардан ташқаридаги Ойбек учун эса қатағоннинг мудҳиш оқибатларини кўра-била туриб, сабоқ олмаслик ўз умрига зомин бўлиш билан баробар эди. 1937-1938 йиллардаги қалтис вазиятда "Қутлуғ қон"дек кўламдор асарни ёзишга куч, ҳафсала топиш катта жасорат. Таҳликали паллада ўзини овутиш ва совутиш мақсадида романга қўл урган, назаримизда. Навбатини жим кутиб ўтиргандан кўра ғоя қидирганларга позициясини кўрсатиб қуйиш учун ҳам шу китоб ёзилган бўлиши мумкин. Танланган мавзу шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш учун суғурта вазифасини ўтагандир, эҳтимол.

Ўша пайтда нуфузли партия идораларида хизмат қилган Сотти Ҳусайн "Ўткан кунлар" ҳақида танқидий мақола ёзиб, Қодирийга қарши ҳужумни бошлаб берганлардан ҳисобланади. У нафақат бир адибни аёвсиз қоралаган, балки бутун адабиётни йўлдан адаштиришга бош қўшган. Ойбек эса сал аввал эсланган рисоласида ҳақиқатни имкон қадар айтишга йўл қидиради, афсус, эрксизлик уни бурчакка тақаб қўйган эди.

Ойбек Абдулла Қодирийнинг шахси ва ижодига муносабатини бир неча марта билдиргани маълум: 1936 йили Ҳамид Олимжон таҳрири остида чиққан "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" китоби, иккин-

чиси 1956 йили ёзувчини оқлаш учун маълумот сўралганда, учинчиси 1966 йили А.Наумов билан бўлган суҳбат... Ойбек ўша рисоласини кейинчалик нашр этилган жилдликларига киритишни хоҳламаган. Қайта ишлашга эса ё журъати етмайди, ё мазкур масалага қайтишни истамайди. Ҳаётининг сўнгги йилларида шундай фикр билдиради: "Абдулла Қодирий, мен техникумда ўқийдирган пайтлардаёқ, машҳур ёзувчи, ҳаммамиз қўлдан қўймай ўқийдиган ўзбек адабиётидаги биринчи улкан ва гўзал романнинг автори эди. Абдулла Қодирий истеъдодли, қалби бутун ва ўзига хос характерли шахс эди. Абдулла Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан унинг халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билгани яққол сезилади. У туғма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди".

Абдулла Қодирий оқланиб, асарлари нашр қилина бошлаганидан кейин ҳам унга танқидий муносабат билдирувчилар кўп бўлган. Бундай баҳс-мунозаралар "Ўзбекистон маданияти" газетасида эълон қилинган. Ойбек уларга қарши муносабатини билдиришни бурч деб билган. "Қалби бутун ва ўзига хос характерли шахс" деган фикрга бежиз урғу бермайди. Мазкур эътироф буюк қалб эгаси Ойбекнинг ўзига ҳам бирдай тегишлидир.

Ойбек Қодирий ва Чўлпонга нисбатан адабиёт майдонига кейинроқ кириб келган, ёшига муносиб тарзда ҳаётга ҳамда даврга бошқа кўз билан боққан. Ижтимоий зиддиятларни устозларидан фарқли равишда қабул қилган. Муаммога теранроқ назар солинса, Қодирий ҳукуматнинг сиёсатига шубҳа ҳамда ишончсизлик, Чўлпон нафрат ва алам, Ойбек эса ҳадик билан қарагани сезилади.

Қодирийнинг эстетик идеали давр зиддиятлари орасида ўзлигини англаб етиш умидида курашаётган шахс сифатида гавдаланади. Чўлпон ижодида ижтимоий тузум муаммоларини ўз қисматига айлантирган инсон қиёфаси эстетик идеал даражасига кўтарилган. Ойбекнинг эстетик идеали эса кўнгил кишиси, юксак туйғулар соҳиби, адолат учун курашувчи қаҳрамон сифатида бўй кўрсатади.

Миллат тарихида улкан шахсиятларнинг намоён бўлиши заминнинг ва инсониятнинг улкан ютуқларидан биридир. Шахсият ва ижод кенг қамровли тушунча, шахсият ижод орқали, ижод эса шахсият воситасида очилади. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек каби улуғ шахсларнинг ҳар бири алоҳида миллий адабиётимиздаги феноменал ҳодисадир. Мазкур ёзувчилар ижодига ижодий "мен" ва инсоний "мен" орасидаги уйғунлик масаласига эътибор қаратилса, улар адабий шахсиятидаги ўзига хосликлар намоён бўлади. Сийратидаги улуғворликнинг сирларини англагандай бўламиз. Ҳар қандай замон ва маконда Ўзига ва ўзлигига содиқ қолган ижодкор абадиятга дахлдордир.



“НОНСЕНС”ДАГИ “СЕНС”

ЁХУД АДАБИЁТДАГИ НОНСЕНС ЖАНРИ ВА УНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
(Инглиз адиби Люис Кэрролл ижоди мисолида)

Моҳира ОТАБОЕВА,
ЎзРФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

Аннотация: *Ушбу мақолада ғарб адабиётида ўз ўрнига эга, аммо ўзбек китобхони учун у қадар таниш бўлмаган “Нонсенс” жанри ва унинг тарихи, бадиий хусусиятлари очиб берилган. Мазкур жанрнинг ёрқин намоёндаси “Алиса Мўъжизалар мамлакатида”, “Алиса Кўзгу орти ўлкасида” эртакларининг муаллифи Люис Кэрролл асарлари мисолида нонсенс хусусиятлари таҳлил қилинган.*

Annotation: *This article explains the genre «Nonsense» and its history and artistic features, which have a place in Western literature but are less familiar to the Uzbek reader. The nonsense features of this genre are illustrated by the works of Lewis Carroll, author of fairy tales «Alice in Wonderland» and «Alice through the Looking-Glass».*

Аннотация: *Эта статья объясняет жанр «Нонсенс», его историю и художественные особенности, которые имеют место в западной литературе, но менее знакомы узбекскому читателю. Специфики этого жанра проиллюстрированы работами Льюиса Кэрролла, автора сказок «Алиса в Стране Чудес» и «Алиса в Зазеркалье».*

Калит сўзлар: *нонсенс, жанр, метод, фолклор, фолклор элементлари, болалар адабиёти, эртак, Англия адабиёти мулки, профессор, фоторграф, мўъжизалар мамлакати, кўзгу орти ўлкаси, сюжет, тугун, воқеалар ривожи, ечим, импровизация, роматизм, реализм, интелектуал инверсия, логорифм, силлогизм, мантиқий ўйин.*

Keywords: *nonsense, genre, method, folklore, folklore’s elements, children’s literature, fairy tale, English literature property, professor, photographer, Wonderland, through Looking-glass, plot, knot, event development, solution, improvisation, rheumatism, realism, intellectual inversion, logarithm , sillogism, logical play.*

Ключевое слово: *нонсенс, жанр, метод, фольклор, народные элементы, детская литература, сказка, английская литературная собственность, профессор, фотограф, страна чудес, зазеркальная страна, сюжет, узел, развитие событий, решение, импровизация, ревматизм, реализм, интеллектуальная инверсия, логарифм, силлогизм, логическая игра.*

Одатда ўқувчи бирор асарни қўлга олар экан, ундан маъно, тизимли сюжет, воқеа-ҳодисаларнинг узвий боғлиқлигию образларнинг мутаносиблигини кутади. Тасаввур қилиб кўринг, агар қўлингизга айни биз кўниккан меъёрлардан холи асар тушиб қолса, уни ўқиётиб хаёлингизга келган илк фикр “бемаънилик” бўлади. Аммо дунё адабиётида шундай асарлар борки, улар бемаънилик устига катта маъно юклашади. Яъни уларда қўлланилган жанр “nonsense” (лотин тилида “non” йўқ, “sense” маъно дегани)нинг эса ўз “sense”и бор.

Англия адабиётининг мулки сифатида қаралувчи мазкур жанр XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, асосан болаларга аталган асарларда қўлланилган. Унинг ёрқин намоёндалари сифатида Эдвард Лир (1812–1888) ҳамда Льюис Кэрролл (1832–1898) келтирилади. Э.Лирнинг “Нонсенс китоби” асари айни жанрнинг шеърий намуналарини ўзида жамлаган. Л.Кэрролл эса уни насрга кўчириб, жанр имкониятларини кенгайтиради. Нонсенс ҳақида фикр юритганда унинг XIX асрнинг 40-70 йиллари ёзилганини унутмаслик керак. Бу даврда Кэрролл ҳам Лир ҳам тоза, чин маънода нонсенс асарларини ёзишган. 80-йилларга келиб эса, нонсенс метод сифатида ҳам жанр сифатида ҳам инқирозга учраган.

Нонсенс жамиятдаги барча қонун-қоида, чегараларга қарши, ҳақиқий ҳаётга мутлақо ўхшамаган дунё. Бу оламда ижтимоий фарқ нималигини билишмайди, пул ва фойда ҳақида ўйлашмайди. Гуноҳдан холи бўлишга ҳаракат қилишмайди, иккиюзламачилик қилишмайди, ўлимдан қўрқишмайди, ҳукмдорларни олдида бўйин эгишмайди, қўшниларнинг гапидан ҳайиқишмайди. Ўлим, касаллик ва жароҳатлар ҳақида реал жамиятдагидан мутлақо бошқача ўйлашади. Нонсенс одобга чақирадиган ҳам, диний жанр ҳам эмас, аксинча ундаги кўп нарсалар ўн тўққизинчи асрдаги диний ахлоқий адабиётни, ижтимоий одатларнинг тескарисини кўрсатишга қаратилган. Унда воқеалар кетма-кетлигини олдиндан тахмин қилиб бўлмаслик, бир қарашда ақлга тўғри келмайдиган мантиқ ўйини ва эркинлик ҳукмрон. Жанр ҳақида сўз юритаётиб, унинг хусусият ва ўзига хос жиҳатларини санай туриб хаёлингизга ҳар қандай масъулиятдан холи, ҳаётий тажриба юкидан мустасно, эркин, агар катталар халал бермаса ҳар кунини байрам қила оладиган болалар кўз олдингизга келади. Гўёки жанр хусусиятлари болалик оламини эслатади. Шунинг учун ҳам нонсенс фольклордан сув ичиб, бу жанрдаги энг сара асарлар ҳам айни кичкинтойларга атаб ёзилади. Шу боис ҳам бу жанрнинг элементларини фольклор асарларда бўртиб кўриниши табиий. Бироқ фольклор намуналари тўлиқ нонсенсда ёзилган дейиш фикридан йироқмиз. Нонсенсда ҳам ажабтовурлик, мўъжизалар учрайди-ю, бироқ буларнинг бари маълум мантиққа тизимга боғланади. Мазкур жанрда ижод қилган адиблар шунинг учун ҳам доим фолклорга мурожаат қилишган.

Бир қарашда боланинг айрим содда, жўн, биз ўрганиб қолган, кўниккан қолипларга сиғмайдиган фикрлари мантиқдан йи-

роқдек туюлади, аммо уларда ғараз, ҳасад-у ёмонлик юқмаган ҳақиқатлар яширинган бўлади. Уларни эшитиб гоҳ хандон отсак, гоҳ ўйга чўмамиз. Адабиётда ҳам кичик ўқувчиларга аталган талай асарлар аслида катталарнингда қалбидан жой эгаллаган. Антуан де Сент-Экзюперининг кичкина шаҳзодасининг сўзлари бутун инсониятга қаратилган бўлса, таниқли адибимиз Ғафур Ғуломнинг Шум боласи мисолида шум замондан ўртанамиз ёки Марк Твеннинг Том Сойеридек озодлик истаб йўлга чиққимиз келади, баъзан эса Жонатан Свифтнинг Гулливери тушиб қолган лилипутлар мамлакатидаги вазиятни чор-атрофимизда гувоҳи бўламиз...

Ана шундай бутун дунёда катта-ю кичикнинг севимли асарига айланган, Алиса исмли қизалоқнинг Мўъжизалар мамлакатида кўрган кечирганлари ҳақида билмайдиган болажон-у, катталар бўлмаса керак. Жилла қурса, асар асосида Голливуд ижодкорлари томонидан яратилган мултфильм ёки кинофильмни кўрганлар талайгина, албатта. Асар ёзилганига неча аср бўлса ҳамки, унинг атрофидаги адабиётшуносларнинг баҳс-мунозараси тинмаётир, қолаверса, рассом, ғарб киноижодкорлари, мултипликация усталари Кэрролл эртакларига қайта қайта мурожаат қилишмоқда. Боз устига, асарлар ёзилиши ҳамоноқ дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилиниб улгурилганиёқ уларнинг умри бардавомлигини сақловчи салмоғидан дарак беради.

1832 йили Англиянинг Чешир графлигида кўп фарзандли оилада дунёга келган адибнинг асл исми Чарлз Лютвидж Доджсон бўлиб, у илк билимларни зиёли ота-онасидан олади. Аввалига Ричмонддаги мактабда кейинчалик Оксфорд ўқигач адиб, умрини математика ва мантиққа бағишлаб, профессор даражасини олиб то 1898-йил ҳаётини сўнггига қадар талабаларга сабоқ беради. Шу ўринда рус тадқиқотчиси Демурованинг Кэрролл шахсияти ҳақидаги қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ: "Ёзувчи таржимаи ҳолида тадқиқотчиларнинг эътиборини тезда тортадиган драматик ҳодиса деярли учрамайди. Аммо мана шу одатий, оддий ҳаётий фактлар билан унинг биографияси тиғиз, тўлиб-тошган". Дарҳақиқат, бир қарашда профессор Чарлзнинг ҳаёти бир текисда ҳеч бир саргузуштларсиз кечгандек. Бироқ унинг болалар олдида тунд муаллимдан дилкаш эртакчига айланиши адиб ижоди ва шахсиятига қизиқишни ошираверади. Кэрролл ижоди XX асрнинг кўплаб машҳур инглиз ёзувчилари эътиборини қозонган бўлиб, улар адиб ҳақида эсселар, мақола ва китоблар ёзишган. Бу ишлар умумий характерга эга бўлса-да уларда Кэрроллнинг жонли образи, у яшаган ва ижод қилган муҳит акс этган. Шунингдек, бу мақола ва китобларда Кэрроллнинг ижодий иқтидори ва нонсенс ҳақида ҳам фикрлар билдиришган. Бу муаллифларнинг Кэрролл ҳақидаги ишларида унинг характери ва ижоди ўртасида тафовут сезилади. Л.Кэрроллнинг "Нонсач-пресс" нашриётида чиққан асарларининг тўлиқ тўпла-

мига бағишланган Виржиния Вулфнинг эссесининг асосий мавзуси ҳам шу тафовут. “Энди бошқа илож йўқ – Люис Кэрроллни битта одамга айлантириш вақти келди, – деб ёзади Вулф. – Унинг характери ва ижодини тўлиқ қамраб олишимиз керак, лекин биз яна мағлубиятга учраймиз. Люис Кэрроллга яхшироқ қарасак, Оксфордлик математикни кўрамиз, лекин диққат билан назар солсак Оксфордлик математикни кўрамиз, бироқ диққат билан яна тикилсак, сеҳргарни пайқаймиз. Унинг китоблари ҳам шундай иккига бўлиниб кетади”. Бу эсседа Вулф худди икки хил одам ҳақида гапираётгандек таасурот қолдиради. Улардан бири Оксфорднинг ҳурматга сазовор олими, оқ кўнгил, талабчан, мағрур, бир маромда тартибли яшайдиган Чарлз Лютвидж Доджсон. У мантиқ ва математика доир талай тадқиқотлар олиб борган, шу билан бирга матбуотда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муаммоларни акс эттирган ўткир памфлет-у мақолалари ҳам эълон қилинган. Иккинчиси эса, унга сира ҳам ўхшамайди. Уларнинг эрмаги, дўстлари – болалар, уларнинг даврасида адиб чин дилдан яйрайди. Ва ҳатто, боладек ўйлай олади. Адиб муваффақият қозонган фотография ҳам айни шу кичик дўстлари билан боғлиқ. У ўз даврида ҳаваскорликдан профессионаллик даражасига кўтарила олгани эътироф этилган адибнинг фотограф сифатидаги илхом манбаи ҳам кичик дўстлари эди. Тадқиқотчилар унинг бу жиҳатини болалигида етти ука-сингиллари билан кўп вақт ўтказгани, уларга ғамхўрлик қилиб онасига ёрдам бергани билан боғлашади. Ҳар не бўлганда ҳам айнан болалар сабаб жаҳон адабиёти икки нодир асар билан бойигани ҳақиқат.

“Нонсенс” атамаси Кэрроллнинг ижодий методини-таърифлашда ҳам ишлатилади. Худди Диккенс реализми ё Лэма романтизмидек. “Алиса Мўъжизалар мамлакатида” ва “Алиса Кўзгу орти ўлкасида” эртакларини нонсенс жанрининг икки юксак чўққиси, деб атасак бўлади. Бу икки эртаклар ёзилиши оралиғи йилларга тенг бўлсада, уларнинг асосий ғоявий принциплари бир хил. Тўғри “Мўъжизалар мамлакатида” импровизация, табиийлик кучлироқ, чунки бу эртак дастлаб оғзаки тарзда айтиб берилган.

“Алиса Мўъжизалар мамлакатида” ва “Алиса Кўзгуорти ўлкасида” асарларида Кэрролл халқ ижодиётидан кенг фойдаланади. Фольклор анъаналарига суянган ҳолда у бетакрор образ ва ҳолатларни ўйлаб топадики, уларни фольклор образларидан айнан кўчирилган деб ҳам бўлмайди. Анъанавий, асрлар давомида сайқалланган услуб билан индивидуал, ўзига хос такрорланмас услубнинг қоришмаси Кэрролл эртакларига ўзига хос жило бағиш-

лайди ҳамда нонсенс жанрининг асосий хусусиятини акс эттиради. Бу ўзига хослик эртакларни ўқиш давомида яққол кўзга ташланади.

Кэрролл халқ эртаклари таркибини ўзгартира олган. Бу ўзгариш "Алиса Мўъжизалар мамлакатида" эртагининг бошидаёқ кўзга ташланади. Алисанинг Қуён уясига тушиб кетиши, аввалдан ўйланмаган ҳодиса: эртакда "у қизиққанидан ўзини тўхтата олмай, қуённинг ортидан югуриб кетди", деб ёзилган. Бу воқеа Алисанинг бошига тушган кейинги қийинчиликларга ҳам, эртакларга хос вазиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка ҳам алоқадор эмас. Алиса эшикнинг қулф тешигидан қараганда "биринчи номутаносиблик" пайдо бўлади. Бу номутаносибликнинг ортидан бошқа "номутаносибликлар": Алисанинг бўйи калит қўйилган столга, қулф тешигига етмаслиги каби бошқа номутаносибликлар келиб чиқади. Асосий номутаносибликни ҳал этилиши (VIII бобда Алиса ниҳоят тилла калит билан эшикни очиб боғга киради), бироқ бу ечимга олиб келмайди. Жанр хусусиятларидан бири бўлмиш эпизодларнинг биронтаси ундан аввалги эпизодга боғлиқ эмаслиги, тугун, воқеалар ривожи каби элементларга мос келмаслигини таъкидлаш зарур. Ечим ҳам худди тугун каби анъанавий усулларда ўйлаб топилмаган. Эртак Алиса мурод-мақсадига етишгани ёки синовлардан ўта олгани учун эмас, шунчаки уйғониб кетгани учун ҳам тугайди.

Кэрроллнинг эртаклари баъзи хусусиятларига кўра латифаларга ўхшаб кетса-да, аслида улардан катта фарқ қилади. Бу фарқни кулгуга бўлган муносабатдаги тафовут билан изоҳлаш мумкин. Кэрролл халқ қўшиқларидан ҳам фойдаланиб, уларни ўз хоҳишича ўзгартиради. Унинг талқинида қўшиқлар бутунлай бошқача ҳолатга келади. Масалан, "Кўзгу орти" эртагида Ади-Бади, Арслон, Труляля-Тряляля ҳақидаги халқ қўшиқларидан фойдаланган. "Мўъжизалар мамлакати"нинг охирги қисмидаги Валетни суд қилиш воқеаси халқ фольклорига асосланган. Айни жиҳат ҳам нонсенс жанрига хос хусусиятлардан. Фолклорга мурожаатни Эдвард Лирнинг "Нонсенс"китобидаги шеърларда ҳам кўриш мумкин. Фольклордаги кенг имконият, қаҳрамонларнинг реал дунё меъёрларига зид ҳаракатлари нонсенснинг асосини ташкил қилади. Бироқ Кэрролл бу хусусиятни асарларига сингдиришда ва улардан замонавий дунё одамини ўйлантириб қўядиган ғояни акс эттириб нонсенс жанрининг ноёб намунасини ярата олган.

Бу икки асар мазмун моҳяти борасида эса қарашлар, ёндашувлар ҳам турлича бўлиб, улардан айримларини тадқиқотчилар ёзувчи шахси билан боғлашса, бошқалари эса адиб яшаган муҳит, ижтимоий тузумга нисбатлашга уринишади. Шу маънода асар моҳиятига бағишлаб тадқиқот олиб борган ва ўзи ҳам диний мавзуда ижод қилган Шан Леслининг бу борадаги қарашлари ғоят эътиборли. У Кэрролл эртакларини Ок-

сфордда ўн тўққизинчи асрнинг 40-70 йилларида юзага келган диний баҳслар билан боғлайди. “Алиса Мўжизалар мамлакатида” эртагида Оксфорд ҳаракатининг тарихи яширинган десак муболаға бўлмайди”, — деб ёзади у.

Ҳар қандай асарни мавжуд адабий методларнинг бир нечаси билан таҳлил эта олиниши, ёзувчининг маҳорати асарнинг бадиий салмоғидан дарак беради. Шу боис ҳам Кэрролл эртаклари атрофидаги баҳс-мунозаралар ҳали ҳам давом этаётир. Адабиётшуносларнинг айримлари биографик ва социологик метод ёрдами уни очишга уринса, мантиқшунос ҳамда математиклар улардаги мантиқий жумбоқлар ҳақида сўз юритади. Хулоса ўрнида эса ёзувчи ва файласуф Гилберт Честертоннинг Кэрролл асарлари ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтирмоқчимиз: “Бу асарлар болалар учун эртак, лекин улар бошқа аксарият эртаклар каби болалар ҳақида эмас, муаллифнинг тасаввури эртакни ёзиш жараёнида интелектуал инверсияга қараб силжиган. У мантиқ дунёсини тўнтарилган ҳолда кўради, бошқа дунёларга эътибор қаратмайди... у логорифм ва силлогизмларни нонсенсга айлантирган. Бу билан унинг услуби Рабленинг нисбатан маънилироқ нонсенси ёки Свифтнинг аччиқ нонсенсидан фарқ қилади. Кэрролл шунчаки мантиқий ўйин ўйнаган. Бу ўйиннинг янгилиги, ғалатилиги ва дунёдаги энг яхши ўйин экани Кэрроллнинг буюк муваффақиятидир.”

Зеро, бу адиб ижоди ҳақидаги узил-кесил тўхтам эмас, чунки ҳар даврнинг адабиёт ихлосманди Мўжизалар мамлакати-ю, Кўзгу орти ўлкасидаги қизалоқ ҳақидаги файласуф эртакчининг ажабтовур эртакларидаги маъносизлик ортидан маъно топаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Демурова Н.М. Льюис Кэрролл. Очерк жизни и творчества. – Москва: Наука, 1979.

2. Демурова Н.М. О переводе сказок Кэрролла. – Москва: Наука, 1991.

3. Галинская И.Л. Льюис Кэрролл и загадки его текстов. – Москва: Наука, 1995.

4. Кэрролл Л. Приключения Алисы в стране чудес / В переводе Демурова Н.М. – Москва: Правда, 1985.

5. Кэрролл Л. Приключения Алисы в стране чудес / В переводе Заходер Б. – Ташкент: Ўқитувчи, 1986.

6. Вулф В. Льюис Кэрролл – Москва: Наука, 1991.

7. Lancelyn R. The Diaries of Lewis Carroll. – London: Cassell, 1953.

8. Coollingwood S. The Life and Letters of Lewis Carroll / The Cornhill Magazine. London: The Cornhill Magazine. 1929. – July.


9. www.wikipedia.org

10. www.lib.ru

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раҳнамолиги, тарих фанлари доктори О.Бўриев, А.Шариповларнинг ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Заҳириддин Бобур давлати” харитаси бевосита “Бобурнома” ва Темурийлар даврининг бошқа бирламчи тарихий манбалари маълумотларига таяниб тузилган. Мазкур тарихи харита илк маротаба илмий жамоатчиликка тақдим этилган бўлиб, олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим дастурларида Бобур даврини ўрганувчи тадқиқотчи-



Сафсаргул бандига сингиб кетди тун



Башорат ОТАЖОНОВА,
шоира.

***

Кўчалар гул иси билан тўлгандир,
Кўчалар қутулган изтироблардан.
Кўчаларда...
шовқин ўлгандир,
Ранглар улғаяди сокин боғларда.
Ҳадик йўқ.
Нигоҳлар этмайди таъқиб.
Одамлар оёги тинган йўлакда
Гоҳ ботартиб, гоҳо бетартиб,
Ёмғир ўйнар шаффоф кўйлакда.
Шамол - ўсмир, шамол - бетизгин,
Истаса соатлаб, кунлаб, ҳафталаб,
Йўлларда чўзилиб ётиши мумкин,
Ҳалақит бермайди энди автолар.
Гул ўсар, нур ўсар истаганича:
Ҳавода кезади турфа товушлар.
Эшитиб ўтирар мунаввар кеча
Сувларнинг умбалоқ ошишин.
Недир бўлмагандай,
Недир бўлгандай:
Бизлар яшаяпмиз беркиниб...
Кўчалар гул иси билан тўлгандир,
Унутган одамлар мавжудлигини.

***

Қачондир зулматдан совийди кўнглим,
Қачондир,
ўзимни айлайман озод.
Қачондир дунёга сиғмайди йўлим,
Мен улканлашаман!
(менга сингиб кетади фазо)
Супуриб оламан ердан соямни,
Шаклимдан ясайман исталганча «мен».
Истасам бахтиёр, истасам ғамгин,
Шакл ўзимники, соя ҳам.
Куйлардан сирғалиб чиқади сўзлар,
Сўзлардан сирғалиб чиқади товуш.
Ва мен фош бўламан миллион юзда
(Қандай яхши ёлғонсиз яшаш)
Осмонни ўзимга айлайман кўзгу,

Қуёшни тиллақош, ойни эса узук.
Қачондир дунёдан кетаман ўзиб,
Мавжудлигим эса...
уз-у-н...

***

Сени ҳеч ким
танимайдиган манзилда,
Сен билан ҳеч кимнинг
иши бўлмайдиган,
тергамайдиган,
кутмайдиган,
эркалатмайдиган
ва ниҳоят
борлигингга рози
нотаниш ерда
сезгиларинг уйғониб кетади
ва ишона бошлайсан
апрель деган фасл борлигига,
настаринлар бўйи,
ранги табиийлигига,
яна ўзингнинг мавжудлигингга.
Кўзларинг очиқми ёки юмуқ -
фарқига бормайсан,
чунки тўрт томонинг,
яна осмону ер
сендан иборат
фақат борлигингдан сармаст бўласан:
сени тарк айлайди
ҳушинг,
тушларинг...
яшайсан нафасинг бўғзингни қирмай,
ўзингни ушламай.
Йиқилишдан қўрқмайсан -
йиқилсанг қуламайсан ахир ҳеч қаерга.
Жуда бўлмаса, чўкиб кетасан ичингга:
сўзма-сўз,
ҳарфма-ҳарф,
нуқтама-нуқта.
сўзларни
ҳарфларни
нуқталарни еб
борлигингга иймон келтиради
томирингда болалаган изтироб.

* * *

Юмалаб-юмалаб хиралашди моҳ.
Сафсаргул бандига сингиб кетди тун.
Чумчуқлар кўзида уйғонди сабоҳ.

Кун йўлга отланди
Қуёш – тилла тугун.
(Мен Кунман)
Ҳавони тирнади турна овози.
Дарахтлар анҳорга ташлади қармоқ.
Аёл юрагининг чигилин ёзиб,
Тушларини сувга қилди оқизоқ.
(Туш – бу мен!)
Тераклар чайқалди, тасаввур тўзди,
Елкамда елкандай ўсди бол-у пар.
Қаршимда уч йўл бор,
бири биридан озғин:
Борса хатар.
(Мен қушга дўндим)
.....
Тугун ғойиб бўлди,
Туш эса ижобат.
Енгдим эртакларнинг сеҳрли кучин.
Мен кўкка ошиқман,
Мен кўкка ошиқдим,
Жоним, қовурғангнинг остига учдим.
(Ахир сен Эрксан!)
***
Бу уйда юзлаб «мен» яшайди,
Бири қозон ковлар, бири кир чаяр.
Бири кўнглин олар эримнинг,
Бири менга қараб илжаяр.
Бири шарф тўқийди,
Бошқаси эртак,
бири шеър, бири ёлғон...
Бири даричадан боқар дунёга,
Бири сўқир.
Мен – қийқим-қийқим.
Бири ухлар, бири уйғонар,
Бири мижжа қоқмас – мени ўйлайди.
Бири шовқин солар,
Одам, ахир,
бири жим – ўзига банди.
Чархпалакни айлантирар бири саҳардан:
Битта мен кетади эрим ортидан,
Яна бири мактаб,
бири боғчага.
Битта мен ўзидан ортиб, аста чўкар кўзгу рўпарасида.
Сўнг
жамлайман барча менни ўзимда,
Шарти шу ҳаётнинг: гоҳ бутунман, гоҳ тўзғин.
Лаббўёққа қўл
чўзаман ҳафсала билан,
Мен йўқ (!)
фош қилиб қўяди
кўзгу.

***

Саҳарда автолар шовқини ҳали ухлаб ётар.
Соялар ҳам.
Юзига шакл тушмаган
кўчаларни кесиб ўтаман.
Йўлчироққа бўйсунмай қушлар учар.
Уларнинг йўлидан ўсиб чиқмас қизил, сариқ, яшил.
Чегара қўймас уларнинг йўлига биров.
Чегара қўймас уларнинг кўнглига биров.
Қушлар – мусулмон.
Канда қилмайдилар бомдод намозин.
Онам таъкидлайди неча бор:
Саҳар туриб бомдодни ўқи, кун чиққунча битар бир дунё ишинг.
Ундан кейин ухласанг бўлар...
Онамга мен эмас, қушлар ўхшайди.
Қулоқчинда ичимни тўлдириб янграётган сантур оҳангига мос қадам ташлайман.
Нега мусиқани шайтоний дерлар?
Мен оҳанг ичида яққолроқ кўраман Худони.
Оҳанг секинлашса,
руҳим сув каби шимилиб кетар туфроққа,
Оҳанг авжида,
руҳим учар танамни ташлаб –
кимнидир излайман нурга айланиб
(кимлигин ўйласам, мижжаларим қақшайдир бахтдан!)
Субҳ ҳиди анқийди шаҳарда.
Анҳорнинг бўйида қўр тўкиб ўтирар мўйсафид чинорлар.
Анҳор тиним билмас.
Отамга ўхшайди.
Оқаверади-оқаверади.
Фарқига бормайди эрта ва кечнинг.
Бўёқлари аниқ ўриндиққа,
Заиф панжараларга
табассум улашаман,
уялмай тақдим этаман кўз ёш.
Нега куляпман?
Нега йиғлаяпман?
Иши бўлмас бирор кимсанинг.
Қувват бериб, қувват оламан -
Севгига лим тўлар нафасим.
Аста-секин шовқинлар уйғонар.
Соялар,
Шакллар ҳам.
Ҳали гавжум муҳташамлашмай,
ҳали тиниқлашмай соялар -
ҳеч қандай ҳодиса юз бермагандай
қайтаман уйга.
Кетганимни сезмайди ҳеч ким,
қайтганимни ҳам.

Ойдин кечаларда...

Абдулҳамид Чўлпон

Зайнаб кампир бир нарсадан чўчуб уйғонди. Оппоқ ойдин, ой кампир ётқан сўричанинг қоқ ўртасидан унда-мунда, битта-яримта учраган оқ булутларни ёруб шошуб ўтуб борар эди.

Кампир у ёқ-бу ёғиға яхшилаб қараб ойдинда ҳеч бир қора-мора учратмагандан кейин яна болишға бошини қўйди.

Уйқуси ўчуб кетганликдан энди кўзига уйқу келмай ўз ёшиға, ўз даврига муносиб бўлған хаёллар ичига кўмулди. Ул пилта сават, кўрпа қавуқ ипдан тортуб бу йил пилладан чиқатурған ипаккача – «дунёнинг барча ғамини» ўйлаб олди.

Энди бир оз уйқуси ҳам кела бошлаб, кўзлари секин-секин сузула, қўллар бўшашуб-бўшашуб чўзула кетдилар. Туни бўйи чопишуб, ҳурушиб, югуришуб чиқған итлар товуши секин-секин йўқола бошлади. Эшончанинг ҳовуз бўйидағи толларидан туруб ҳасрат ва қайғуларини ҳар кеча ўқийтурған булбул бу кун жуда эрта тўхтади.

Гўристон ва мозорлардағина бўлатурған чуқур бир жимжитлик...

Кампир юмулуб борған кўзларини бирдан очди: яқин бир ердан ҳасратлик, кўнгул бузатурған бир йиғи товуши эшитилар эди.

Бу ким? Кечалари ухламасдан йиғлаб чиқғучи ким? Ҳамма тинч ва роҳат уйқуға толған бир замонда қалбини яралаб йиғлағучи қандай бахтсиздир?

Кампир йиғлағучининг ким эканин билолмас эди.

Қўшнилардан қайси бирисининг келини ва ё қизи экан?

Хадича отиннинг келини деса, бугун унинг ўртоқлари келуб икки хуфтонгача ўюн-кулги қилишдилар. Саломатхоннинг қизи деса, қишлоқға чиқуб кетган эди, ҳали келгунча йўқ. Ўз келинининг бўлса йиғлайтурған жойи йўқ...

Ким экан бу?

Ё ҳавли томонға парилар келишдимикин? Парилар ўз қизларининг сочларини боғ-роғларда ойдин кечаларда тарар эмишлар ва қизлари: «Кўб силлиқ қилсангиз, куёв олиб кетиб қоладир», – деб йиғлар эмишлар.

Йўқ... Ажина қизи, пари қизи мундоғ йиғламас эмиш. Йиғласа, жуда ғалати бўлур эмиш...

Яна диққат биланрак қулоқ солди. Товуши таниш бир хотуннинг товуши каби эди...

Қўшнининг келинидир деб ўйлади.

Оҳ, бечора, қандоғ ғамлари бордир?

Мана, кампирнинг ўз келини: уй-жойи, кийим-кечаги – ҳамма нарсалари тайёр... Новдадек куёв ёнида... Яна ҳеч уй-рўзғор ишини қилмайди. Мундоғ ёмон қиз бўладими?

Олмай Қодиржон ўлсун.

Бермай отаси.

Ўсдирмай онаси!..

Шунинг учун бу кун хўб адабини берди, хўб йиғлатди...

Йиғи тўхталмағандан сўнг секингина ўрнидан турди: чувалашиб кетиб кўрпалар орасида кўмулуб ётқан локиини олиб тўғриғина бошиға солди-да, сўридан тушди... Йиғи келган томонға бир оз қулоқ бергандан сўнг шарпасизгина, ялангғоёқ юрди. Сўрининг чаб биқинидағи кичкина даричанинг тешигидан қарағаи эди, келинининг уйида чироғ ўчмаган...

Ҳайрон бўлди:

– Вой, бу нимаси? Келинчак шу чоқғача ётмаған эканми?

Йиғи бир оз яна қизғончланиб, бир оз яна ўксикланиб давом этар, хотуннинг товуши кесилиб-кесилиб, ҳиққи тутқан каби чиқар эди. Яна диққат биланрак тинглади: бу йиғи келинчакнинг уйидан эшитилган каби бўлар эди...

Юраги ўйнади.

Дарров дарчани очиб у ҳавлига кирди, оёғининг учи билан босиб келиб секингина келинининг уйига яқинлашди.

Йиғи уйдан эшитилар эди.

Яна қулоқ берди.

Товуш келинининг товуши эди.

Шундан кейин кампир ҳеч ўйлаб турмасдан тўғри эшикни итарди: эшик очуқ эди, кирди.

Ичкаридан:

– Вой! Ким? Ким у? – деб бир ҳориғаи товуш чиқди-да, тинди...

Ярим овруповори йиғиштирилғаи бир уйда икки кишилик катта сим каравотка яхши, қалин жой солинғаи. Пастгина бир жавон устида 20 нчи чироғ ёниб турар эди.

Қизил шоҳи кўйлак кийган, қоп-қора сочлари ерларда судралган ёш келин каравот ёнида йиғлаб-йиғлаб қабарғаи кўзларини енги билан артиб турар эди.

– Келин, ким у йиғлаған?

– ...

– Келин, сиз йиғладингизми?

– ...

– Нимага индамайсиз? Қодиржон қани?

Келин жавоб бермасдан, индамай ўрнидан турди.

– Айланай, келин, нимага йиғладингиз? Айтинг, жон болам!

Келин тўлған, тошқан ҳолда, кучлик ва қўрқинч бир товуш билан: «Онажон!» – деб бақирди ва қайин онаси – кампирнинг қучоғиға отилди.

Кампирнинг қучоғиға бошини тиқиб олиб яна хўрсиниб, яна тўлуб-тошиб хийла йиғлади.

– Онажон, мен кечалари уй пойлаш учун келин бўлуб келдимми?

– Йўқ, айланай, болам, Қодиржон қани?

– Қодиржонни сўраманг, онажон. Мана, келин бўлуб келганимга бир ярим ойдан ошқан бўлса, шу бир ярим ойнинг ичида икки кечагина бирга бўлдик... Бошқа кунларда ҳар кеча кута-кута тонг отдириб юбораман. Шунча кун чидаб келиб-келиб мана бу кун ўз қадримга ўзим йиғлаб юбордим. Қандоқ қилай? Мен одам эмасми?..

Кампирнинг қариған, қуруған кўзларига йироқ-йироқ ерлардан икки томчи ёш келди. Бутун танини, бутун аъзоларини босиб, эзиб, сидириб келган у икки томчи ёшни енги билан арткандан кейин:

– Отаси ҳам шундоқ, қизим... – деди.

Шу сўздан сўнг иккаласи ҳам узоқ вақт жимжит бўлуб қолдилар.

Кампирнинг кўз ёши каби заҳарлик юзлари узулуб ташланған гулдек сўлған, тошдек қаттиғ бағри ортиқ даражада юмшаған, кўнглида кучли марҳамат ҳисси уйғонған эди.

Келиннинг қизарған, чарчаған, оғир қайғиға тилмоч бўлуб турған кўзларига тикилиб қараб турғандан сўнг оналар муҳаббати билан кўзидан ўпди:

– Энди сен меним ўз қизим бўлдинг, энди сенга сира озор бермайман. Энди сен ҳам кундузги ишларни эсингдан чиқариб юбор! – деди.

Келин кўзларида бир ойдинлиқ, бир севинч кўланкалари ўйнағани ҳолда бошини кўтарди, икки қўлини кампирнинг елкасига ташлаб туруб:

– Онажон, мен унга хафа бўлмайман. Меним ёш умрим, гулдек ёшлиғим кечалари сарғайиб ўтмаса эди!.. – деди.

Худди шул чоқда очиқ турған эшикдан ўлгудек маст, тентиракланиб Қодиржон келиб кирди. Уни кўришлари билан икки аламзада бирдан:

– Ана, келди! – деб юбордилар.

Уларнинг бу жонли қарши олишлариға жавоб ўрнида Қодиржон:

– Где, где моя Анна, где моя Аннушка? (Қани Анна, қани меним Аннахоним, а?) – деди ва «гуп» этиб обрезга йиқилди...

1922



Заҳириддин Муҳаммад Бобур – ибратли шахс

Сардорбек СИРОЖИДДИН ЎҒЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими масъул ходими

Юрт номини улуғлаган алломалар ҳақида гап борганда, ўзининг иқтидори, ақл-заковати, мураккаб тақдири ҳамда очиқ руҳий олами билан шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур киши эътиборини ўзига кўпроқ тортади.

Адабиётимизнинг Навоий бобомиздан кейинги эътиборли вакили, темурий шаҳзодаларнинг энг салоҳиятли намоёндаларидан бири, улуғ шоир ва давлат арбоби, йирик саркарда ва беназир тарихнавис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди даврлар ўтса ҳамки неча авлодни қизиқтириб келмоқда. Ниҳоятда қисқа, зим-зиё оламни ёритган чақиндай тез сўнган, лекин, мана олти асрким тўхтамай ўрганилишда давом этаётган ҳаёт ва ижод йўли нақадар нурафшондир.

Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, Бобур ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси, маънавияти узоқ ўтмишдан дунёга маълум ва машҳур бўлиб келгани кўзга яққол ташланади.

Буюк шахс ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш ёшлар қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда, уларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда ва аждодларга муносиб авлод бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар камолотида халқимизнинг ўлмас маънавий мероси, бетакрор маданияти ва санъати муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва умрбоқий асарларининг таъсири беқиёсдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илм-маърифат ҳақидаги ғоялари, ахлоқ-одоб, яхшилик, вафо, ҳалқини севиши унга яхшилик қиладиган қилиб тарбиялаш, меҳнат аҳлини қадрлаш, инсонпарварлик, Ватандан жудолик ғам-алам эканлиги, адолат ҳақидаги қарашлари, аҳлоқий таълимий фикрлари ҳозирги давр ёшлари тарбиясида ҳам ғоят аҳамиятлидир.



Умуман олганда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий меросини ўрганиш ёшларда меҳнатсеварлик, олийжаноблик, фан, маданият, санъатга, маърифатга меҳр ўйғотиш ҳиссини шакллантиради.

Бобурнинг шеърлари оригинал ижод самараси сифатида кўп авлодларга манзур бўлиб келган, ота-боболаримиз серқирра фаолиятидаги ижобий жиҳатлари учун Бобурни эъзозлаганлар. Биз ҳам унинг маънавий меросини, хусусан, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга молик бўлган ахлоқий – маърифий, педагогик қарашларини қадрлаймиз

Мирзо Бобурнинг маънавий-маърифий қарашларида Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси салмоқли ўринда туради. Бобур Афғонистон ва Ҳиндистонда давлатни бошқариб турган вақтда ҳам, умрининг охирига қадар киндик қони тўкилган юрти Андижонни унутмади. У ўз она диёрини ҳаддан зиёд севди, Ватанидан жудолигидан ғам-алам чекди.

Толеъ йўқ жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз элни қўйиб ҳинд сори юзландим
Ё раб нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бобурнинг таълим назариясидаги яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, ўзи билган билимларни келажак авлодга илинишидир. Авлодим билсин, деб элига ўргатгиси келади. Бу ҳол уни башариятга буюк маънавий бойликлар қолдиришига муваффақ қилди. Ундан мерос бўлиб колган асарлар; «Мухтасар», «Мубаййин», «Волидия», «Бобурнома» ва бошқа асарлари жаҳон фанида, айниқса, халқ тарбия қонунларида алоҳида ўрин тутади. «Бобурнома»да эса шу даражада кўп ва турли-туман маълумотлар борки, улардан ҳозирги даврдаги мавжуд фанларнинг деярли барча соҳаларига тегишли маълумотларни олиш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, «Бобурнома» болалар ва ёшлар китобхонлигида катта аҳамиятга моликдир.

«Бобурнома» асари билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган. Кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олган. "Бобурнома" Бобурнинг бутун умри давомидаги эсдаликларидир. У ушбу китобида 12 ёшидан ҳаётининг сўнгигача бўлган воқеаларни қайд қилиб борган.

Бобур илмли бўлишни истаганларни илмни зўр ҳавас, иштиёқ билан эгаллашга даъват этди. У ўз даврида илм-маърифатни давлат сиёсати даражасига олиб чиққан, илм-маърифат соҳасига алоҳида эътибор қаратади ва қуйидаги мисраларида шундай ёзади:

Ким ёр анга илм, толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак!
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, – илм керак.

Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намоёндаси, қомусий аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг маълум ва машхур асарлари билан халқимизнинг буюк тарихида муносиб ўрин эгаллади. Хулоса ўрнида айтганда, Бобур ҳаёти, айниқса, унинг ижоди, адабиёт, тилшунослик, тарих, география, маданият ва санъат соҳаларига оид ноёб асарлари бизга тарихимиз хақида қимматли маълумотларни бериш билан бирга ёшларни ватанпарварлик ва миллийлик руҳида тарбиялаш, боқий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ўргатади.

Куёвтош ва келинтош афсонаси

С. БОБОМУРОДОВА,
Жиззах шаҳри,
Олмазор
маҳалласидан.



Мен “Бобур ва дунё” журналини кузатиб бораман. Унда илмий тадқиқотлар, долзарб мавзулардаги мақолалар билан бир қаторда тарихий ривоятларимиз ҳақидаги ижод намуналари ҳам бериб борилар экан. Шуларни ўқиб, менинг ҳам ёдимга бир ривоят тушди. Буни менга сангзорлик Холбой тоға сўзлаб берганди:

– Бу юрт ўзи аввал-азалдан жоппа-жовлик шоир ўтганми, дейман-да. У пайтлар ёш эдик, юк мошин ҳайдардим. Ўша куни Ғўралассойдан арча қирқиб, ортиб келишга борувдик. Тоғ бағридаги адирлик туташиб кетадиган жойдан бир йигит чиқди. Куёвлик сарупосида. Бошига гирдо-гирдлари қизил ҳошияли салла ўраган, кулимсираб турибди. “Ие, ие”, – деб киприк қоққанимни биламан, яна қарасам, икки, икки ярим метр баландликдаги йигит - тош турибди!. Ўзи бояги куёвйигит. Ҳаттоки, салласининг ҳошиялари ҳам қизил, қип-қизил, лекин тош....

“Э, Худойимнинг қудратидан” деб, пастга, арчазорга тушдик. Бир маҳал қарасам, тепароқдан бир қиз келяпти. Баланд бўйли, ҳаддан чиройли қиз. Бошига қозон кўтариб олибди. Арчалар орасида бир кўриниб, бир кўринмай қолади. Унда ёш, навқирон йигитлар эдик. “Бу ўртада бундай чиройли қиз йўғийди-ку”, – дедим шеригимга. Мошиндан тушиб борсак, чинданам ўша қиз. Бошига қозонини мана шундай қилиб ушлаб олган. Лекин...уям тош! Онгтонг қолганимни кўриб, шеригим тушунтирди:

– Ҳар иккаласи, куёвтош ҳам келинтош ҳам биринчи бор кўринган инсонга тирик инсонлар қиёфасида намоён бўларкан. Аммо, бу ҳолат жуда оний, лаҳза-лаҳзалардагина содир бўлиб, бир киприк қоқишингиз ҳамоно, тағин тош қиёфасига ўтаркан.

Шундай афсона бор: қадим даврларда Зомин бир пошшолик,

Нўшкент бир пошшолик бўлган экан. Ўртада Моргузар-Шунқортоғ. Лекин элатлар бир-бирини еб-ютишга тайёр ёв-ғанимлар экан. Ҳар-ҳар замонда бир баҳона топиб, урушиб ҳам тураркан.

Кунларнинг бирида Зомин пошшоликдан бир йигит Нўшкент пошшоликдаги бир қизни севиб қолибди. Қиз Шунқортоғнинг энг чўққиларидагина ўсадиган энг бегард, беғубор гул-гиёҳ – тозагулдай кўркам экан. Отиям Тозагул экан.

Лекин йигит томондагилар ҳам, қиз томондагилар ҳам бу муҳаббатдан қаттиқ норози бўлишибди.

– Агар шу қизни десанг, Шунқортоғдан қайтиб оша кўрма, – дея шарт қўйибди элатдошлари ошиққа.

Йигит ҳам рози бўлиб, қизил ҳошияли куёвсалласини ўраб, тоққа чиқиб кетибди.

Қиз тарафдагиларга ҳам Тозагулдай сулув қизлари бегонага, яна бунинг устига ёв йигитига тушмушга чиқмоқчилиги жуда алам қилибди. Чўққи оралиғидаги ошувда қиличларини яланғочлаб кутиб туришибди. Ошиқ йигит ошувдан кўриниши билан чопиб ташламоқчи бўлишибди.

Ниҳоят, йигит кўринибди! Худди шу пайт арчалар оралаб, дил рози аломатига бир қозон қимизни бошига кўтариб тозагул – Тозагул ҳам кела бошлабди. Ошиқнинг кўзларига машуқасининг кўзларига тушибди! Табассум билан ошувдан энди пастга энмоқчи бўлганда, пойлаб турган рақиблари унга қараб югуришибди.

Бироқ шу лахза осмонда момоқалдироқ қаттиқ гулдираб, дўл аралаш шаррос жала қуйибди. Бир зум ўтиб, жала қандай тез бошланган бўлса, шундай тез тинибди. Рақиблар тепаликда ошиқ йигитга ҳужумга ўтишибди. Лекин шиддат билан урилган қиличларнинг дами ёйдай қайрилиб, синиб кетаверибди. Ҳайрон бўлишиб, ихтиёрсиз суръатда осмонга қарашибди. Во ажабки, офтоб жилмайиб турар, Шунқортоғ бошида ранго-ранг Ҳасан-Ҳусан – камалак порлабди! Камалакнинг бир учи куёвтош бошида тураркан, бир учи арчазорда Келинтошнинг бошида тураркан.

Одамлар ҳали ўзларини ўнглай олмасдан туриб, тоғдан икки кийикча тушиб келибди. Куёвтош ва келинтош атрофида айланиб-айланиб, Сутлибулоқдан сут-сув ичиб, шўх-шўх ўйноқлаганича яна тоғларга чиқиб кетибди!

Шунда икки элнинг оқил одамлари бу кийикчалар аслида Тошқиз ва Тошйигитнинг руҳи эканини англабди. Уларнинг муҳаббати анчайин ҳавасмас, илохий бир дард бўлганини тушунибди.

Ошиқлик – ёмон дард, – дейишибди "Ҳақ Дўст! Ё Оллоҳ!" дея, қирқ ямоқ чопони барини қайириб Сутлибулоқ бўйига ўтираётган қаландарлар. – Бу дарднинг йўли юрагингдан ўтади. Куйдириб, куйдиргани баробар, куй чиқариб, куйлатиб ўтади...

Алҳол, икки элат ярашибди. Воқеан, энди урушмасликка, аҳил-тотувликка аҳд қилишибди. "Баримиз битта тоғнинг – Моргузарнинг кийиклари эканмиз-ку?!" – дея бир-бирлари билан оға-ини, биродарлар бўлишибди.

Озод СУЛТОНОВ,
санъатшунос.

Хоразм Ўрта Осиёнинг энг қадимий кулолчилик марказларидан бири ҳисобланади. Археологик қазилмалар натижасида топилган кулолчилик буюмлари воҳада бу санъат тарихи қадим замонларга бориб тақалишидан далолат беради. Кулолчиликнинг асосий хом ашёси тупроқ ҳисобланиб, ундан турли идишлар, буюмлар тайёрланган. Ҳунарманд усталар бу идиш ва буюмларни тайёрлаш асносида уларни юксак дид билан безатганлар.

БОДИЯЛАРГА МУҲРЛАНГАН САНЪАТ



Воҳа кулолчилиги ўрта асрлардан бошлаб иморатсозликнинг ажралмас қисми бўлиши баробарида безак сифатида ҳам ривожланди. Буни XIV-аср Кўхна Урганч, XIX-XX аср Хива меъморчилик обидалари ёдгорликларида учратиш мумкин. Ушбу меъморий ёдгорликлар пештоқларидаги кўзни қамаштирувчи зангори нақшли кошинлар узоқ асрлардан бери ўз хусусиятини йўқотмай ярқираб туриши билан инсонни ҳайратда қолдиради.

Воҳада қадимдан бир қанча кулолчилик марказлари мавжуд бўлган. XIX асрга келиб Урганч, Хива, Каттабоғ, Хонқа ва Қўшкўпирда кулолчилик марказлари тараққий қилган. XX асрлар бошларида воҳада асосан. 3 та кулолчилик мактаблари фаолият олиб борган. Булар: Хонқа туманидаги “Мадир” кулолчилик маркази, Янгиариқ туманидаги “Каттабоғ” маркази ва Кўҳна Урганч кулолчилик марказлари бўлиб, қадимий зангори Хоразм кулолчилик анъаналарини қадрлаб, қадимий услубларни сақлаган ҳолда кулолчилик буюмларини яратганлар. Бу учала мактаб усталари ишлаб чиқарган буюмлар, ўзининг шакли, колорити ва безаклари билан бошқа мактабларнинг сопол буюмларидан ажралиб туради. Айниқса, бу фарқни буюмларнинг

шаклида, нақшларнинг тузилишида яққол кўриш мумкин. Самарқанд, Риштонда ясси лаганлар машҳур бўлса, Хоразмда чуқур товоқ (бодия) қадимдан сақланиб келаётган миллий шаклдир. Бодиянинг таг қисми баланд бўлиб, ён девори тик (вертикал) кўтарилган. Бодияларнинг ўлчами ҳархил бўлади: кошин бодияларнинг диаметри 40-50 см., бодия чаноқларнинг диаметри 30-40 см., тўй товоқнинг диаметри 25-30 см. бўлган.





Кўҳна Урганч (Туркманистон) кулолчилик мактабининг машҳур вакили Эшмурод Сапаев (1927-1992) тик идишлар ясашда энг маҳоратли, тажрибали кулол ҳисобланарди. Э. Сапаев таёрлаган кулолчилик маҳсулотларида қадимий Хоразм мумтоз кулолчилигига хос маҳобатлилик мавжуд эди. Унинг ҳар бир ишлаб чиқарган зангори кулолчилик буюмларини юксак савиядаги бадиий асар деса бўларди. Сопол буюмларга чизилган нақшлар Мадир, Каттабоғ мактаблари нақшларидан бутунлай фарқ қилади. Уста ўз буюмларини асосан, хандисавий (геометрик) ҳамда ҳар хил безакли нақшлар билан безаган. Айниқса, "қўчқор шохи" нақшларини бойитиб ўзига хос қилиб чизган. Устанинг ясаган бодияларидан бирини таҳлил қиламиз: бодиянинг ўртасига тўрт баргли разетка нақши туширилган, атрофи "қўчқор шохи" деб аталган безаклар билан гир айлантириб безатилган. Бодиянинг марказдаги безак Х-симон чизилган бўлиб, бир қарашда худди ўсимликсимон нақшга ўхшаб кетади. Э.Сапаев бир чизган нақшни иккинчи марта такрорламайди: ҳар сафар ушбу безак ҳар хил кўринишда талқин этилади. Бу эса устанинг истеъдодидан дарак беради. Демак, Э.Сапаев ижодида ўзига хосликка интилиши, маълум турғун унсурлар ўз ҳолича талқин этишда намоён бўлади.

Республика “Усто” бирлашмаси 1988 йил Шовот тумани, Ижтимоят қишлоғида кулолчилик устахонаси ва хумбуз (кулолчилик маҳсулотларини пиширадиган печ) қуриб ишга туширилган эди. Наққош, меъмор Даврон Матюсупов, кулол Рашид Султонов уста Э. Сапаевга шогир тушиб бирга ишлай бошлаган эдилар. (Ш.Шоёқубов сценарияси асосида олинган “Райим бобо” қисқа метражли фильми шу устахонада суратга олинган) Э.Сапаев касаллиги учун суратга тушишга кела олмаганди. Энди биз устахонани шу ҳолича сақлаб “Э.Сапаев уй музейи” ташкил қилиб, туристик маршрутга қўшиш ниятимиз бор. Агар газ тармоғига уланса ҳозирги кунда ҳам устанинг шогирдлари ишлашга, унинг ишларини давом эттиришга тайёр.

Каттабоғ кулолчилик маркази Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Каттабоғ қишлоғида жойлашган. Қишлоқнинг кўҳна қалъа массиви ҳудудида “Олма отишган” тепалигида 1939-1941 йилларда археологик қазишмалар олиб борилган. Академик Яҳё Ғуломов томонидан бу ерда истеҳком-қалъа ва кулолчилик излари аниқланган. Бу қишлоқ қадимдан кулолчилик маскани сифатида довруқ қозонган. XX асрнинг бошларида қишлоқда 15та кулолчилик устахонаси бўлиб, бу ерда 100 дан ортиқ кулол ишлаган. Хива хонлари саройлари, мадрасалари, миноралари учун “чўғон” ўтидан тайёрланган сир билан сирланган нақшин кошинлар ва зангори нақшли идиш тавоқлар, ҳар хил сопол буюмларини ишлаб чиқарганлар. Бу қишлоқда Юсуф кулол, Аллоқ қора кулол, Полвон кулол, Авазмат кулол, Матёқуб кулол, Қуронбой Дўстчонов, Раимбой Дўстчонов, Отажон Матёқубов каби ўнлаб тажрибали кулоллар самарали ижод қилганлар. Уларнинг анъанавий зангори кулолчилик услубида яратилган хум, кўза, дигир, бодия, чаноқ, куви, бўртма безакли кошинлари дунёга машҳур бўлган. Каттабоғ бодияларида юксак маҳорат билан ишланган пичоқ, милтиқ, дутор каби жисмлар тасвирлари услублаштирилган ҳолда нақшсимон қилиб ишланган. Феруза рангли, “қора ўроқ” ўсимликдан тайёрлан-







ган ишқор сири билан сирланган, баланд тагли ва тикка лаб қисмдан иборат ноёб катта бодия фақат Каттабоғда кулол Қуронбой Дўстчонов томонидан ишлаб чиқилган. Бундай катта бодия ўтган асрнинг 50-йилларида жуда машҳур бўлган. Лекин, 1971 йил Қ.Дўстчонов вафотидан кейин, уста ишлаган машҳур "катта бодия" ишлаб чиқариш бутунлай тўхтаган. Унинг ишларини давом эттирмаганлар. Ҳаттоки, устанинг укаси Райимбой Дўстчонов ҳам давом эттира олмаган. У тандир ясаш билан шуғулланган. Р.Дўстчонов билан 1978 йил август ойида учрашганимизда у менга акаси Қуронбой Дўстчонов ясаган учта катта бодияни совға қилди. Бодияларни берар экан, Каттабоғ бодияларини шундай ишлаш керак ва бу анъанани давом эттириш лозим, деганди. Биз бу бодиялардаги нақшларни ишлаш услубларини ўрганиб, С.Отажонов кулолчилик буюмларида фойдаландик. Ҳозирги кунда бу катта бодиялардан бирининг диаметри 40 см., баландлиги 14 см. бўлиб, пичоқ, милтиқ, дутор тасвирланган нақшсимон услублаштирилган ва чўғон ишқори билан сирланган, яна бир катта бодиянинг диаметри 39 см., баландлиги 14 см. чизма услубда ўсимликсимон нақшлар ўйиб ишланган, "қора ўроқ" сири билан сирланган. Учинчи катта бодиянинг диаметри 39 см., баландлиги 13 см. бўлиб, сурма ранг билан пичоқ нақши ишланган "қора ўроқ" сири билан сирланган. Бу катта бодиялар уй музейимизда энг ноёб экспонатлар сифатида томошабинларга намойиш қилинмоқда.

XX-асрнинг бошларида Россияда фабрикада ясалган чинни, металл буюмларининг Ўрта Осиё, жумладан Хоразм вилоятига кўплаб келтирилиши натижасида маҳаллий кулолчилик буюмлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада пасайиб кетган.

Дарвоқе, кулолчилик буюмларининг сони камайиб кетган бўлса ҳам, уларнинг қадимий шаклларини ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолишда саноқли кулоллар ўз садоқатини кўрсатишганлар. Улар уй шароитида маҳаллий эҳтиёжларга қараб сопол буюмлар ишлаганлар. Натижада қийин шароитларда бадиий, анъанавий кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш бутунлай тўхтаб қолди ва қадимий услублар "чўғон", "қора ўроқ" ўсимликларидан ишқор сирини тайёрлаш услублари бутунлай унутилиб, табиий сир тайёрлашни биладиган тажрибали кулоллар бошқа касбларга ўтиб кетишга мажбур бўлганлар. Кундалик турмуш эҳтиёжлари учун тайёрланган кулолчилик буюмлари Россиядан келтирилган қўрғошин сири билан сирланиб тўй бодия, чаноқлар хумбузда 7 соатда пиширилиб сотила бошланди.

Шўролар даврида халқ амалий санъатининг барча турлари билан шуғулланишга эътибор камайди. Заргарлик, кандакорлик, матога гул босиш, миллий меъморчилигимизнинг ажралмас қисми бўлмиш кошинкорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, тоштарошлик шу давр меъморчилигида "ортиқча" ҳисобланди. Усталаримиз буюртмасиз, ишсиз қолдилар ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ амалий санъати инқирозга учради. Ҳатто, қадимда қурилган меъморчилик ёдгорликлари омборхоналарга айлантирилди.

Минг шукрлар бўлсинки, раҳматлик Шароф Рашидов ташаббуси билан 1978 йил июнь ойида "Республикада халқ бадиий амалий санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Қарорда халқ усталарининг ижодкорлигини юксалтириш ва уларни рўёбга чиқариш, усталарнинг бадиий фонд қошида Республика халқ амалий санъати "Усто" бирлашмаси тузилди. Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва Хоразм бўлимлари иш фаолиятини бошлади.

Мен Хоразм бўлими бошлиғи бўлиб тайинланганимнинг дастлабки йилларида, Каттабоғ кулолчилик мактабини қайтадан тиклаш учун Янгиариқ тумани, Каттабоғ қишлоғига бордик. Қадимдан энг ҳурматга сазовор муқаддас жой кулолчилик устахонаси ҳисобланган. Бизни ўз даврининг машҳур тик кулолчилик идишлари ва катта бодиялар ясашга уста, кулол Отажон бобо Матёқубов кутиб олди. Устахона дид билан икки қават қилиб қурилган, кулолчилик анжомлари жой-жойида. Чарх, хумбуз ишга шай турибди. Лекин, ишлайдиган кулолнинг ўзи йўқ. Устанинг ўғли Султон Отажонов (1937-2008 йй.) эса ёғоч йўнувчи уста касбини эгаллаб Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрида ишлаб юрган экан. "Хумбузда ғишт пиширавериб, буюртмачи талаби билан ғиштларни иссиқ пайтида хумбуздан совимасдан олавериб, менинг кўзим кўрмасдан қолганди", – деганди ўшанда Отажон бобо йиғлаб. – Энди мана ҳамма кулолчилик асбоблари бекор турибди.

Хоразм кулолчилик санъатининг машҳур намоёндаларидан бири Райимберди Матчонов (1909-2000 йй.) ва Кўҳна Урганч кулолчилик мактабининг йирик вакилларидан бири машҳур тик буюмлар ясайдиган кулолчилик устаси ва қадимий чўғон ўсимлигидан тайёрланадиган ишқор сирини биладиган тажрибали уста Эшмурод Сапаевнинг саъй-ҳаракатлари билан йўқолиб бораётган Каттабоғ кулолчилик мактаби қайтадан тикланди. "Усто" бирлашмасининг 1978 йил ташкил қилинган Р.Матчонов усто-шогирд мактабида каттабоғлик Отажон кулолнинг ўғли 41 ёшли Султон Отажонов таълим олди. С.Отажонов устадан оқ фотиҳа олиб, Каттабоғ кулолчилигини қайтадан тиклашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Султон Отажоновнинг ота-боболари қадимдан кулолчилик билан шуғулланганлар. У шу анъаналарни давом эттирган олтинчи авлод уста ҳисобланади. С.Отажонов ўз шогирдлари Отажон бобонинг кичик ўғли Одилбек Раҳимов, Баҳодир Отажоновлар билан ясалган сопол идишлар шакли, услублари жиҳатидан Мадир мактабига ўхшаб кетса ҳам, лекин ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Улар Каттабоғ мактаби анъаналарига амал қиладилар. Буюмларнинг марказий қисмида асосан, қуйидаги йўсинда ўзгаришларини учратамиз: дутор, пичоқ, милтиқ ва айлана розетка нақш тасвирлари Каттабоғ бодияси нақшларига ўхшаб кетади.

1980 йилларнинг бошларида Султон Отажоновнинг саъй-ҳаракатлари "Усто" уюшмаси ижодий жамоасининг ёрдами билан Каттабоғ зангори кулолчилик анъаналарини қайтадан тиклашга эришилди. Султон Отажоновнинг меҳнати мустақиллигимиз туфайли юксак баҳоланиб, унга "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" унвони берилди.

Шуниси қувонарлики, кошинкорлик саъати қайтадан йўлга қўйилиб, ҳозирги замон меъморчилиги миллий бадиий безаги сифатида фойдаланиб янги иморатларида ишлатилмоқда. Урганч шаҳридаги Ал-Беруний ёдгорлиги пештоқи, Бухоро шаҳридаги Ҳазрати Нақшбандий зиёратгоҳи, Россиянинг Москва шаҳридаги "Ўзбекистон" ресторани, Тошкент вилоятидаги Ҳазрати Али масжиди, Урганч шаҳридаги темир йўл вокзали, Урганч шаҳрининг Ўзбекистон кўчасидаги янги иморатлар пештоқлари каби ўттиздан ортиқ бинолари миллий кошинкорлик санъати билан безатилди. Ҳозирги кунда Одилбек Раҳимов ва Баҳодир Отажоновлар раҳбарлигида бир гуруҳ каттабоғлик кулоллар кўплаб иморатларни кошинпазлик санъати билан безаш ишларини олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, "Ичан қалъа" даги тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Алҳол, улар шогирдларига кулолчилик сирларини ўргатиб келмоқдалар. Бугунги кунда кулол усталар, қадимий Каттабоғ кулолчилик анъаналарини давом эттириб, қадимий "чўғон" услубни қайтадан тиклаш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқдалар.

Бунчалар гўзалсан, гулбаҳор – Ҳаёт!

Саъдина БОБОМУРОДОВА

Ўлкамда Наврўз сайли. Гул сайли! Сумалак сайли!

Мана, кели-келисопда буғдой туяётган момолар қошига келдим. Келисопни олиб, эти бўлиқ буғдойларни туйдим.

Келисоп билан келида буғдой туяётиб тошга айланиб қолган момо суврати ривояти ёдимга тушди. Эмишки, кўп асрлар муқаддам, ҳутнинг сўнгги кунларида Сайхонсойга ёв бостириб кирибди. Қирғин-барот бўлибди. Эрта Наврўз деган куни Сайхон момо: "Эртанги тонг йилбоши Наврўз-ку. Деҳқоннинг гўжаси нима бўлади?" дея кели-келисопини олиб баланд қоятошга чиқиб, эл-юрт учун буғдой туя бошлабди.

Кампир босқинчиларни кўриб ҳам зарра ҳайиқмай, эл-юрт омонлиги, авлодлар ризқи-рўзи учун, наврўз - йил боши учун яхши-яхши ниятлар айтиб, талқонини туяверибди. Тоғу тошлар эса гумбурлаб акс-садо берибди: "Тўқ!! Тўқ!! Тўқ!!" Бу овоздан ёвнинг кўнглига ҳадик оралабди. "Ҳали ён атрофларда жангга тайёрланаётганлар кўп экан", дея қайтиб кетибди.

Ёвлар қайтиб кетибди, лекин Сайхон момо тошга айланиб қолган кўйи ҳамон буғдой туяркан. Ҳамон кечалари тоғлардан гумбурлаган акс-садо қайтади: Тўқ!! Тўқ!!

Азал-азалдан эзгу ниятлар, эзгу амаллар қилган, фақат эзгу каломларни деган нурпараст элим! Бугун момолар йил гўжасидан – дуосини олиб, ёшларинг, умидларинг ўссин улғаяверсин!

Қаранг, қулоқларига бойчечак қадаган холалар, момолар рақс тушаяпти. Бир нуроний бобо кўкси тўла орден-медаллар. Ўзи ҳасса таёқда зўрға, илинибгина турибди-ю, яна "Лазги"га ўйнаяпти. Куй тугагач, тупроққача букилиб, таъзим ҳам қилиб қўйди.

Қирғиз бахши бовам эса саксон ёшлардаги тожик момомга қараб, дўмбирасининг торларини, юрагининг тўр-тўрларини титратиб, бир сўз айтаяпти:

Қизил гулдай бўйларинг,
Қулли бўсин тўйларинг!..

Ёшликдай етилган дамларни ёдлатиб, унутилган онларни уйғотиб келдинг, Наврўз.

Қирғиз оғайнилар қимиз тутса, қозоқ бовурларимиз қимрон узатади.

Сахийсан, феъли кенг, бағри кенг, ҳурпараст элим!

Ҳаводан сумалак ҳиди анқийди. Чексиз фахр билан момолар қўлидан капгирни оламан. “Элга омонлик бер” дея, энг эзгу ниятларимни, тилакларимни қозонга соламан.

Бунчалар бахтлисиз, ҳарир либосларда “келин салом” солаётган ниҳолдай, ҳилолдай келинчаклар!

Желакбошлар. Тупакларига кўҳна Уструшона ферузаси, Работ тангалари қадалиб, кумуш жаранг бераётган қип-қизил желакбошлар. Ва уни ёпинаётган садоқатли, саодатли келинлар. Бу қайтмас, қайтарилмас лаҳзаларнинг қадрига етинг!

Сен қанчалар қадрлисан, қоронғи уйга кирса, ой юзлари нур таратиб уйни ёритиб юборадиган ойчеҳраларни ёт нигоҳлардан асрайдиган эй, катта момомнинг паранжиси!..

Қаранг, енгил насимларда зардоли гуллари оҳиста учиб келиб, сочларингизга қўнаяпти! Ҳаётнинг, Наврўзнинг ўзи ўз қўллари билан сочингизга гулбаргак тақдими, сиз энди, албатта, бахтли бўласиз, Қизларжон!

Ўтовлар. Қадимий оқ ўтовлар. Боболаримнинг сокингина, салқингина қўрғони. Ичкарига кириб, чанғароғини ёпиб қўйиб, увуқларини эшган момоларим билан уларнинг гулдаврлари, ойбахтлари, ой қўрғонлаган оқшомлари ҳақида суҳбатлар қурамиз. Ҳудди энамга ўхшаб кетадиган, овозлари ҳам энамнинг овозидай бир нурсиймо аёл оппоқ, майда-майда гулчалари бор рўмол беради:

– Қани, Сиз ҳам бир дуо қилингчи, қизим!...

Ўша лаҳза кўнглимдан ўтганларини кўнгилдагидай қилиб тасвирлаб, тасаввурлаб айтолмайман. Айтолмаяпман. Сен ўзинг уни юракларга етқиздириб ёзиб бергин, қаламим!


Сиз эй, гул учган, гул қучган боғларим,
Сўз бўлаётган, шеър бўлаётган,
шоир бўлаётган дарё, тоғларим!
Наврўзингиз муборак бўлсин!
Рангўтлар жилмайиб, буғдой бўй олар,
Бахмал адирларда бор баҳорийёт!
Далалар ям-яшил, йўқ, олам ям-яшил,
Бунчалар гўзалсан, гулбаҳор – Ҳаёт!


ТУЙҒУЛАРНИНГ РАНГИН ЖАРАНГГИ

Гулнора Раҳмон 1957 йилда Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган.


Тошкент Давлат Театр санъати ва Рассомлик институтининг (ҳозирги Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти) ранг тасвир бўлимини тугатган. Асарлари мамлакатимиз музейлари ва кўплаб чет эллар хусусий галереялари мулкига айланган. Асосан, портрет ва манзара жанрида ижод қилади. Ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндалари Эркин Аъзам, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғафуров, Худойберди Тўхтабоев, Ҳалима Худойбердиева, Дилбар Саидова ва Зулфия Мўминоваларнинг образларини ранг тасвирда яратган. 1997 йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси, рассомлар уюшмаси аъзоси.


2008 йилда "Марварид шодаси" номли қиссаси, 2011 йилда "Юрак деворидаги суратлар" номли ҳикоялар тўплами "Шарқ" нашриёти томонидан чоп этилган. Рангтасвирчи рассом. Шунингдек, проза жанрида ҳам ижод қилади. 2020 йилдан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



















№ 1, 2022 йил
71
Бобур ва Дунё












БОБУР ОИЛАСИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

ШАФИҚА ЁРҚИН,
швециялик бобуршунос олима.



Илму адабиёт осмонида ҳар бир буюк шоир ва етук олим бир порлоқ юлдуз бўлса, шубҳасиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг фарзандлари, яъни кўрагонийлар ё бобурийлар сулоласи бир каҳкашондир. Ҳиндистоннинг машҳур сиёсатчиси ва тарихчиси Жавоҳирлаъл Нерунинг айтишича: «Бобур санъат ва адабиётнинг улкан ҳомийси, бобурийлар саройи жуда шукуҳли, бой ва мисли кўрилмаган сарой эди».

Албатта, бундай сарой ва бундай маданият ўзидан-ўзи қурилмайди. Шоҳ ва шаҳзодалар олим, шоир ва маданиятли кишилар бўлмасалар, илму маданият ривожига у қадар парво қилмасликлари мумкин. Аммо Бобур, унинг тўрт ўғли ва бир қизи – Ҳумоюн, Комрон, Аскарий, Ҳиндол ва Гулбадан бегим ҳам тарихда чуқур из қолдирган шоир, тарихчи, илму санъатни яхши ўрганиб, ўзлаштирган кишилар эдилар. Улардан бўлган фарзандларнинг барчаси ҳам ота-боболарининг изидан бориб, атоқли шоир, адиб ва олимлар сифатида илму санъат ривожига катта ҳисса қўшиб келдилар.

«Бобурнома»да ёзилишича, Бобур ўз фарзандларининг таълим-тарбияси ҳақида ҳамиша ўйлаб, уларни ўқиш ва ўрганишга тарғиб қилар экан. У «Мубаййин» рисоласини Ҳумоюн ва Комронга диний масалаларни ўргатиш учун назмда ёзади. Бобурнинг Ҳумоюн ва Комронга ёзган мактублари ҳам шу мавзуга қаратилган. Масалан, у Комронга ёзган мактубида бундай дейди: «Фарзанди аршад ва аржуманди саодатнишон Муҳаммад Комрон Мирзо баҳодирга саломи муҳаббат анжомидан сўнг улким, кўкалтош ва ичкиларинг била сабақ ўқурға ружуъ келтуруб эрмишсен. Бу жиҳаттин кўнгулга сурур ва хотирга ҳузур етиб на бисёр хушҳоллиқ юз берди. Тангри та-

оло даргоҳидин умидим борким, жамиъи қобилият ва салоҳият бобида комил ва мукаммал бўлуб камолға етгайсен».

Ҳумоюнга ёзган мактубидан: «Яна мен дегандек бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқий олмас эдинг. Ўқий олмагандин сўнг албатта тағир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муғлақтур... Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўлодур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибан хат битурда коҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била битий. Ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқувғучиға...».

Кўриниб турибдики, Бобур фарзандларининг диёнатли, илм-фазилатли бўлиб ўсиши учун уларга китоб танлаб юбориш, уларнинг ўрганиши учун китоблар ёзишни оталик ва подшоҳлик бурчи деб ҳисоблаган, уларни ўқиш-ўрганишга тарғиб қилиб, имло ва иншо хатоларини тўғрилаб бехато, содда, равон ва бетакаллуф ёзишга чорлаган.

Албатта, Бобурнинг бундай саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Унинг тўртала ўғли, қизи, набиралари ва уларнинг фарзандлари илму санъат, шеъру адабиётда ном қозондилар. Кўрагонийлар ё бобурийлар сулоласидан кўп соҳибдевон шоирлар, тарихчилар, фақиҳлар, диний ва дунёвий олимларнинг исмини тазкиралардан келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммасини тилга олиб ўтиш ё улар ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиш анча вақт талаб қилади. Бу ҳақда ҳаттоки китоблар ёзиш ҳам мумкин. Биз бу ўринда Бобурнинг фақат шоир ва тарихчи фарзандлари ҳақида сўз юритиб, улар асарларидан бир-икки мисол келтириб ўтамиз.

Бобурнинг тўнғич ўғли Носируддин Муҳаммад Ҳумоюн 913 (1507) йили зулқаъда ойининг тўртинчи кечаси Кобулда туғилди. Онаси Моҳим бегим Султон Ҳусайн Бойқаро хонадонига яқин бир бекнинг қизи эди. Ҳумоюн Мирзо отаси вафот этгандан сўнг Деҳли тахтига эга бўлиб, 26 йил подшоҳлик даврини суриб, 963(1556) йили раби ул-аввал ойининг 14чисида Деҳлида оламдан кўз юмди.

Ҳумоюн Мирзо ҳам отасидек истеъдодли шоир эди. Подшоҳлик юмушлари, ички ва ташқи душманлар, яъни укалари ва лўдийлар билан тўхтовсиз олиб борган жанглари сабабли шеър ёзишга кўп вақт тополмаса ҳам, ундан бир қанча ғазаллар, рубоийлар, қитъалар ва бошқа шеърий парчалардан иборат (асосан форсийда) бўлган бир девон қолди. Бу девон доктор Ҳодий Ҳасаннинг тасҳиҳ ва иҳтимоми билан Ҳиндистонда босилиб чиқди. Бу девондан бир қанча шеърий намуналар тазкираларда ҳам келтирилган.

Ҳумоюн Мирзонинг каломидан намуналар:
Ҳардам зи фироқи ту малолест маро,
Ҳар рўз зи ҳижрони ту солест маро,
Ҳолест ба ғурбатамки натвон гуфтан,
Субҳоноллоҳ, ғариб ҳолест маро.

(Мазмуни: Ҳар дам фироқингдан қайғураман, ҳар кун ҳижронингда бир йилдек ўтади. Ғурбатдаги ҳол-аҳволимни айтолмайман, Субҳоноллоҳ, ғариб ҳолим бор).

Эй, манзили моҳи аломат авжи Сурайё,
Рўйи зафар аз ойинаи тиғи ту пайдо.

(Мазмуни: Эй, байроғинг жойи Сурайё авжидадир, тиғинг кўзгусида зафар намоёндир).

Менки булбулдек гулидин куймишам оҳанг ила,
Ўт солибтур жонима рухсораи гулранг ила.

Ҳумоюн Мирзонинг асарлари ҳали тўла топилган эмас. Масалан, яқинда биз унинг икки байт шеърини Содиқий Китобдорнинг «Мажма ул-хавос» тазкирасида учратдик. Мана, ўша байтлар:

Ғарийблиғ ғамидин меҳнату малолим бор,
Бу ғамдин ўлмака етдим, ғарийб ҳолим бор.
Висоли давлатидин айрилиб не-не маҳзун,
Тирикмену бу тирикликдин инфиолим бор.

Бобурнинг иккинчи ўғли Муҳаммад Комрон Мирзо 914(1508) йили туғилди. Унинг онаси Гулрух бегим туркман уруғига мансуб бўлган бекчик амирларидан бирининг қизи эди. Комрон Мирзо отаси ҳаётлигида Қандаҳор ва Кобулда ҳукмрон эди, Ҳумоюн Мирзо тахтга ўтиргач, Панжоб вилоятини ҳам унга инъом этди. Кўп вақт ўтмай оға-инилар орасида келишмовчиликлар ва низолар пайдо бўлиб, Ҳумоюн Мирзо Эронга қочишга мажбур бўлади ва Комрон Мирзо Афғонистон ҳудудида ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Ҳумоюн тахтни қайтариб олгач, 960(1553) йили Комрон Мирзонинг кўзига мил торттиради. Сўнг у ҳаж зиёратини ният қилиб Ҳижозга равона бўлади. Уч маротаба ҳаж қилиб, тўртинчи йили ҳаж маросимини адо этаётганда Арофатда 964(1557) йили зулҳижжа ойининг 15инчисида вафот этиб, Муалло қабристонида Хадичаи Кубро мозори яқинида дафн этилади.

Комрон Мирзо ажойиб истеъдодли, ширинкалом, дарвешмаслак шоир эди. Ундан ўзбек ва дарий тилларида яратилган жозибали ғазал, рубоий, қитъа, маснавий ва фардлардан иборат тўлиқ девон қолган. Бу девоннинг форсча шеърларини Муҳаммад Маҳфузулҳақ Ҳиндистонда ва ўзбекча шеърларини Саидбек Ҳасан Ўзбекистонда эълон қилдилар. Комрон Мирзонинг тўлиқ илмий-танқидий девони ҳамда ҳаёти ва ижоди ҳақида муфассал тадқиқот ушбу мақола муаллифи томонидан 1999 йили амалга оширилган. Яна бир муҳим жиҳатни қайд этиш керакки, Бобур фарзандларидан Комрон Мирзогина отаси изидан бориб, асосан, ўзбек тилида шеърлар ёзди. Ҳолбуки, Бобурдан кейинги насллар кўпроқ форс тилида ёзиб форс тили ривожига хизмат қилдилар. Комрон Мирзонинг шеърларидан бир намуна келтирамиз:

Аҳбобқа хуштурур рафиқ ўлса киши,
Имдод ила ҳомий тариқ ўлса киши,
Ислом элига жон била тарвиҳ қилиб,
Бир-бирга бу беш кун шафиқ ўлса киши.

Аскарий Мирзо Комрон Мирзонинг туғишган иниси бўлиб, 922(1517) йили Кобулда дунёга келган. Ҳумоюн Мирзо тахтга ўтиргач, Сунбул вилоятини унга инъом қилди, аммо Аскарий Мирзо акаси Комрон Мирзо билан қўшилиб, Ҳумоюнга қарши исён кўтарди. Қийинчиликларга дуч келиб, 961(1554) йили ҳаж нияти билан йўлга чиқди, лекин мақсадга етолмай, ҳаж йўлида — Шом ва Макка ўртасидаги бир жойда вафот этиб, ўша ерда дафн қилинди.

Аскарий Мирзо ҳам отаси Бобур ва ака-укаларидек истеъдодли эди. Ундан девон қолган-қолмагани ҳозиргача номаълум, аммо бир қанча тазкирачилар унинг маҳоратли шоир эканлигини тасдиқлаб, гўзал шеърларидан намуналар келтирганлар. Биз қуйида унинг каломидан бир неча мисол келтирамиз:

Эй Аскарий, ар масти мудоми хуш бош,
Вар муътақиди бодаву жоми хуш бош,
Гуфти: ба харобот набошам бе у,
Бо ёр агар дарин муқоми хуш бош.

(Мазмуни: Эй, Аскарий, агар мудом мастсан, хурсанд бўл; Агар бодаю жомга эътиқодинг бўлса, хурсанд бўл. Хароботда усиз бўлмайман, дединг; Агар ёр билан бу муқом (макон, жой)да бўлсанг, хурсанд бўл).

Чунун ки хўй гирифтам ба ошнойи ту,
Ҳалок мекунадам меҳнати жудойи ту.

(Мазмуни: Мундоққи, ошнолиғингга ўрганганман, Ҳажринг қайғулари мени ўлдиради).

Ҳиндол Мирзо 925(1520) йили Кобулда туғилди. Унинг Ҳиндол деб номланишига сабаб: Бобуршоҳ Ҳинд мулкини тасарруф қилиш нияти билан йўлга чиқиб, Ҳиндистоннинг бир неча вилоятларини қўлга киритган чоғда Ҳиндолнинг таваллудини эшитиб, ирим қилиб, унга Ҳиндол деб ном қўйди.

Ҳиндол Мирзонинг онаси Дилдор бегим бўлса-да, Моҳим бегим қўлида тарбия топгани сабабли, оға-инилар орасидаги низоларда ҳар доим Ҳумоюн томонида туриб, унга ёрдам берарди. Шу жангларнинг бирида 958(1551) йили Жалолобод шаҳри яқинида Комрон Мирзонинг аскарлари Ҳумоюннинг ўрдусига тунда ҳужум қиладилар ва аскарлардан бири Ҳиндол Мирзони танимай, ҳалок этади. Унинг жасади Кобулга келтирилиб, Боғи Бобурда отаси Бобуршоҳнинг оёғи остида дафн этилди.

Ҳиндол Мирзонинг ҳам забардаст, нозикхаёл шоир эканлигини бир қанча тазкирачилар тавсиф этиб, унинг шеърларидан гўзал намуналарни ўз тазкираларида нақл қилганлар. Қуйидаги намуналар ҳам Ҳиндол Мирзонинг етук истеъдоди ва маҳоратини исботлай олади:

З-он қатраи шабнам ки насими саҳари,
Аз абр жудо кунад ба сад жилвагари,
То бар рухи гул чаконад, эй, рашки пари,
Ҳаққо ки ҳазор бор покизатари.

(Мазмуни: Тонг ели булутдан юз жилва билан ажратиб, гул юзига томизган ўша шабнам томчисидан кўра, эй парилар рашки, ҳақ гап шуки, сен минг бор покизароқсан).

Сарви қади ту моили аҳли, ниёз нест,
Нозест дар сари ту ки дар сарвиноз нест.

(Мазмуни: Сенинг сарв қаддинг ниёз аҳлига мойил эмас, сенда шундай ноз борки, ҳатто сарвинозда ҳам йўқ).

Гулбадан бегим: Бобурнинг бу фазилатли, билимли қизи Кобулда 932/933(1526/1527) йил атрофида Дилдор бегимдан туғилди, аммо укаси Ҳиндол Мирзодек Моҳим бегим тарбияси остида бўлди. Шу сабабли Ҳумоюн Мирзога атаб «Ҳумоюннома»ни ёзди. У тўрт ёшида отасидан абадий айрилган бўлса-да, отасининг тарихчилик истеъдодини мерос олди.

«Ҳумоюннома» Ҳумоюннинг подшоҳлиги даврида юз берган воқеаларга бағишланади. Шунинг учун 937 — 963(1530 — 1556) йиллар воқеаларини акс эттириши керак эди, аммо асарнинг қўлёзмасидан охирги саҳифалари йўқолгани сабабли Комрон Мирзонинг нобино қилингани воқеасига келиб, тугамай қолган. «Ҳумоюннома»нинг форсча матни инглизча таржимаси билан А.Бевириж орқали Лондонда ва ўзбекча таржимаси форсча матни билан биргаликда Ўзбекистонда С.Азимжонова томонидан чоп этилган.

«Ҳумоюннома»нинг бирёқлама ёзилгани назарда тутилмаса(унда Ҳумоюн қанчалик мақталган бўлса, Комрон ўшанчалик қораланган), уни ўша даврни акс эттирувчи энг дақиқ ва мустанад асар деб, тан олиш мумкин. Бу асарнинг жуда ихчамлиги, равон услубда ёзилгани ҳамда фасоҳат ва балоғат авжида эканлигини кўплаб тазкирачилар, тарихчи олимлар таъкид этганлар.

Гулбадан бегим узоқ умр кўрди. 983(1576) йили ҳаж зиёратига мушарраф бўлди, Ҳумоюн ва Акбардан кўп ҳурматлар кўриб, вафот этганидан кейин жасади Кобулга олиб борилиб, дафн этилди.

Айтиб ўтганимиздек, Бобуршоҳнинг набиралари ва уларнинг фарзандлари ҳам шеърий истеъдодни Бобуршоҳдан мерос олиб, шеъру адабиёт анъаналарини кўрагонийлар оиласида давом эттирдилар. Мисол учун, Комроннинг қизи Гулрухбегим ва ўғли Абулқосим Шавкатий, Акбар, Шоҳ Жаҳон ва унинг завжалари, Аврангзебнинг қизи Зебуннисо бегим, Баҳодиршоҳ Зафар ва бошқаларнинг номи, асарлари айрим тазкираларда зикр этилган. Демак, Бобуршоҳ нафақат буюк бир империяни, энг шавкатли бир маданий даврни ўз фарзандларига мерос қилиб қолдирди, балки шоирлик ва тарихчилик истеъдодини, илмпарварлик ва санъатга қизиқиш каби олий хислатларни ҳам қолдириб, тарихда бобурийлар(кўрагонийлар) номини мангуликка эриштирди.

Хати бинафша, хади лола, зулфи райҳондур,

Хати бинафша, хади лола, зулфи райҳондур,
Баҳори ҳуснда юзи ажаб гулистондур.

Энги, менги ою дағи юзи, сўзи гулу мул,
Қади равону тани жону эрни маржондур.

Қошида чин, кўзида кийну ангабин лабида,
Сўзида заҳру лекин тилида дармондур.

Қошингға кўп бора олмон, нетай ораликда,
Ёшим тишинг дуридин айру баҳри уммондур.

Ўтумни тез этасен ҳар тарафға секритиб от,
Саманди ноз инонини бир бери ёндур.

Не навъ васф қилай сувратинг латофатини
Ки, ҳуснунга сенинг, эй руҳ, ақл ҳайрондур.

Жафову жавр агар қилса, Бобуро, нетайин,
Не ихтиёр манга, ҳарне қилса султондур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

“МАРДНИНГ ГАПИ БИТТА БЎЛАДИ”

РУХСАТ

Йигит онасига:

– Сиздан рухсат сўрамасдан бирор иш қилишим учун нечи ёшга киришим керак, – деса, онаси:

– Бунақа ёшга ҳали даданг ҳам кирмаган, ўғлим, – дебди.

ЭҲТИЁТКОР АСКАР

– Мард аскар эҳтиётқор аскардан нимаси билан фарқланади?

– Жасур аскар лашкарбошининг камчиликларини юзига айтади.

– Эҳтиётқор аскар-чи?

– У ҳам айтади. Фақат…хат орқали.

ПУЛ

– Пулни қайси ҳайвонга ўхшатасан?

– Келишини тошбақага ўхшатаман. Кетишини қуёнга ўхшатаман.



АЧЧИҚ НОВОТ

Бир киши бозорда савдо қилиб ўтирса, бир-таси югуриб келиб:

– Новот борми? – деб сўрабди.

– Ҳа, бор - деса, бояги одам:

– Ширинми? – деб сўрармиш.

ОЛМА БИЛАН ГАПЛАШМАЙМАН

– Менга бир қоп олма беринг.

– Форс олмасидан берайми ёки араб ўлкасиникиданми?

– Менга фарқи йўқ. Мен улар билан гаплашмайман, фақат ейман, холос.

ҚОРОНҒУ ХОНАГА...

Шогирд устозидан сўрабди:

– Устоз, Нокиа 1202 телефони билан интернетга кирса бўладими?

Устоз:

– У телефон билан, фақат қоронғу хонага кирса бўлади – дермиш.

ИККИ ЮК

Подшо, вазир ва Насриддин Афанди овга чиқишди. Йўлда подшо устидаги чакмонини ечиб Афандига берди. Буни кўрган вазир ҳам чакмонини ечиб Афандига узатди. Подшо Афандига:

– Афанди, устингиздаги бир ҳўтикнинг юки бўлди-ми? – деди.

Афанди дарҳол:

– Йўқ, шоҳим, кўриб турибдилар-ку, икки ҳўтикнинг юки! – деб жавоб берди.

ТИЛЛА ВА АҚЛ

– Айт-чи, бир халта тилла ва бир халта ақл турибди. Қай бирини оласан?

– Албатта тиллани, устоз!

– Мен ақлни танлаган бўлардим.

– Кимга нима камлик қилса, шуни танлайди-да устоз!

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ тўплади.

Summary

The first issue of the magazine «Bobur and the world» in 2022 published a number of interesting, scientific and artistic articles.

First, there was an article by the chairman of the International Public Foundation named after Bobur Zokirjon Mashrabov, which covered the details of the international conference held by the foundation in February this year. In addition, the news and scientific discoveries made during the scientific expedition were discussed. In particular, new evidence related to the life of Duke Eshan has been brought to the attention of the scientific community.

The magazine published an article by journalist Sitora Tojiddinova entitled «Slimer than a flower, stronger than mountains», which covered the image of historical women in the path of science. For example, the life and work of our grandmothers, who set an example for today's women in science, literature, architecture and many other areas, are mentioned.

Each article in the magazine deserves special attention. For example, the scientific research of Dilafroz Muhammadieva, Jumaboy Rakhimov, Aziz Sharipov, Muyassar Ibrahimova, Mohira Otaboeva and other authors will be recognized by the general public.

In general, the new issue includes scientific articles, poems and stories on new and current topics.

МУАССИС

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таъсисчилигидаги «Zaytun bog`lari» МЧЖ.

Таҳрир ҳайъати

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, геология-минералогия фанлари номзоди.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эйжи МАНО,
профессор (Япония).

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

Сйед Нақи АББАС,
Рампур-Ризо кутубхонаси Вице-Президенти, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди Ҳиндистон бўлими раҳбари, шоир (Ҳиндистон).

Мирза КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир, таржимон.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди, доцент.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
журналист

Бош муҳаррир ўринбосари: **Ситора ТОЖИДДИНОВА**

Навбатчи муҳаррир: **Яшнар МЎМИНОВА**

Саҳифаловчи-диз@йнер: **Ғафуржон МАДАЛОВ**

Мусаҳҳиҳ: **Муяссар ИБРОҲИМОВА**

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди. Матилардаги маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул. Таҳририят барча ижодий ишларни белгиланган тартибда таҳрир этишга ҳақлидир. Журналдан кўчириб босилганда манба номи кўрсатилиши шарт.
e-mail: boburvadunyo@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 26 мартда 0954-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган. Журнал йилига 4 марта, ҳар 3 ойда бир марта чоп этилади.

Босмахонага топширилди 2022 йил 10 апрель соат 10:00 да.
Босишга рухсат этилди: 2022 йил 10 апрель соат 16:00 да.
Бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозида босилди.
Шартли босма тобоғи 9.
350 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Журнал «Standart Poligraph Books» МЧЖ босмахонасида нашр этилди.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-18-67, факс: 241-09-21.
Нашр индекси: 2543

Босмахона манзили:
Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12-Б уй.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ВАТАН ХАЁЛИ

Учиб кетди оламга Оқсаройдан оқ хатлар,
Оқ хатлар эмас улар, соғинч, фироқ, ҳасратлар,
Руҳу жонимга туташ мулки сўнгсиз сарҳадлар,
Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли – Бобур.

Бори элга яхшилик қилмоқ надир, билдик биз,
Сиз Ҳинд сори кетдингиз, сиз сориға елдик биз,
Сиз Ватанга келдингиз, сиз томонга келдик биз,
Оҳ, бунчалар ёруғдир Ватан хаёли, Бобур.

Ватандан мужда келса, айтинг қанда жон қолди –
Ширин қовун таъмидан на-да танда жон қолди,
Самарқандда дил қолди, Андижонда жон қолди,
Бир мард юрт деб йиғласа тутгай уволи, Бобур.

Киши ғариб кўнглини тушунгайдир ғурбатда,
Ғурбат – бу ғарибликдир, ғам-андуҳдир, албатта,
Инсон билмас не сир бор, дунё деган турбатда,
Идрок этдим, бу кимнинг жавоб-саволи, Бобур.

Тўхтамайди Жайхундай сўзи – ҳаёт китоби,
Ҳар кўнгилда мавж урар, унинг шиддат, шитоби,
Маҳшаргача янграгай ҳақ йўлида хитоби,
Шундан доим баланддир дарду иқболи, Бобур.

Айтган билан тугамас, жон-жонимнинг жон сўзи,
Ватаним, миллатимнинг ҳар ўғлони, ҳар қизи,
Ҳазрат боболаримнинг қутлуғ, муборак изи,
Ҳумоюн ҳам Гулбадан, Комрон, Ҳиндоли Бобур.

Маним ёниб айтганим бир хатти жаҳон бўлгай,
Бўйи кўкка етган сарв, тик қадди жаҳон бўлгай,
Пойдевори мустаҳкам, зўр садди жаҳон бўлгай,
Жаннатлардан хуш насим – юртим шамоли, Бобур.

Учиб кетди оламга Оқсаройдан оқ хатлар,
Оқ хатлар эмас улар, соғинч, фироқ, оҳ хатлар,
Руҳу жонимга туташ мулки сўнгсиз сарҳадлар,
Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли – Бобур.

Ғайрат МАЖИД



Ҳисор бекларининг Бобурдан паноҳ истаб келиши (в. 44а)

«Бобурнома» расмлари (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970 й.) китоб-альбомидан олинди.